



**НОРБОВ
ХУДОЙБЕРГАНОВ**

Тарвоз
давом
этади



НОРБОЙ
ХУДОЙБЕРГАНОВ

ПАРВОЗ
ДАВОМ
ЭТАДИ

(Одил Ёқубов
ижоди саҳифалари)

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1980

Худойберганов Норбой.

Парвоз давом этади: (Одил Ёқубов ижоди саҳифалари). — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 — 168 б.

Талабчан мунаққид, филология фанлари доктори Н. Худойбергановнинг бу китобида таниқли ёзувчи, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Одил Ёқубов ижоди «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади», «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» каби энг етук ва характери асарлари таҳлили асосида, ўзига хос йўсида ёритилади.

Худойберганов Н. Полёт продолжается.

ББК 83.3Ўз
8Ўз

X 70202—45
М 352 (04)—80 185—80 4603010202

© Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
Тошкент — 1980

МУҚАДДИМА

Жамиятда катта тарихий бурилишлар, оламшумул ўзгаришлар рўй берган кунлар авлодлар хотирасида умрбод сақланиб қолади, ҳатто ҳар бир шахс тақдирида ўз «изи»ни қолдиради, осойишта ўтган турмуш тараққиётга таъсир кўрсатса-да одатдаги оддий воқеалардай ўтиб кетаверади.

Истеъдодли ижодкорларнинг фаолияти нисмалари биландир шунга ўхшайди: агар баҳоли қудрат қалам тебратиб, анча-мунча тузук асарлар ёзиб юрса, бадният оламининг оддий заҳматкаши сифатида танилади, борди-ю, узоқ йиллар мобайнида жонини жабборга бериб, кунни тунга улаб фидойилик қилиб, бутун кучини сўз санъатининг равнақига сафарбар этса, ўзига хос бадий тафаккур оламини яратса, тўлақонли образлар, етук характерларга жон ато қилса, кўпчиликнинг эътиборини қозонади, меҳру муҳаббатига сазовор бўлади.

Одил Ёқубов мана шундай адиб даржасига кўтарилди. Лекин бирданига эмас, жуда машаққатли изланишлар, залварли қадамлар, кучли ҳаракатлар, интилишлар билан кўтарилди. Ҳа, у мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Бу йўлда ёзувчига қанча-қанча қувончлар, улкан зафарлар, баъзан муваффақиятсизликлар,

гам-аламлар ҳамдам бўлган. Бу йўлнинг сеҳру жозибаси, сир-асрори, жумбоқлари ҳам кўпки, ҳаммаси мужассамлашиб ўзига хос оламни ташкил этади. У шундай оламки, кенг миқёсда икир-чикирларигача ўзлигини осонгина намоян қилиши амримаҳол. Бу оламнинг муҳим нуқталари, қимматли хусусиятлари, умумий жиҳатларини аниқлаб олиш ҳам ибратлидир. Истеъдод соҳибининг адабиёт майдонига кириб келиши ҳам, ҳар гал бадий кашфиёт яратиши ҳам, баъзан муваффақиятсизлик кўчасига кириб чиқиши, яна кучга тўлиб кўпчиликка севинчу қувончлар бахш этиши ҳам аслида сирли-сеҳрлидир ва бу сир-сеҳр баъзан очилмай қолиши ҳеч гап эмас. Чунки ижодий жараён ҳаётнинг ўзидай мураккабликларга, зиддиятларга, чигалликларга тўла бўлади, биз эса унинг айрим конкрет кўринишларини таҳлил қилиб, асосий қонуниятларини аниқлашимиз, ўзлаштиришимиз, идрок этишимиз лозим.

Агар битта ижодкорнинг қиёфасини аниқловчи хусусиятларни кашф этсак, бир жиҳатдан ҳозирги адабий-бадий жараёнининг ривожланиш қонуниятларидан баъзиларини аниқлаган, айримларини ёритишга имконият яратиб берган бўламиз. Бинобарин, гап Одил Ёқубов ҳақида кетар экан, пировард натижада ўзбек адабиёти, қолаверса, кўпмиллатли совет адабиёти равнақи масалаларига келиб тақалади. Зотан, бу истеъдод соҳиб ўзининг чорак асрдан ошиб кетган ижодий изланишлари давомида Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби атоқли сўз усталарининг анъаналарини давом эттириб, янгиликлар билан бойитиб, юксак поғонага кўтариш йўлида тинмай қалам тебратаётир. Шу

билан бирга рус классик адабиёти, совет адабиёти, жаҳон адабиёти буюк намояндаларининг, айни чоқда, Чингиз Айтматов, Владимир Тендряков, Валентин Распутин, Василий Шукшин, Миколас Слущис, Василий Белов сингари 60—70-йиллар адабиётида ўз истеъдодини намойиш қилган, намойиш қилаётган машҳур адибларнинг ижодий тажрибалари у учун бебаҳо сабоқ вазифасини бажарди. Натижада, Одил Ёқубов ҳозирги замоннинг пешқадам адиблари сафидан ўрин олди.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг ижодий такомилени кўрсатувчи воқеаларни, асарларни таҳлил қилиши зарур, аммо бу ўринда биз Чингиз Айтматов ва Мустай Каримдан ёзувчи номига келган икки мактубга диққатингизни жалб этмоқчимиз.

Буюк қирғиз прозаиги ва машҳур бошқирд шоири, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси»ни зўр қизиқиш билан ўқиб чиққанлигини алоҳида таъкидлайдилар.

«Бадий қуввати билан юксак, асл, ғоятда қимматли бўлган бу асар мени тўлқинлантириб юборди, бу эса қизиқарли китобнинг биринчи аломати. Бундан ҳам муҳими шундаки, романни ўқирканман, менда турк сулоласига оид фахр ва ғурур туйғуси уйғонди. Улуғбек шундай даҳоки, у бизнинг бутун дунё воқеалари тўғрисида мулоҳаза юритишимизга, дардлашишимизга ҳақ-ҳуқуқ беради, у бизнинг виждонимиз, ақл-идрокимиз, у айни чоқда ер юзининг, жаҳоннинг бизга инсониятнинг буюк тажрибасига мувофиқ баҳо беришини тақозо қилади».

Чингиз Айтматов фикрини давом эттириб, роман Улуғбек даҳосининг фожиасини, мард-

лигу матонатини гавдалантиргани туфайли ёқимли таассурот туғдирганлигини алоҳида уқдириб кўрсатади.

Мустай Каримнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам Чингиз Айтматов фикрларига яқин, улар бир-бирларини тўлдиради, бир-бирларини ойдинлаштиради.

«Романнинг ғоявий қудрати, эмоционал таъсир кучи жуда зўр. Айниқса, унинг замон билан ҳамоҳанг бўлганлиги, чин маънодаги замонавий асар даражасига кўтарилганлиги муҳимдир... Зотан, тарихий асар одамларни ҳозирги кунда муносиб турмуш кечиришга, яхши яшашга даъват этиши керак. Сизнинг романингиз шундай асарлар сирасига киради».

Ҳукм-хулосалардаги бундай муштараклик «Улуғбек хазинаси»нинг баркамол асар эканлигидан гувоҳлик беради.

Чингиз Айтматов ёки Мустай Карим сингари ижодкорлар олқишига сазовор бўлиш ҳар қандай адибга мушарраф бўлавермайди. Одил Ёқубов мушарраф бўлган экан, бу унинг ижодий парвозлари салмоқли самаралар келтирганлигини кўрсатади.

Ижодий парвозлар серунум бўлса, ёзувчи юксакликлар сари илгариларидир. Лекин парвозлар ҳар доим баланд бўлади, деб ҳеч ким айтолмайди. Одил Ёқубов илк ижодий парвозларга ўн йилдан ортиқ вақтини, жуда кўп куч-қувватини, изланиш-интилишлари, уйқусиз, беҳаловат тунлари, ташвишли кунларини бағишлади, сўнгра парвозларга парвозлар уланиб кетди, ҳозирда ҳам бу парвоз зўр шиддат билан давом этмоқда. Ёзувчи ижодиётини саҳифаларини варақларканмиз бунга ишонч ҳосил қиламиз.

ТУҒИЛИШ, ЎСИШ-ЎЗГАРИШ СЕҲРИ

Ниҳол ўтқазилди. Кунлар ўтиб илдиз отиб, барг чиқара бошлади. Сўнгра новдалари пишиб, мева тугади, бунгача бир неча хил ўзгариш рўй беради, куртак ёзади, гунчалайди, гуллайди. Ниҳол илдиз отиб, куртак чиқарганда ҳам, гуллаганда ҳам, мева тугган чоғда ҳам алоҳида гўзал бўлиб, сеҳрли бўлиб туюлади ва бу гўзаллик, сеҳр кишини мафтун этади, шодлигу қувончларга кўмиб ташлайди. Лекин ундаги қайта туғилиш, ўсиш-ўзгариш ҳолатларини ипидан игнасигача ақл билан тўла идрок этиб, юрак билан сезиб олишингиз анча мушкул. Ниҳолнинг камолатгача бўлган ўсиш-ўзгариш жараёнини бутунлиги, яхлитлиги билан тасаввур қилиш мумкин, холос. Борди-ю, кеча-кундуз ёнида бўлиб, уни муттасил кузатганда ҳам ўша жараённи кўришингиз мумкин эмас. Тўғрироғи, ҳар кўрганингизда ҳар хил рангга, ҳар хил либосга бурканганлигига ишонч ҳосил қиласиз, бироқ бу рангу либослар қайси соат, қайси дақиқада рўй берганлигини аниқлаш қийин. Бугун куртак ёзганди, бешолти кундан кейин гуллади, сўнгра ҳосилга кирди, деб қўяқоласиз.

Инсон ҳаминша мана шу ўсиш-ўзгариш, туғилиш сеҳри-ю, сирларини очишга интилаверади.

Ҳар бир етук, баркамол асарнинг туғилиш, ўсиш ва пишиб ниҳоясига ётиш, қоғозга туширилиш жараёни нималари биландир ўша ниҳолнинг туғилиш, ўсиш-ўзгариш ҳолатларини эслатади.

Албатта, ниҳолнинг «таржимаи ҳоли»ни табиат ва инсон яратади, ижодда бу вазифани истеъдод ўз зиммасига олади. Истеъдоднинг тўқсон тўққиз фойизи меҳнатдир, деган ҳикматли гап ўз кучини йўқотганича йўқ. Лекин истеъдод меҳнати, машаққатлари билан сирли, сеҳрли, жозибали бўлиб, камёб, нодир ва ноёб мўъжизадирки, унинг мевалари ҳам мана шундай маъно, салмоқ касб этади.

Истеъдод муҳри босилмаган, ўқиш-ўрганиш натижаси сифатида пайдо бўлган асарларнинг «таржимаи ҳоли» ўта жўн бўлиб, сиру сеҳрга, жозига мутлақо ётдир.

Одил Ёқубовнинг 50-йилларда ёзилган прозаик ва драматик асарлари, чунончи, «Тенгдошлар», «Ота изидан» қиссалари, «Икки муҳаббат», «Дастлабки қадам» ҳикоялар тўпламлари, «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим куяди, айтмасам-дилим», «Олма гуллаганда» пьесалари талантсиз ёзилган, уларда истеъдод муҳри йўқ, деб бўлмайди. Аммо шунга қарамасдан уларнинг ёзилиш тарихи унчалик мураккаб эмас. Ёзувчи бошидан кечирганларини, кўрган-билганларини қоғозга тушириб қўя қолган, дейсиз. Аммо истеъдод билан, илҳом билан битилган асарда ёзувчи ўзи кўрган-билганларини соқит қилиб, бошқа нарсани ифода-лайдими? Йўқ, бундай вазиятда ҳам қалам-каш ҳаётий билимини ишга солади, лекин унга янада салмоқлироқ, янада қимматлироқ бирон нарса қўшилиб, биз сезмаган, англама-

ган кашфиёт, янгилик яратади. Истеъдод шундай сирли, сеҳрли мўъжизаки, у ёзувчини ҳатто ўзи сезмаган ҳолда ҳеч кимга аён бўлмаган бой, гўзал, ҳаммага завқ-шавқ, муҳим ижтимоий сабоқ бахш этадиган олам яратишга мажбур қилади, даъват этади, илҳомлантиради.

«Тенгдошлар»нинг қаҳрамонлари, ундаги воқеалар ҳам, «Муқаддас»даги сюжет, конфликт ҳам ҳаётдан олинган, тўқиб-бичилган уйдирма эмас. Ҳатто айтиш мумкин: биринчи қиссадаги фикрлар, мулоҳазалар, кузатишлар ҳозирги мактаб ёшидаги болалар ҳаётига мос келади, аммо санъат асарида фақат мос келишнинг ўзи етарли эмас. Ҳолбуки, айрим адабиётшунослар ижодий жараёни ёзувчи ва унинг асарлари таржимаи ҳолини ўрганишда асардаги қаҳрамонларнинг прототипларини излаб топиш, воқеаларнинг муайян муҳитда бўлиб ўтгани ёки бўлиб ўтмагани тўғрисидагина мулоҳаза юритиш билан чекланиб қолмоқдалар, бадиият мезонини белгилашда фақат шу нуқтаи назардан келиб чиқиб иш кўрмоқдалар.

Борди-ю, биз шунга риоя қилиб, шуни ҳақиқат деб Одил Ёқубов асарларига баҳо берсак, уларнинг барчасини ижодий муваффақият деб эътироф этмоғимиз зарур. Чунончи, «Ота изидан» қиссасида тарихчи Шукур Султоновнинг гражданилар урушида фаол қатнашгани, совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган отаси Собиржон Султоновни хоин деб тухмат тошларини ёғдириб юрган Қосимов деган жирканч шахсни ҳеч ким рад этолмайдиган далиллар билан фош этгани ҳақида гап боради. Асардаги воқеалар ҳаёт ҳақиқатига зид

эмас. Уларнинг аксариси турмушда рўй берган. Изласангиз, битта эмас, бир неча прототипларни учратишингиз мумкин. Чунки асарда тасвирлангандай ҳолатлар фақат граждандар уруши давридагина эмас, балки бошқача шакл, бошқача кўринишда ҳозир ҳам бўлиб туради. Бинобарин, «Ота изидан» баркамол асар деб хулоса чиқариш мумкин, бироқ бу хулосани тўғри деб бўлмайди. Зеро, ниҳоятда заиф асардан ҳам ҳаётӣ ҳодисаларнинг бир парчасини, жуда бўлмаганда, бир заррачасини топиш мумкин. Бироқ бу унинг бақувватлигини таъминламайди.

Асарнинг ҳаётӣ асосини, қаҳрамонларнинг прототипларини, реал турмушдаги «ака-ука»лари, «опа-сингил»ларини аниқлаш ижод жараёнига бевосита тааллуқли, аммо биз бунга баъзан шу даражада берилиб кетамизки, ўнгимизда ҳам, тушимизда ҳам у ёки бу образнинг қайси бир шахсдан «кўчириб» олингани тўғрисида бош қотирамиз. Оқибатда ёзувчи яратган, «жон» бахш этган бадий олам, образлар дунёси бир ёқда қолиб, қаҳрамонларнинг прототипларини излашга тушиб кетамиз. Шунинг учунми, айрим ўқувчилар сўз санъатининг ижтимоӣ ҳаётни тадқиқ этиб, кишилар онгини, пиروвардида, жамиятнинг маънавий-ғоявий йўналишини такомиллаштиришга, юксак идеаллар асосида ўзгартиришга, қайта қуришга хизмат қилишини эсдан чиқариб қўяди-да, ёзувчиларга «қаҳрамонларингиз қайси қишлоқ ёки шаҳарда истиқомат қилишди, нималар билан шуғулланишди, севишганлари билан қовушадими, тўйлари қачон бўлади», тарзида мактублар ёзишди.

Баъзи қаламкашлар: «Хўш, нима бўпти, ахир, бу китобларимизнинг ҳаётӣлигини кўрсатади, акс ҳолда қаҳрамонларнинг прототиплари таржимаи ҳолига, оилавий турмушига, юриш-туришларига шунчалик қизиқиш тугдирмасди», дейишди-да, шундай мазмунда мақолалар ёзиб, танқидчиларга дашном бериш пайига тушадилар.

Одил Ёқубов ўзининг юзлаб мухлисларидан келган хатларга бошқачароқ муносабатда бўлади. У шу мавзудан сўз очганингизда: «Ҳа, одатдаги гапларни ёзибди, қаҳрамонларимнинг адресларини сўрашибди, лекин дид билан сўз санъатини моҳиятини тушуниб мулоҳаза юритганлари ҳам бор. Мен мана шуларнинг танқидига ҳам, мақтовига ҳам эътибор билан қарайман»,— дейди. Айни чоқда баъзи дидсиз китобхонлар савиясини кўтариш учун бадий ижод, адабий танқидни ҳар томонлама тараққий эттириш лозимлигини эътибордан соқит қилмайди. Баркамол асарлар сонини орттириш билан бирга бадий тафаккур, сўз санъати сирларини ошкор этишга қаратилган қатор мақолалар билан тез-тез чиқиб туради, ўзи яратган китобларнинг, қиссаларнинг яратилиш тарихини ёритишга оид мулоҳазалари билан тез-тез ўртоқлашиб туради.

Аммо ёзувчининг шахсан ўзига хос ҳаракат-ҳолатлар йирик адиб деган тушунчага монандмасдай, ёпишиб тушмагандай бўлиб туюлади. Чунки юриш-туришларида, муомала-муносабатларида қандайдир соддадиллик, жиндак дағалликни эслатувчи аломатлар бор. Бир қарашда унда катта ёзувчиларга хос салобат қани, деб ҳайратланишингиз мумкин. Яширишнинг ҳожати йўқ: ёзувчига шу нуқтаи на-

зардан қараб, уни назарга илмовчилар ҳам топилади. Аммо «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат» билан ижодий камолотга эришган Одил Ёқубов бундайларни ҳам лол қилиб қўйди.

Қизиқ вазият пайдо бўлди: «Навоий» романидан кейин тарихий мавзуда жиддий ўзгариш ясаган бу йирик полотнони ўқиганлар дастлаб, наҳотки уни биз билган ўша Одил Ёқубов ёзган бўлса, деб ажабланишди, бироқ бора-бора ҳақиқатни эътироф этмасдан бошқа илож йўқлигини англашди.

Бир неча йиллардан буён радио ҳам, телевидение ҳам, газета-журналлар ҳам Одил Ёқубовнинг ноёб истеъдоди, унинг ижодий жасорати тўғрисида баралла сўзламоқда, тўлиб-тошиб қувонч билан сўзламоқда. Мухлислар икки-уч барабар ортди. Шунга мувофиқ ижодига қизиқиш янада кучайди.

Энди ҳозирги ўзбек насрчилигини Одил Ёқубовсиз тасаввур қилолмаслигимиз ҳаммага аниқ-равшан бўлиб қолди.

Бу даражага кўтарилиши учун аввал ҳам мустаҳкам асослар, салмоқли заминлар мавжуд эди. Улар ёзувчининг изланишларида, илк бор «Муқаддас»да ошкора кўринди, кўзга «ярқ» этиб ташланди. Сўнгра йилдан-йилга кўпчиликнинг эътиборини қозониб, ниҳоят «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат»да маҳоратнинг юксак чўққиларидан бирини забт этди.

Одил Ёқубовнинг машҳур асарларини қўятуринг, адабиётимизда катта воқеа бўлмаган «Ота изидан» ёки «Олма гуллаганда» каби қисса ёки пьесаси ҳам нималари биландир ҳаётнинг мураккаб, муҳим муаммолари устида бош қотиришга даъват этади, нималари билан

дир китобхонни завқлантиради, ташвишлантиради.

Буларнинг бош сабабчиси — ёзувчининг баркамол истеъдоди. Мана шу истеъдод Одил Ёқубовни Одил Ёқубов қилган, мана шу истеъдод уни халқимиз, партиямиз олдидаги ижодкорлик масъулиятини бир лаҳза унутмай доимо олий, муқаддас мақсад йўлидан — меҳнаткашлар оммасини маънавий-руҳий, фалсафий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш йўлидан бошлаб юради, уларга ҳамдарду ҳамкор қилади, битмас-туганмас илҳом бағишлайди.

Ҳамма гап мана шу истеъдоддир. Унда ижодкорнинг ёзиш-яратиш, яшаш-курашиш сирларини соҳри мужассамлашган.

Истеъдод ўзи нодир, ноёб ва камёб бўлгани учун у кимга насиб қилса, ўшани муайян йўналишда муайян соҳада янгилек яратишга, оригиналлик кашф этишга сафарбар этади.

Одил Ёқубовнинг қайси бир асарини ўқиманг, унинг яратиш, кашф этиш туйғусига йўғрилганлиги сезилиб туради. Аслида мана шу туйғу ёзувчини тинч қўймайди, излаб интилишга даъват этади, ҳар бир асар туб негизини мустаҳкамлашга мажбур қилади. Энг муҳими, истеъдод қалбидан отилиб чиқадиган ўша туйғулар дарёнинг кучли, қудратли, тўлқинларидай ижодкорнинг бутун вужудини қамраб олган чоғда салмоқли самаралар келтиради.

«Муқаддас», «Ларза», «Қанот жуфт бўлади», айниқса «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» бу фикрнинг аниқ, ёрқин далилидир.

Мазкур йирик насрий асарлар Одил Ёқубов истеъдодининг тобора очилиб келаётганлигини кўрсатади, қадам-бақадам бадний маҳорат

рати ошиб, ёзувчидаги яратиш, кашф этиш туйғусининг тинмай мавж уриб турганлигидан далолат беради.

50-йилларнинг иккинчи ярмидаги Одил Ёқубов билан 70-йиллардаги «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат» муаллифи бир-бирдан осмон билан ерчалик фарқ қилади, бироқ нимадир сақланиб қолган, ўзгармаган, кўп нарса — дунёқараш, ижод тажрибаси, ёзувчилик фаолияти мутлақо янги мазмун, янги шакл касб этган, бироқ шу янги мазмун, шаклда дастлабки Одил Ёқубовдан нимадир бор, йўқолиб кетмаган. Бу ўринда, табиийки, бизни Одил Ёқубовнинг ўзи учун, адабиётимиз равнақи учун, кенг китобхонлар оммасининг маънавий-руҳий камолоти учун сабоқ бўладиган ҳолатлар, хусусиятлар қизиқтиради.

Айтиш мумкинки, Одил Ёқубов доимо дарёдай тошиб юради, оловдай ловиллаб, ёниб туради, лекин бўлар-бўлмасга қизишмайди, нимаки халқ дилига ташвиш солса, ўшанинг дарди билан нафас олади, ўшанга куйинади, ўшани ҳал қилиш туйғусига фарқ бўлади. Айниқса, меҳнат аҳли тўғрисида гап кетса, сўз санъатининг тақдири ҳақида гап очилса, у «портлаб» кетади, ўзини унутиб, кўпчиликнинг дардига шерик бўлади. Афтидан, шунинг учун ўз асарларига ҳам, ўзгаларнинг ижод маҳсулотига ҳам танқидий назар билан қарайди, ашаддий бадний «жанг»ларга шўнғиб кетади, мавриди келганда ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямасдан «дўппослайди». Тўғри, «дўппослаётиб» ҳимояни унутмайди, бироқ «хужум» асосли, кучли бўлса, «таслим» бўлишдан қўрқмайди.

Бутун вужуди, интилиш-изланишлари, хат-

ти-ҳаракатлари, курашлари ҳақиқат ва адолат тантанасига қаратилади.

Баъзи ижодкорлар ҳақиқат ва адолатнинг юзига тик боқолмайди. Одил Ёқубов шунинг уддасидан чиқади, лекин осонликча эмас, қийналиб, эзилиб уддалайди. «Сиз менинг бу гапларимдан «Ёзувчи акам танқидга тоқати йўқ, ўта инжиқ одам экан-ку», деган хулоса чиқармассиз, деган умиддаман. Мен «Биллур қандилар»ни ҳар жиҳатдан мукаммал асар демоқчи эмасман», — дейди у ўзига очиқ хат билан мурожаат қилган ёш танқидчига. Сўнг уқтиради: «Танқидчилар масаласига келганда шуни айтмоқчиман: сиз, афтидан, ёзувчини мисоли бир қўй, танқидчини қўйчивон деб тушунсангиз керакки, танқидчи қаёққа қараб «ҳайт» деса, ёзувчи ўша ёққа қараб кетавериши керак, деб ўйлайсиз».

Ўзларини қўйчивон деб тасаввур қилган танқидчилар билан Одил Ёқубов ҳисоблашмайди, буни ошкора билдирмаса ҳам ўта ўжар ва инжиқ бўлиб олади, гапидан қайтмайди. Лекин одилона, адолатли танқидга тўн беради, аммо табиийки, тезда эмас, бир оз қайишиб-майишиб тан беради. Тилида эмас, дилида тан берганини амалда, ижодда исботлайди.

Бир гуруҳ ёзувчилар, танқидчилар билан бирга «Қанот жуфт бўлади», «Улуғбек хазинаси», «Биллур қандилар»нинг илк вариантларини ўқиганмиз, анча-мунча мулоҳазалар айтганмиз, очиқчасига «жанг» қилишганмиз, тортишганмиз, айрим нуқсонларини кўрсатганмиз. Натижада, бу асарлар ўқувчиларга бориб етгунча қанча-қанча «операция»ларни бошидан кечирган, неча бор ўзгартирилиб, А. Қаҳҳор айтгандек, «қайта бичиб, қайта ти-

килган». Жумладан, «Қанот жуфт бўлади»нинг дастлабки номи «Давр табассуми» бўлиб, қиссанинг қатор образларида, хусусан, Акрам ва Сайёра характерларида қандайдир хиралик, саёзлик учрарди, фикр-мулоҳазаларнинг ифодаланишида қандайдир парокандаликка йўл қўйилганди, Одил Ёқубов қайта ишлагандан кейин асарнинг номигина эмас, балки бутун руҳи, шакли-ю, мазмунида етуклик ҳосил бўлди. «Улуғбек хазинаси»нинг биринчи варианты махсус сўз боши билан бошланиб, муаллиф унда нима учун улуғ ўзбек олими, астрономи, йирик давлат арбоби тўғрисида роман ёзишга жазм этгани, «Правда Востока» газетасида буюк алломанинг дунёда тенгсиз, ғоятда бой кутубхонаси бўлганлиги, нима сабабдандир шу пайтгача топилмагани тўғрисидаги мақола билан танишиб, асарни ёзишга дастлабки турткини олгани, Самарқандга борганида кўпчилик сайёҳларнинг ўрта асрда еру кўкни шону шуҳрати, илми, давлатни бошқаришдаги ишлари билан оламни ларзага келтирган даҳо тўғрисида яхши таассуротга эга эмаслиги ташвишга солганини маълум қилади ва шу тариқа эпик полотнога қўл ургани изоҳланади. Охирги вариантыда изоҳли сўз бошини ёзувчи ҳамкасабалари, танқидчилар истагига мувофиқ олиб ташлади. Улуғбек ва Абдулатиф, шунингдек, Али Қўшчи, Мавлоно Муҳиддин характерларидаги баъзи нуқталар чуқурлаштирилди, ойдинлаштирилди. «Биллур қандиллар» дастлаб «Сўнгги бир кун» деб аталиб, кўп жихатдан хом эди. Одил Ёқубов энг шимариб, илҳом билан ишга қайтатдан киришди ва қиссанинг бўш, мустаҳкамланмай қолган жойларини «шиббалаб», обдан пишитгандан кейин

охирги нуқтани қўйди. «Биллур қандиллар»ни янги боблар билан бойитди, ортиқча тафсилотлардан воз кечди, ҳатто ҳар бир жумлани яна «чертиб-чертиб» кўриб, лозим бўлганда уни бутунлай янгилади, кам деганда у ер-бурини «қиртишлаб» сайқал берди.

«Уруш ва тинчлик»ни Лев Толстой олти карра такрор-такрор ишлаб, еттинчисини эълон қилганлиги тўғрисидаги гаплар айтилавериб-айтилавериб афсонага айланиб кетгану, бироқ ҳозирги кунда айрим адибларимиз бир ўтиришда бир нафас билан роман ёки қиссани дўндириб ташлайдилар. Асар тили устида ишлаб, заҳматини чекишга сабр-чидам, матонат камдан-кам топилади. Ваҳоланки, тил устида китобнинг ҳар бир жумласи, образлари, барча ҳаётий асослари, бадий тўқималари устида тинмай тер тўкиш чинакам истеъдодга хосдир.

Одил Ёқубов мана шу муқаддас ақидага оғишмай амал қилади, унга хиёнат қилиш халқ ишончини йўқотиш билан баробар эканлигини яхши билади. Номигагина асар ёзиш, нашр этиришини ўзига эп кўрмайди, ижодининг илк босқичидегидек китобни нашрдан чиқариб, ўқувчига ҳавола қилиш билан муроду мақсадимга эришаман, деб ўйламайди. Чунки у ижод шайдоси, ижод фидойиси, барча куч-қудрати, имкониятларини бадийятга бағишлаган, меҳнаткаш омманинг дардига малҳам бўламан, деган буюк эътиқод билан яшайди, қалам тебратади.

Ижод шайдолари кўп, ёзувчиликка ҳавас қўйганларнинг ҳисобига етиш қийин, бироқ ижод фидойилари, афсуски, кам учрайди. Чунки ижодда фидойилик дегани меҳнат, меҳнат

ва яна меҳнат, уйқусиз тунлар, беҳаловат кечалар ва яна уйқусиз тунлар демакдирки, бунга ҳаёти, умрини тикканлар бармоқ билан санарли.

Мана шу бармоқ билан саналадиганлар сафида Одил Ёқубов дадил қадам ташламоқда, у болалик давридан то ҳозирги пайтларгача қайноқ ҳаётда қайнаб яшайди, ҳеч қачон оддий кузатувчи бўлиб қолмаган, турмушнинг ичида бўлади, ижтимоий салмоқ касб этган воқеаларга ҳамма вақт тийрак кўз, зийрак ақл билан қарайди.

Қайси бир асарини олманг, унинг юзага келишида аниқ, ёрқин реал омиллар катта роль ўйнаганлигини сезиб оласиз. Чунончи, «Литературная газета»га мухбир бўлиб юрганда бир пайтлари машҳур қаҳрамон бўлиб донг таратган, ҳаммани оғзига қаратгану, бироқ нима учундир керосин сотувчи бўлиб ишлаётган заҳматкаш аёлни учратади, у билан танишади, бошидан кечирганларини билиб олади, натижада, «Бир фелъетон қиссаси» деган қиссасини ёзади.

«Биллур қандиллар»ни ёзишида ёзувчининг ўз ҳовлисига газ ўтказиш юзасидан олиб борган ишлари, кузатишлари, «зангори олов»ни хонадонларга етказиб беришдаги номаъқулчиликлар туртки бўлган.

Диққат қилинг-а, туртки бўлган.

Одил Ёқубовнинг деярли барча ҳикоялари, қиссалари, романлари ҳақида шундай дейиш мумкин. Чунки уларнинг барчаси адиб ҳаётининг бир парчаси, халқ ҳаётининг бир қисми, тўқиб бичилган ёлғон-яшиқ йўқ. Аммо ёзувчи қачонки ҳаётини материални маҳорат «қозони» да обдан пишириб, янги доvon ошиб, янги олам

яратмаса, оригинал образлар кашф этмаса, ижодий ғолиблик гаштини суролмайди.

«Излайман» қиссасининг сюжетини ташкил этган муҳим воқеаларни адибнинг ўзи Мўғулистонда армия сафида хизмат қилаётган чоғларда кузатган, бошидан кечирган. Унда бир қанча ибратли манзаралар, қизиқарли эпизодлар гавдалантирилган. Асар бош қаҳрамони Даврон Ғозиев характерини ёритишга қаратилган ҳаётини лавҳалар чизилган. Бироқ, умуман олганда «Излайман» Одил Ёқубов ижодида «Муқаддас» ёки «Улуғбек хазинаси»дек етук асар даражасига кўтарилмаган. Бунинг сабабларидан бири шундаки, ёзувчи ҳаётини материални ўз ҳолича ифодалаб, унинг моҳиятини чуқур тадқиқ этмаган, салмоқли бадий умумлашма даражасига кўтаролмаган, қаҳрамонлар характерларининг баъзи қирралари ёритилгану, бироқ баркамол типларга «жон» берилмаган, юксак бадий пафос ҳосил қилинмаган.

Ҳаёт ҳақиқати бадий ҳақиқатга айланмаса, ғоявийлик образлилик билан омикталашиб, уйғунлашиб кетмаса, ҳар қандай қимматли фикрлар, асл ғоялар, реал фактлар, воқеалар эстетик салмоқ касб этмайди.

Одил Ёқубовнинг ижод боғида ниҳол бўлиб илдиз отганига чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Оловли, шовқин-суронли ёшлик йилларини жиддий изланишларга сафарбар этди, ўсмирлик завқини суриб, заҳматини чекди, ниҳоят, ижодий камолотга эришди, истеъдодидан сермазмун, сермаъно мевалар ундирди, кўпчиликнинг бадий эстетик эҳтиёжларини қондиришга муносиб ҳиссасини қўшди. Агар интилиш-изланишлари янада зўр қатъият би-

лан кенг миқёсда муваффақият билан давом этса, истёдоди узлуксиз «чархланиб», сай-қалланиб борса, маҳорати тинмай ўсса, мустаҳкамланса, кашфиётлар яратиш йўлидан олға, мардонавор илгарилайверса, адабиётимизда катта воқеа бўладиган асарлар яратишга эришади.

КАМОЛОТ ЗАМИНЛАРИ

Агар ёзувчининг обрўси ортиб, у шон-шуҳрат шоҳсупасига чиқса, мақтовлар, илиқ сўзларнинг кети узилмай қолади. Лекин мақтовнинг ўз меъёри, ўз мезони борки, бунга риюя қилинмаса, оқибати яхшилик билан тугамайди. Шунинг учун барча даҳолару донолар, истёдодли ижод соҳиблари мақтовларга, шон-шуҳратга қўл бўлмаганлар.

Одил Ёқубов буни тушуниб етгунча анча-мунча мураккаб ҳолатларни бошидан кечирди. Ёзувчи шундай эслайди: «Бир кун кўчада кетаётсам, мендан бир-икки қўйлакни олдин тўздирган бир адиб учраб қолиб, четга тортди:— Табриклайман, ука! Ҳамза театрида икита пьеса қўйдириш ўзи бўлавермайди. Академик театр-а? Манман деганлар битта пьесасини ўтказолмай юрипти-ю, икkitасини дўндириб қўйибсан. Қойил! Лекин ҳайронман. Бошларига кўтарса арзийсану, индашмайди. Билиб билмаганликка олишади. Кимсан академик театр-а? Хўп, хайр. Аммо қойил, ука!

Бу гаплардан мен ҳовлиқмай ким ҳовлиқсин!

...Ҳамза театрининг қўлоч-қўлоч афишала-рида каминанинг номи тўрт жойда зикр этилибди! Фақирнинг тўртта пьесаси қаторасига қўйилипти экан! Ушанда ҳалиям пуфакдай шишиб, ёрилиб кетмабман!»

«Икки муҳаббат» деган ҳикояси сал-пал тилга тушиб, оғиздан оғизга ўтганда ҳам Одил Ёқубов ўзини йўқотиб қўяёзганини сўзлайди: «Биз адабиётга кириб келган пайтларда — эллигинчи йилларнинг бошида, машъум конфликтсизлик назарияси айни авжида эди. Бу назариянинг меваси бўлмиш уйдирма асарлар кўкларга кўтарилиб мақталаётган пайтлар эди. Ёшликда хато қилиш осон. Яхши эканки, мақталяпти, демак, шуларга қараб асар ёзиш керак, деган фикр туғилиши табиий. Бу фикрнинг тамом нотўғри эканини, ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, ёзувчи шу ҳаётга суяниши кераклигини, ҳаётда ўзи кузатган одамлар, уларнинг тақдири ҳақида ёзсагина жонли бир нарса чиқиши мумкинлигини тушунгунча ўн йиллар ўтди».

Ўн йиллар! Ташвишу надоматлар, изланишлар билан тўлиб тошган ўн йиллар! Улар ёзувчини ўз-ўзини тафтиш қилишга, ўз-ўзига танқидий кўз билан қарашга, ижодга, ҳаётга кўр-кўрона ёндашмасликка ўргатди. Бинобарин, вақт мутлақо самарасиз, натижасиз ўтиб кетди, деб нола чекиш керакмас, лекин ўн йиллар эмас, балки ёзувчи ўзлигини англаб, истёдодини намоёйиш қилгунча беш-олти йил сарфланса бўлмасмиди, деб ўйлаб қоласан киши ва фигони чиқиб мулоҳаза юритаётган Одил Ёқубов ҳолати, кайфиятини тушунасан, унга ҳамдарду ҳамкор бўлгинг келади.

Англашиляптики, ёзувчи истёдодининг шаклланиши, етукликка эришиши осонлик билан кўчмаган.

Гап шундаки муҳитни инсон яратади, сўнг-ра муҳит мустақиллик касб этиб ҳаёт тараққиётига таъсир кўрсата бошлайди. Адабий

шарт-шаронтнинг юзага келишида учта муҳим омил иштирок этади: ёзувчи, китобхон ва танқидчи. Демак, ижод тақдири учун ёзувчи ҳам, китобхон ҳам, танқидчи ҳам жавобгар, улардан бирини оқлаб, иккинчисини қоралаш, учинчисини эътибордан соқит қилиш ёки менсимаслик асло ярамайди.

Сўз санъатининг равнақи ёзувчининг ўз ўқувчиси ва танқидчиси билан қандай муомала-муносабатда бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдирки, биз бунинг моҳиятини етарли даражада англаб етмаймиз. Борди-ю, китобхонлар оммасининг талаб-эҳтиёжлари юксак даражада бўлмаса, ижод авжи шубҳасиз, пасаяди. Шунингдек, танқидчи мавқеи ҳам мустаҳкам заминга эга. Зотан у ижодкорнинг талабчан дўсти, дидли китобхони, «тафтишчиси», меҳрибон устози вазифасини ўтайди. Гап, албатта, чинакам танқидчи тўғрисида кетяпти. Бадият қонуниятларини чуқур ўзлаштириб, ижод сирларини тўғри тушуниб олган истеъдодли мунаққид назарда тутиляпти. Негаки, ўзларини қўйчивон, қаламкашларни қўй деб тасаввур қилган танқидчилар учраб туради. Қўйчивонлик бадий ижодга ётдир.

Айтмоқчимизки, Одил Ёқубовнинг адиб сифатида шаклланиши таомилдан ортиқроқ чўзилиб кетиши, камолот маррасини кечикиброқ эгаллашига унинг ўзи ҳам, ўша муҳит ҳам, адабий танқидчилик ҳам сабабчи бўлган.

Энди шу ўринда дўппини бошдан олиб, бир ўйлаб кўрайлик: Одил Ёқубов қаламига мансуб бўлган илк асарлардан бирортаси на «Тенгдошлар», на «Ота изидан», на «Чин муҳаббат» — чуқур, адолатли, ишонарли танқид қилиниб, ёш ёзувчига сабоқ берилганини бил-

маймиз. Йўқ, Одил Ёқубов кўкларга кўтарилиб, танқидчиликнинг байроғига айланмади, лекин у нимаики ёзса, эълон қилдирса, деярли барчаси ижобий баҳоланди, қўллаб-қувватланди, жиддий нуқсонлари конкрет, ёрқин, ҳаққоний таҳлил орқали ибрат қилиб кўрсатилмади.

Дўстонга туйгулар билан йўғрилиб, асарнинг асл қадр-қимматини кўрсатишга қаратилган танқид 50-йиллардагина эмас, балки 70-йилларда, ҳозирги кунда ҳам оммавий тус олган, деб айтолмаймиз, бироқ ижод ҳақида ҳаққоний, лекин аччиқ сўзни зикр этишга интилиш тобора кучайиб бормоқда.

Одил Ёқубов Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлардан баъзан бевосита, баъзан бавосита сабоқ олганлигини, аммо Мухтор Авезовдай устози бўлмаганлигини айтиб ўкинади, бироқ танқидчиликдан ўпкаламайди. Ваҳоланки, ўпкалаш у ёқда турсин, ёзувчи туғилиб, бадият майдонига қадам ташлаб, оёққа дадил туриб кетгунча, катта ютуқларга эришгунча, ундан кейин ҳам — ҳамма вақт илмий жиҳатдан баркамол, адолатли, ҳаққоний танқидга муҳтож эканлигини, беўрин, асоссиз мақтов ижодкорни йўлдан уришини барала айтиши мумкин ва зарур эди.

Айтмаганлигининг боиси шунда бўлса керакки, у нуқсонларини бировнинг елкасига ағдариб юришга одатланмаган. Чунки ҳар қандай шаронгда ёзувчи камчиликлари биринчи галда ўз гарданига юкланади, уларга ўзи жавобгар бўлади, сўнгра иккинчи, учинчи навбатда танқидчиликка, муайян шарт-шаронтга айбнинг бир қисми юкланади.

Кўпинча Одил Ёқубов бошқаларнинг зим-

масига тушадиган оғирликни ўз елкасида олиб юришдан ҳайиқмайди, тортинмайди. Бу ўринда унинг характериға, шахсиятиға хос бўлган бир муҳим фазилатни қайд этамиз: қилинган, бажарилган ишдан қониқмаслик, забт этилган довонда қотиб қолмаслик туйғуси, ҳар бир асарни юксак маҳоратға эришиш йўлидаги навбатдаги қадам деб яна олдинға юриш, тинмай баланд чўққиларға интилиш туйғуси уни тарк этмайди, унга тинчлик бермайди, унинг қонқонига сингиб кетган. Шунинг учунми, мақтаётганингизда кинояли жилмайиб қўяди, ошириб юборганингизни сезгач, бу нега даркор, дегандай қўлини силтаб ташлайди, шон-шухрат кетидан қувмайди, меҳнатсиз орттириладиган обрўдан қочади.

Чинакам истеъдод соҳиби мақтовға учмайди, шон-шухратни, ном чиқаришни, обрў орттиришни ўлгудек ёмон кўради, шарафлашларни ўзига душман деб билади, деймизу, бироқ амалда бунинг тескариси бўлиши мумкин.

Бизда ҳамма нарсаса йўл очиқ, фақат ёмон ёзишға ҳуқуқ берилмаган, аммо истеъдодсиз, қобилиятсиз қаламкаш учун муқаддас қонун йўқ, у ўз манфаати учун баъзан соғлом муҳитни булғаб, мухолифини оёқ ости қилишдан тоймайди.

Адабий жараёнда бундан юз карра, минг карра мураккаб курашлар, «жанглар» бўлиб турадики, уларнинг қизгин иштирокчиси ўз кучи, ўз меҳнати, ўз ижоди билан ғолиб чиқишға ҳамма вақт эришавермайди.

60-йилларнинг ўрталарида Абдулла Қахҳор билан бўлган сўхбатда атоқли адибимиз 20—30-йилларда 200 дан ортиқ шоир, ёзувчи қалам тебратганини, аммо улардан бармоқ би-

лан санарли киши адабиёт тарихида из қолдирганини айтиб берганди. Ҳозирда, 70-йилларда уларнинг сони камида 400 га етса керак, бироқ улардан қайси бирининг катта ижод соҳиби даражасига кўтарилишини башорат қилиб айтиш амримаҳол.

Одил Ёқубовнинг 50-йилларда қатор ҳикоялар, қиссалар, драмалари билан танилиб қолгани аниқ, бироқ унинг ўзигина ўз келажиги, истиқболига ишонган ҳолда тиним билмай изланишларини давом эттириш, асардан асарға ўсиш, камолот маррасини эгаллаш зарурлигини англаган бўлиши керак.

Бошқалар-чи? Улар «Тенгдошлар»ни ўқиганда, «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим», «Юрак ёнмоғи керак» пьесаларини Ҳамза номли академик театри-мизда томоша қилганларида ҳам Одил Ёқубов 70-йилларға келиб, пешқадам адиблар даражасига кўтарилади, деб ишонмагандир. Жуда кўп деганда баъзилари бўлажак ёзувчига умид билан қарагандир. Негаки, талантлиман деб юрган қаламкашлар баъзан тутаб-тутаб ёнолмай қолади, юзага чиқмай кўздан ғойиб бўладилар. Гоҳида бир карра ёниб, сўнгра дарҳол сўнади. Гоҳида чинакам истеъдод эгаси ҳам инқирозға юз тутати...

Ҳаёт ҳамда ижоднинг жуда кўп синовлариға дош берган истеъдод ўзлигини сақлаб қолади, куч тўплайди, завқ-шавқ, маънавий-руҳий сабоқ берадиган манбаға айланади.

«Фарзандлар бурчи»нинг қаҳрамонларидан бири Аҳмаджон Одилов шундай дейди: «Шахсан мен ёзувчи халқидан гина қиладиган жойим йўқ. Бизни кўп ёзишди. Мақтовлар ҳам жойида. Бундан ортиғи ортиқ. Аммо бит-

та нарсага қойил эмасман-да! Кўплар.. худди ҳамма нарса ўзи бўлгандай ёзишади. Шу сабабданми, билмадим, ўқигиси келмайди. Нега десангиз, ўзи бўлмаган-да, бу ишлар, акалар! Ҳа, ўзи бўлмаган!»

Шу мулоҳазаларни ёзувчининг меҳнатига, изланиш-интилишларига тадбиқ этиш мумкин: чинакам адиб, чинакам бадиий асар ўзи бўлмайди, осмондан тушгандай осонгина пайдо бўлмайди.

Одил Ёкубов илк изланишлари, дастлабки асарларига қаттиққўллик билан талабчанликни сусайтирмаган ҳолда баҳо беради: «Мен бу пьесаларни (гап «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим», «Юрак ёнмоғи керак», «Олма гуллаганда» ва бошқалар ҳақида кетяпти — Н. Х.) жудаям ерга уриб юбормоқчи эмасман. Улар ўша пайтларда ёзилган ва ҳозир танқидчилар рўйхатида юрган пьесалардан фарқ қилса салгинаёқ фарқ қилар. Лекин бундан менга нима фойда? Мен энди бу асарларнинг савиясини ҳам, қиммати-ни ҳам яхши биламан-ку? Адиб ёши бир жойга борганда орқасига ўгирилиб қараши, босиб ўтган йўлига бир назар ташлаши, ўз ижодига совуққонлик билан баҳо бера билиши керак, йиллар синовидан ўта оладиган бир иш қила олдими, бирорта ҳақиқий асар ярата олдими, йўқми — лоақал ўзига ўзи ҳисоб бериши керак!»

Ёзувчининг «йиллар синовидан ўта оладиган бир иш қилиши», «лоақал ўзига ўзи ҳисоб бериши»ни англаши учун жуда кўп меҳнат сарфланади.

Одил Ёкубовнинг «Икки муҳаббат» деб номланган ҳикоялар тўпламини қайта ўқиб

чиққанимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Тўпламга киритилган барча асарлар ҳаёт масалаларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан, мавзу жиҳатидан, ҳаётий материалнинг йўналиши, мазмуни жиҳатидан адабиётга бугунги кунда, 70-йилларда кириб келаётган ёш қаламкашларнинг айрим изланишларига ўхшаб кетади: Одил Ёкубов ҳам асосан муҳаббат, оилавий можаролар, интим дунёга муурожаат қилган, қаҳрамонлари кўпинча ёшлардан бўлиб, мустақил яшаш, жамиятда ўзининг ўрнини топиш учун курашади.

«Икки муҳаббат» ҳикоя. Ёзувчининг нима демоқчи эканлиги номидан англашилиб турибди. Дарҳақиқат, Собиржон, ҳикоя қаҳрамони институтда ўқиб юрганида Насиба исмли қизни севиб қолади, лекин қиз йигитнинг қишлоққа кетишини эмас, шаҳарда қолиб олим бўлишини хоҳлайди, нияти амалга ошишига кўзи етмагач, севгисидан воз кечади. Йигит эса колхозга агроном бўлиб ишга жўнайди, тажриба орттиради, обрў қозонади, аynи чоқда Маҳбуба исмли муаллимани севиб қолади, иккинчи муҳаббати унга бахт-саодат, қувонч бағишлайди.

Иккинчи ҳикояси «Баҳор кунларидан бирида» деб аталиб, унда Раъно ва Раҳимжонларнинг тракторчи бўлиб бирга ишлагани, ўша аснода бир-бирларини ёқтириб қолгани, тўғрироғи, дастлаб йигитнинг қизга совчи қўйгани, қиз эса дабдурустдан рад жавобини бергани, аммо пировардида йигитга ишқи тушиб қолгани сўзланади.

«Тоғ қизи»да — учинчи ҳикояда воқеа тоғдаги чорвадорлар даврасига кўчирилади ва у

ерда биз практикага борган Воҳиджоннинг зоотехник қиз Саодатга ошиқу беқарор бўлиб қолгани, аммо қизнинг бошқа йигит билан аҳду паймон қилиб қўйгани, шунга қарамасдан Воҳиджонга инсоний муомалада бўлганлиги қаламга олинган.

«Янги йил кечаси» деган ҳикоянинг марказида ҳам севги муаммоси туради...

Насрий ташбеҳларидагина эмас, балки сахна асарларида, жумладан, «Чин муҳаббат», «Олма гуллаганда», «Юрак ёнмоғи керак»да ҳам Одил Ёқубов интим дунёга нигоҳ ташлаб ўтади. Зотан севги ижодда ҳам, ҳаётда ҳам ёзувчи-ю, китобхонни, ҳатто фақат ёшларнигина эмас, баъзан кексаларни ҳам ўз қомига тортади, ҳамманинг ҳузур-ҳаловатини олади. Ишқи йўқ кесак деганлари бежиз эмас.

Муҳаббат ҳаёт сингари ранг-баранг, бой, гўзал, мураккаб туйғуки, у ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам сўз санъатининг ўлмас мавзуларидан бири бўлиб қолаверади. Ҳамма гап бу мавзунини ёритишда, бадиий идрок этиш, ўзлаштиришдадир. Борди-ю, ҳар бир қаламкаш уни ўзича, мустақил равишда таҳлилу тадқиқдан ўтказиб, фақат ўзига хос севги оламини кашф этса, ижодий муваффақиятга эришади.

Бир қарашда «Икки муҳаббат» тўпламига киритилган ҳикояларда ва илк драматик асарларида Одил Ёқубов кўпроқ бошқа қаламкашларнинг муҳаббат мавзуини ёритишдаги омиллари, воситаларидан фойдалангану, бироқ ўзи мустақил равишда ҳали бирор муҳим нарсани яратишга улгуролмаган, деган таассурот тугилади.

Маълумки, севги ҳолатида гўзал инсоний,

пинҳоний, ақл билан тушуниб бўлмайдиган мураккаб туйғу бўлиб, уни иқтисодий манфатга бўйсундирилса, фожияли оқибатга олиб келади.

«Икки муҳаббат»даги Насиба шундай фожияни келтириб чиқарувчи шарт-шароитда тарбиялангани учун Собиржоннинг соф, пок туйғусини қадрлай олмайди, илиқ, самимий муносабат муомаланинг манбаи чинакам инсонийликда эканлигини англаб етмайди, натижада бахтини поймол қилади. Қишлоқда туғилиб ўсган, таҳсил кўрган, институтни тамомлаб, яна ўз она қишлоғига ўқитувчи бўлиб келган Маҳбуба Собиржоннинг севгисини, инсонийлигини чин қалбдан ардоқлайди ва мурад-мақсадига эришади.

Қаранг-а, бири оқу, иккинчиси қора, бири яхши-ю, иккинчиси ёмон, бири тушунади, бири тушунмайди, бири хатога йўл қўяди, иккинчиси янглишмайди, адашмайди...

Ҳаёт мазмунини шу тарзда талқин этиш «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим» пьесаларида учрайди. Фақат ижтимоий воқеалар, меҳнат жараёнигина эмас, балки мантиққа мос тушавермайдиган севги ҳам нуқул «оқу қора», «яхши-ю, ёмон» принцигига мувофиқлаштирилади. «Чин муҳаббат»нинг асосий қаҳрамони агроном қиз Муқаддас Олимжонга доимо чигитни квадрат уялаб экиб, пахтанинг янги навини яратишга киришгани учунгина кўнгил қўйган деб таъкидланади. «Олма гуллаганда» пьесасида эса бу борада юксак «чўққи» забт этилади: асар қаҳрамони Машраб: «Дунёда олмага нима етсин? Олмадай гўзал, олмадай фусункор нарса борми? Сиз кулманг, бир кун келадик, бутун жа-

хонни ажойиб бир олмазорга айлантирамиз! Ҳатто кўчалардаги толтераклар ўрнига ҳам олма экамиз. Йўловчилар шундоқ қўлларини чўзадилару олиб еб кетаверадилар», деб орзу қилади ва орзусини амалга ошириш йўлида ҳамма нарсадан, ҳатто бахтидан, севгисидан, севгилисидан воз кечади, соф ва пок туйғусини қурбон қилади.

Ҳаётда нималар бўлмайди, кимлар нималардан юз ўгирмайди, нималарнинг илдизига болта урилмайди, дейсиз! Баъзилар гоҳида ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам чоҳ қазийди-да, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳалок қилади. Шунга кўра Машрабнинг олма деб севгилисидан воз кечиши ёки меҳнат, ишлаб чиқариш жараёнини муҳаббат, онла турмушидан юксак қўйиши ёки бир-бирини қарама-қарши қутбга йўналтириши мумкин ва шундай ҳодиса учраб туради, лекин бунинг қандай рўй берганини, нима сабабдан бўлганини кўрсатиб, адолат юзасидан баҳолаш зарурки, биз масаланинг шу жиҳатига этиборингизни жалб этмоқчимиз.

Шунингдек, ҳаётда оқу қора, яхши-ю, ёмон тезда кўзга тушади, дарров нигоҳга илинади, аммо баъзан оқ қорага, яхши ёмонга аралашиб кетишини ҳар ким уқиб олавермайди.

Драматург Машрабни фанга ҳаётини бағишлаган, мақсадига эришиш учун нодир, ноёб, муқаддас туйғуларини қурбон қилади, ўз ҳузур-ҳаловати, ўз манфаатини ўйламайди, улугвор вазифаларни амалга оширади деб мақтайди-ю, унинг севгилиси Маъсудага таъна тошларини ёғдиради. Чунки қиз йигитнинг ҳаётдан узоқлашиб, фақат орзу билан яшаётгани, тақдири, севгиси, бахти учун курашолма-

гани, ниҳоят бахти, муҳаббатидан ажраб қолгани туфайли азият чекади, изтиробга тушади.

Биз эса Маъсудага ачина бошлаймиз, унинг кечинмаларига шерик бўлишни хоҳлаб қоламиз, унга ҳамкору ҳамдари бўлгимиз келиб кетади. Бунинг боиси шуки, унинг образи анча ҳаётий чиққан. Машраб нуқул олмани ўйлаб, қизга бефарқ бўлиб қолгандан кейин унинг бошқа бировга турмушга чиққани, шу билан катта хатога йўл қўйиб, ғам-ғуссаларга «асир» тушгани бизда нафрат кўзғатайди, аксинча, унга хайрихоҳлигимиз ортади, янглишганига олмапарвар олим сабабчи эканлигини сезиб, муаллиф улуглаётган қаҳрамонга аталган ҳурмат ва муҳаббатимизга дарз кетади, қандайдир, ғазаб туйғусига чулғанамиз.

Бундай номутаносиблик муаллиф истагига зид равишда онгсиз тарзда келиб чиққан, деб фикр юритишга етарли асос йўқ. Аксинча, Одил Ёқубов қаҳрамон ички дунёсидаги зиддиятли кечинмалар, фикрлар курашини ҳаёт мураккаблиги билан бевосита боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга жиддий этибор бера бошлайди ва бунинг аломатлари «Икки муҳаббат»да ҳам, «Олма гуллаганда» драмасида ҳам кўзга яққолроқ ташланади-ю, бироқ характерлар, образларнинг ғоявий-бадий асосини белгиламайди, асарга ҳал қилувчи оҳанг, етакчи руҳ бағишламайди. Аммо аксари асарларида Одил Ёқубов қаҳрамонларнинг у ёки бу хусусиятлари, фазилатлари-ю, қусурларига оид белгиларни моҳирлик билан жонлантиради, инсон, халқ, она юрт тақдирига бевосита алоқадор мулоҳазалари, кузатишларига қалб кўрини, юрак тўлқинларини «пайвандлайди». Натижа-

да қиёмига етмаган, ҳали обдан «шиббалаб» сайқал берилмаган ҳикоялари, қиссалари, пьесалари қизиқиш билан ўқилади, ўқувчига нималарнидир англатади, уни нималардандир огоҳлантиради.

«Икки муҳаббат»да инсон самимий, соф туйғуси билан меҳнат қилиб донг таратса, севгида ҳам бахтиёр бўлади, одамни иқтисодий аҳволига қараб эмас, балки қалби, дилига қараб қадрлаш керак, ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятига биноан баҳолаш, қадрлаш керак, деган фикр ҳимоя қилинади.

Бу фикр баъзи ўзгаришлар билан «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим», «Олма гуллаганда» пьесаларида бир оз чуқурлаштирилади, янги кузатишлар билан бойитилади.

«Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим» яна бир жиҳати билан ажралиб туради: бу пьесада оилавий можаролар эмас, балки қишлоқ хўжалигини бошқариш масаласи сюжет асосини ташкил этади. Бундан чиқдики, нознеъматни яратувчи меҳнаткаш инсон эмас, балки ишлаб чиқариш жараёни, аниқроғи, раҳбарлик муаммоси диққат марказига чиқибди, бинобарин, қаҳрамон характери сояда қолибди-ку, дейишингиз мумкин ва шундай деб ўйлаган китобхон бир томондан ҳақ бўлиб чиқади; иқтисоднинг илмий негизини тушунмайдиган, бироқ анча-мунча тажрибага эга бўлган Юсуп колхоз раислигига сайланади, дастлабки пайтларда ёш раис отасининг анъаналарини (ота вафотидан кейин унинг ўрнига ўғил раҳбарликни эгаллаган) давом эттиради, бахтга қарши, тараққий эттиришга, мустақкамлашга эришолмайди, хўжалик аста-секин ну-

рай бошлайди, ниҳоят, ҳалокат ёқасига келиб қолганда коллектив кучи билан лавозимидан олиб ташланади.

Бор-йўқ воқеа шундан иборат. Одил Ёқубов уни бадий образлар ёрдамида тадқиқ этишга интилади, интилиш натижаси ўлароқ айрим персонажларнинг жонли қиёфаси гавдалантирилади. Бу биринчи галда асар бош қаҳрамони Комилга тааллуқли. У колхоз иқтисодига доир мавзу бўйича кандидатлик диссертацияси устида иш олиб боради, шунинг учун акаси Юсупнинг фаолияти билан танишади, танишиш жараёнида анча нуқсонларни очиб ташлайди. Муаллиф унинг халқ мулки учун жон куйдирганини, меҳнаткашларга ғамхўр бўлганини умуман тўғри кўрсатади.

Одил Ёқубовнинг уч жилдлик танланган асарларининг биринчи жилдига Озод Шарфиддинов «Ижод доволари оша...» деб номланган сўз боши ёзиб, унда ёзувчининг мустақил адиб сифатида шаклланиши, камолот босқичини забт этиши, кенг китобхонлар орасида шуҳрат қозониш тўғрисида ибратли мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Таниқли танқидчимиз адибнинг илк ижодий изланишлари маҳсули бўлган бир неча ҳикоялар, қиссалар, пьесаларини назарда тутиб, шундай дейди: «...бу асарлар.. ҳали кўпгина нуқсонларга эга, энг муҳими эса — бадий асарга жон ато қиладиган чинакам ҳаётийликдан узоқроқ асарлар эди».

Бу фикрга умуман қўшилганимиз ҳолда шуни алоҳида таъкидлашимиз лозим: деярли ҳар бир ҳикоясида, қисса-ю, пьесасида чинакам ҳаётийлик белгилари, аломатлари мавжуд эдики, улар Одил Ёқубовнинг келгусидаги

ижодий камолоти учун мустаҳкам замин ва-
зифасини ўтади.

Ижодкор қанчалик зўр истеъдодга эга бўл-
масин, у муайян адабий-ижтимоий муҳит,
шарт-шароит тақозосига мувофиқ иш кўради.
Агар истеъдод ўз қудратини намоиш қилиб,
замон талабларини тўла адо этиб, давр тарақ-
қиёти даражасидан ўзиб кетса, катта бадий
кашфиётлар яратади. Борди-ю, юксак натижа-
ларга эришмаса, тарихий заруратдан келиб
чиққан барча чигалликлар, қийинчиликларни
бартараф этолмаса, у ўз бурчини муваффақи-
ятли бажаролмайди.

Бундан кўриниб турибдики, Одил Ёқубов
бошқа қаламкашлар сингари ўз даври, ўз за-
монасининг яхши-ю, ёмон, ижобий ва салбий
воқеаларининг ичида бўлади, якка ўзи муҳит-
ни ёриб чиқиб кетолмайди, муҳит эса 50-йил-
ларда асосан ўша машъум «конфликтсизлик
назарияси»нинг таъсирида эди.

60-йилларнинг бошигача Одил Ёқубов ис-
теъдоди «ярқ» этиб кўринган етук, баркамол
асарларни яратмади ҳисоб, бироқ ниманки ёз-
са, барчаси мутлақо изсиз йўқолиб кетмади,
ижодий парвозларни ҳозирлашга хизмат қил-
ди, бадий тафаккурини бойитишга йўналти-
рилди.

ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТАДИ

Айрим истеъдод соҳиблари ҳақида: у
бирданига ёзувчи, санъаткор бўлиб туғилди,
ёшлик изланишлари, тажрибасизлик, улғайиш
даври дегани нима эканлигини билмади, даст-
лабки асарлари биланоқ талантини намоиш

қилди, деган гаплар юради ва улар буюк
истеъдодларга нисбатан тўғри қўлланилади.
Чунончи, Лев Толстой ёки Михаил Шолохов
ижод майдонига баркамол адиблардай дадил
кириб келган. Абдулла Қодирий ҳажвий ҳи-
коялар билан бир қаторда «Ўтган кунлар»-
дай йирик асарини ёзиб, Ойбек дастлаб назм-
га, кейин насрга қўл уриб, «Қутлуг қон»ни
қойиллатиб, Абдулла Қаҳҳор «Анор», «Ўғри»,
«Бемор» ҳикоялари билан янги олам кашф
этиб, камолотга эришган.

Бадий ижод оламига отилиб кириб, ҳар
тарафга машъалдай нур сочиш ҳаммага ҳам
насиб қилавермайди. Бир хил қаламкашлар
бир неча йиллар давомида қийналиб-қийналиб
кўп тўсиқларни бартараф этгандан кейин ло-
виллаб «ёнади», истеъдод медаларини тақдим
этади. Бошқа бир тоифадаги ҳаваскорлар эса
тутаб-тутаб ўз-ўзидан ғойиб бўлади, лекин
муҳитни булғаб, бузиб кетади ва бу эса бош-
қа истеъдод эгаларининг ўсиб-унишига сал-
бий таъсир кўрсатади.

Одил Ёқубов мана шуларнинг ҳам жабри-
ни тортиб, шуларнинг таъсирини йўқотишга
қанча-қанча куч ҳамда имкониятларини сарф-
лади. Зотан адабий жараёнда асл истеъдодлар
ижодий мусобақага киришади, бир-бирлари-
нинг юзага чиқиши учун ёрдам қўлини
чўзади, айни чоқда қобилиятсиз, талантсиз қа-
ламкашлар билан тинмай кураш олиб бора-
ди, курашда ғолиб чиқиш эса ўз-ўзидан бўл-
майди.

Бу курашнинг истеъдодлар фойдасига ҳал
бўлиши кўп жиҳатдан ижтимоий-сиёсий вазия-
тга ҳам боғлиқки, бундан кўз юмиш мумкин
эмас. Зотан ижтимоий-сиёсий вазият ўз нав-

батида, маданият ва адабиёт тараққиётига бориб боғланган бўлади.

Партия XX съездининг тарихий қарорларида 40-йилларнинг охирида ва 50-йилларда, ундан олдинги пайтларда ҳам давлатни бошқаришнинг ленинча принциплари гоҳо-гоҳо бузилиб турганлиги, эндиликда дохий таълимотида асосланган қонунчилигимиз ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳукмронлик қилишига монелик кўрсатадиган тўсиқлар илдизи билан қирқиб ташланганлиги алоҳида таъкидланди.

50-йилларнинг иккинчи ярмидан 60-йилларнинг бошигача бўлган даврда маънавий-маданий турмушнинг барча соҳаларида жиддий ўзгаришлар, катта кўтарилишлар руҳи кезиб юрди ва бу руҳ бадий ижоднинг юксалишига самарали таъсир кўрсатди. Биргина ўзбек насрчилигида «Синчалак», «Бўрондан кучли», «Уч илдиз» сингари асарлар пайдо бўлдики, улардаги ҳаётийлик, ҳаққонийлик шабадаси «Муқаддас» қиссасининг ёзилишига ҳам туртки берди, деб айтиш мумкин.

Бу «Муқаддас» қиссасининг ёзилишини изоҳловчи объектив шарт-шароитдир. Лекин масаланинг субъектив жиҳати борки, бунини эътибордан соқит қилиш ярамайди. Гап ҳар бир истеъдод соҳибининг ўз куч-қудратидан ижод жараёнида оқилона фойдаланиши тўғрисида кетаётир.

Халқнинг бадий-эстетик маҳсулотга, ижод медаларига талаби, эҳтиёжи ҳеч қачон сусайган эмас, сусаймайди. Аксинча, бу талаб ва эҳтиёж доимо ўсиб боради, лекин шунга яраша баркамол асарлар яратадиган чинакам истеъдодлар ҳамма вақт ўз бурчи, ўз вазифасини қойиллатиб, бадий кашфиётлар ҳада

этавермайди, ҳада этишга тайёр бўлавермайди. Чунки биринчидан, қалам соҳибларининг барчаси ҳам истеъдодли бўлавермайди, иккинчидан, истеъдодлилиари ҳам доимо талантига содиқ қолган ҳолда ижод қилавермайди.

Энди тасаввур қилингки, Одил Ёқубов ўн йиллар мобайнида гоҳо хато қилмай, гоҳ янгилишиб ижод довларида изланиб юрди-ю, бир неча бор «қоқилиб» кетди, диққатни жалб этган асарлар битса-да, кашфиётлар яратолмади. Бундан кейин у янги куч, янги шижоат билан қалам тебратишга ожизлик қилиб қолмасмикинман, деб иккиланиб, чор-ночор ҳолда қанчалар эзилмаган, қийналмаган дейсиз!

Мана шундай вазиятда «Муқаддас»дай асарнинг дунёга келиши Одил Ёқубов ижодида, қолаверса адабиётимизда муҳим воқеа бўлди.

Бу қиссанинг таъсир кучи қанчалик зўрлигини тасаввур қилишингиз учун кичкина бир фактга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Каминна дарс берадиган ТошДУнинг филология факультетида имтиҳон олаётганимизда бўлғуси талабаларимиздан бири «Муқаддас»ни ёд олганини айтиб қолди ва кўз олдимизда қиссани ёдаки ўқий бошлади...

Шеърни ёддан ўқиганда ҳеч ким ажабланмайди. Лекин насрни ёддан ўқиш... Яна ҳикоя ёки новеллани эмас, қиссани, яхлит қиссани хотирада сақлаш... Бунини уйдлаш анча қийин ва мураккаб, аммо ёд ўқишга истеъдоди зўр бўлган одам бу мураккабликни, қийинчилиكنи бартараф этади, дейишингиз мумкин. Ҳа, бартараф этади, бироқ ёддан ўқиш кўп жиҳатдан асарнинг сифатига ҳам боғлиқ.

«Муқаддас»да шундай сеҳр, жозиба бор

эканки, у китобхон қалбини тўлқинлантирибди, юрагини жизиллатибди, пировардида хотирасига маҳкам ўрнашиб қолибди, асар таъсирчанлигининг сири ёзувчи истеъдодига, шижоатига боғлиқдирки, буни «Икки муҳаббат», «Олма гуллаганда», «Чин муҳаббат»ларда кўрганмиз, бироқ у «Муқаддас»да ўзини тўла намойиш қилди. Натижада қалб қалбга, юрак юракка туташгандай кучли тебранишлар, тўлқинланишлар ҳосил бўлди.

Туйғулар, кечинмалар оқимини қоғозга тушириш, уларга жон ато қилиш ўзига хос мўъжизадир, бироқ бу туйғулар, кечинмаларнинг ҳаётдаги манбаи, салмоғи, қадр-қимматига кўра ўша мўъжизанинг аҳамияти белгиланади.

Агар «Муқаддас»нинг ижтимоий салмоғи юксак бўлмаса, кўплаб юракларни тўлқинлантирганига қарамасдан, тезда хотирадан кўтарилиб, изсиз йўқолиб кетиши мумкин эди. Одил Ёқубов шунга эришганки, шахсий кечинмалар, шахсий манфаатлар замирида яшириниб ётган жамият миқёсида катта аҳамият касб этган гоё ҳаққоний образларда гавдаланади.

Қисса қаҳрамони Шариф ўнинчини битириб ўқишга киролмайди, конкурсдан йиқилади. Заводда бир йил ишлагандан кейин, «институтга имтиҳон топшириб кўр, кира олсанг, яхши, кира олмасанг, сендан нима кетади», деган маслаҳатга биноан ҳаракат қилади. Тўғрироғи, ҳаракат қилишга бир муҳим нарса мажбурлайди: ҳужжатларни топширмасдан «разведка» учун институтга борганда бир қизни учратади-ю, унга муотало бўлиб қолади.

Қиссада шунга урғу бериб бориладики, Шариф ҳали шахс сифатида мустақил дунёқарашга эга эмас, бинобарин, унинг онладаги, ижтимоий муҳитдаги хатти-ҳаракатлари, бутун фаолияти катта мақсадга, улғувор эътиқодга бўйсундирилмаган, у шахс сифатида тўла шаклланиб етмаган, турмуш оқимида беихтиёр «сузиб» юради, кемани ўзи бошқаришга қодир эмас. Шунинг учун йигит илк бор институтга киролмай қолганига ҳам, жамиятда ўзига мустақил ўрин тополмаганига ҳам куйинмайди, қандайдир лоқайдлик билан яшайди, заводга ишга киргандан кейингина келажак тўғрисида ўйлай бошлайди.

Ёзувчининг махсус изоҳларисиз шу нарса англашилиб турадики, Шариф жамиятимизда яккаланиб қолган шахс эмас, балки у кўпчилик ёшларнинг хусусиятларини ўзида муҷассамлаштиради. Олтиминчи йиллардагина эмас, балки ҳозирги кунларда, 70-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам Шариф сингари ёшлар оз эмас.

Ёзувчи Шариф тимсолида бир гуруҳ ёшларнинг тили-ю, дилида қайнаб ётган туйғулар, кечинмаларни моҳирлик билан илғаб олиб, жонли манзараларда жилолантиради.

Шунга диққатимиз жалб этилди: Шариф кўпинча воқеалар ичида оқиб кетаверади-ю, ўзлигини, асл қиёфасини ошкора намойиш қилавермайди. Фикрлар оқимининг тасвиридан англашиладики, йигит Муқаддасга талпинида, унга эргашиб институтга қадам қўяди, ҳужжат топширади, имтиҳонларга тайёргарлик кўради. Демак, у севги туфайлигина олий маълумот олишга рози бўлади, яъни

шахсий манфаатини кўзлайди. Ахир, бу худбинлик эмасми?

Қисса босилиб чиқиши билан Шариф худбинлиги ҳақидаги фикрлар баён этилди:

«Асардаги бош масала,— деб ёзган эди ўша пайтда Матёқуб Қўшжонов,— худбинлик йўлига туша бошлаган бир йигитнинг тўғри йўлга қайтиши масаласидир. Жамиятимиз ўз табнати, социал моҳияти билан руҳан соғлом кишилар жамиятидир. Повестнинг бош қаҳрамони Шарифжон ўз табнати билан худбин эмас. Аммо Шариф шундай бир шароитга тушиб қоладики, у ўзида худбинлик пайдо бўлганини онгли равишда ўзи сезмай қолади. Бошқача қилиб айтганда, Шарифдаги бу хусусият маълум бир ҳаёт шаронтининг маҳсули бўлади».

Бу мулоҳазалар шу маънода тўғрики, Шариф ўзи истамаган ҳолда бошқа бировнинг, сўнгра маълум бўлишича, ўз севгилиснинг институтдаги ўрнини эгаллайди, билими, куч-қудрати билан эмас, балки адолатсизлик орқали эгаллайди (иншони хуфиёна кўчириб, баҳосини таниш-билиш орқали оширади) оқибатда қабиҳлик кўчасига кирганлигини сезиб қолади.

Ўз манфаати йўлида курашмаган, меҳнат қилмаган одам маънавий-моддий жиҳатдан баркамол бўлмайди. Зотан коммунизм қуриш учун биз биринчи навбатда ҳар жиҳатдан камолотга эришган етук қаҳрамонни тарбиялаб етиштирмоғимиз лозим. Борди-ю, ўзи униб-ўсиши учун ўзгаларнинг манфаатини поймол қилса, ўзгаларнинг бахтсизлигидан ўз иқболи учун фойдаланса, ўзим бўлай, бошқалар қуриб кетсин, деб ўйласа, ҳаракат қил-

са, хиёнатга олиб борадиган худбинлик келиб чиқади.

Шариф дастлабки пайтларда ҳам, ҳатто воқеалар ривожининг охириги нуқталарида ҳам мана шундай худбинликка юз тутганлигини билмайди, билиб қолгандан кейин эса ғойибдан келган бахтдан воз кечади, инстинтун тарк этади.

Бу ўзига хос жасорат бўлиб, кўпчиликнинг олқишига сазовордир. Худди шу жасорати учун Шарифнинг ўзи хоҳламаган ҳолда онгсиз равишда йўл қўйган нуқсонлари кечирилади, чин инсон сифатида ардоқланади. Ўқувчи қаҳрамонни қораламайди, унга ачинади, мардлик кўрсатиб, адолат тантанаси учун курашчига айланганда эса йигитга ҳурматимиз ошади.

«Биз бутун қисса давомида,— деб уқдиради Озод Шарафиддинов,— қалбимизда Шарифга нисбатан илиқ бир меҳр, хайрихоҳлик ҳислари жўш ураётганини сезиб турамыз. Шунинг учун Шарифнинг адашишларини кўрганда қаттиқ афсусланамиз, изтиробга тушамиз».

Ўз ҳатти-ҳаракатлари, қилмишлари тўғрисида Шарифнинг ўзи шундай хулосага келади: «Менинг ҳеч кимни айблашга ҳаққим йўқ эди! Ҳаммасига ёлғиз ўзим айбдор эдим. Бу нарсига ўз инсофсизлигим, сабрсизлигим, иродасизлигим сабаб бўлди! Бўлмаса, бир йил ишлаб шунча ҳурмат орттирган, ҳунар ўрганган заводни шундай ташлаб кетармидим? У ерда орттирган шунча дўстларимдан шундай осонгина юз ўғирармидим? Мен тенги йигитлар ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, қийинчиликлар билан олишиб, улар устидан ғалаба қозониб юрган бир пайтда мен севгилимнинг жойини тор-

тиб олиб, бундай шарманда бўлиб қолармидим?»

Диққат қилинса, қаҳрамон ўз гуноҳини ошириб-тошириб кўрсатаётганлиги, ўзини ўзи ҳаддан ортиқ даражада жазолаётганлиги, айбни фақат ўзининг елкасига олиб, бошқа гуноҳкорларни сояда қолдираётгани сезилади. Муаллиф ҳам, айрим мунаққидлар ҳам бунга мойиллик билдираётгандай бўлади. Аслида эса бу қисман тўғри бўлиб, айбнинг бир қисми Шарифнинг теварак-атрофидагиларга, муайян шарт-шароитга, муҳитга тааллуқли.

«Муқаддас»да мана шу муҳит ҳаёт ҳақиқатига асосланган ҳолда ишонарли тасвирлаган, деб бўлмайди. Бундай қусур Одил Ёқубовнинг бошқа асарларига, хусусан «Ларза», «Бир фелъетон қиссаси», «Тилла узук», «Матлуба» қиссаларига ҳам у ёки бу даражада тегишлидир.

«Муқаддас» қиссасига жозиба бахш этган, уни ўша йиллардаги адабий ҳаётда салмоқли воқеа даражасига кўтарган, китобхонлар омасининг меҳрини қозонишига сабаб бўлган нарса шуки, адиб эҳтироссиз, лоқайд баёнчилик ролидан воз кечиб, тасвирланаётган воқеаларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш йўлидан боради ва бунинг натижаси ўлароқ муҳим ҳаётий проблемаларни ўртага ташлайди».

Озод Шарафиддиновнинг бу фикри умуман тўғри бўлиб, кўп жиҳатдан фақат қаҳрамонлар тақдирига нисбатан қўлланилса, ўзини оқлайди. Муҳитнинг, қаҳрамон яшайдиган, ҳаракат қиладиган шарт-шароитнинг ифодасида эса ёзувчи тадқиқ-таҳлилчи баёнчилик билан алмаштиради, тасвирланиши лозим бўлган воқеаларни изоҳлаб, шарҳлаб беришдан

нарига ўтмайди. Бундай изоҳлар, шарҳлар «Излайман» қиссасидан кўпроқ ўрин эгаллаган.

«Бу повестда,— деб ёзган эди Иброҳим Гафуров,— ақлни шоширадиган фавқулодда сюжет ҳаракатлари йўқ. У ўтган урушда янграган сўнгги тўп садолари, сўнгги тиккайган қабрлар, ўтилган сўнгги машаққатли йўллар. Бу йўлларда улғайган, матонат орттирган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади». «Излайман»да,— деб давом эттиради фикрини танқидчи,— ўн бешга қадар (ўртача повесть учун сон жиҳатдан кўпроқ) қаҳрамоннинг бўлишига қарамасдан уларнинг деярли барчаси ўзининг характерли белгилари, жонли чизиқлари билан ажралиб туради».

Борди-ю, мана шу «ўзининг характерли белгилари, жонли чизиқлари билан ажралиб турадиган» қаҳрамонларга Одил Ёқубов истеъдодли адиб сифатида қандай янгилик, қандай оригиналлик бахш этди, деган савол тушса унга «Излайман»дан ижобий жавобни топиб бериш амримаҳол.

Қиссанинг бош қаҳрамони Даврон Ғозиев тадбиркор, моҳир, чин инсоний хусусиятлари билан ҳамманинг ҳурмату муҳаббатига сазовор бўлган лашкарбоши — командир, комбат сифатида ҳадеб таърифланаверади, таърифланаверади, бироқ бу таърифнинг ички моҳияти қисман ёритилади, холос.

«Бир фелъетон қиссаси»даги Салтанат тўғрисида ҳам шундай дейишга тўғри келади. Чунки бу асардаги услуб «Излайман»даги услубга жуда ўхшаб кетади; ҳар иккала ўринда ёзувчи қаҳрамонларни ташқи жиҳатдан характерлайди, улар тўғрисида бошқа персо-

нажларнинг — воқеаларни ҳикоя қилувчиларнинг мулоҳазаларини баён қилади. Шунга қарамасдан «Бир фельетон қиссаси» «Излайман»га нисбатан ёрқинроқ, салмоқлироқ, мазмунлироқ бўлиб чиққан. Бунинг боиси шундаки, унда воқеаларни ҳикоя қилувчи вазифасини бажарадиган журналист Учқун мустақил ҳаёти, мустақил дунёқараши, мустақил характери билан диққатимизни жалб этади. «Излайман»даги Мансуржон эса ўз характерининг айрим қирраларини, айрим белгиларининга ошкор этади, яхлит образ, яхлит тип даражасига кўтарила олмаган.

Қизиги шуки, «Излайман» «Бир фельетон қиссаси» ва «Ларза»дан кейин ёзилди. Тагин бир-икки йил эмас, балки етти-саккиз йил вақт ўтгандан кейин ёзилди.

Мантиққа кўра дастлабки асарлар эмас, балки сўнгра ёзилганлари баркамолроқ, ҳаётинроқ бўлиб чиқиши зарур, деб ўйлаймиз ва баъзан шундай бўлиб туради. Бироқ ижод билан ҳаёт орасида гоҳида номутаносиблик рўй беради. Бунга ажабланмаслик керак. «Қутлуғ қон» ва «Навоий» сингари адабиётимизнинг хазинасига бебаҳо бойлик бўлиб кирган романлардан кейин Ойбек бир қанча фазилатлардан холи бўлмаган, бироқ адабиётда катта воқеа даражасига кўтарила олмаган «Олтин водийдан шабадалар» ёки «Улуғ йўл» асарларини ҳаётиятда, сўнгра «Болалик»дай ажойиб қиссасини яратди. Абдулла Қаҳҳор эса «Сароб» романи, «Анор», «Ўғри», «Бемор» ҳикоялари каби ноёб дурдоналардан кейин анча мазмунли бўлган, аммо бадий кашфиёт даражасига кўтарилмаган «Қўшчинор чироқ»ларини берди...

Баъзан шундай ҳам бўлиши мумкинки, ёзувчи асардан асарга муттасил ўсиб боради, маҳорат чўққиларини эгаллайверади, орқага эмас, доимо олга илгариланган.

Ижодий йўлининг қандай бўлиши ҳар бир ижодкорнинг изланиш-интилишлари, муайян адабий муҳит, шарт-шароитга боғлиқ. Чунончи, жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган Чингиз Айтматов ижод доволарини узлуксиз равишда забт этиб, кетма-кет мисли кўрилмаган ютуқларга эришаверди. «Оқ кема»га қадар у нимаики ёзган бўлса, барчаси шундай таассурот тугдиради. Бироқ «Оқ кема»дан кейин китобхонларга ҳавола қилинган «Эрта учган турналар» («Ранние журавли») қиссаси ҳаммамизга манзур бўлса-да, буюк адиб истеъдодини намойиш қилиб турса-да, Чингиз Айтматовнинг олдинги асарларидай жуда катта воқеа бўлиб эл оғзига тушмаганлигини кўп танқидчилар эътироф этди.

Хуллас, ижод йўли бир текис эмас, у ҳамма вақт равон бўлавермайди, гоҳида зафарлар зафарларга уланиб кетади, баъзан муваффақиятсизликларга юз тутилади...

«Муқаддас»дан кейин Одил Ёқубов жуда кўп қиссалар, ҳикоялар ёзди, уларнинг деярли барчаси кенг китобхонлар оммасининг диққатини жалб этди. Муҳаббат, интим дунё сирларини тадқиқ этишга бағишланган «Тилла узук», «Матлуба» шулар жумласидандир. Гарчи улар «шов-шув»ларга сабаб бўлмаса-да, ёшларни қизиқтирадиган маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳал қилишга кўмак берди. Севгида софлик, самимийлик, покликни улуглади, оила қуришда етти ўйлаб бир кесиш керак, деган қоидага асосланиб иш кўриш лоларини берди...

зимлигини уқдирди, ҳар ким ўз бахти, муҳаббатининг тантанаси учун кураш олиб бориши лозимлигини уқтирди.

Тўғри, бу асарларда интим дунё чигалликлари, гўзаллиги-ю, завқ-шавқлари ишонарли тасвирланса-да, инсон оилада бахтиёр бўлиши учун ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиётига қандайдир «ип»лар билан боғланган ҳолда иш олиб боришга мажбур эканлиги кенг миқёсда чуқур ёритилмади. Бошқача қилиб айтганда, севги, оила, интим дунё муаммолари ижтимоий тараққиёт чигалликлари, мураккабликлари, зиддиятлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилса, бу мавзуда янгилик яратиш, шуҳрат қозонадиган салмоқли асарлар ёзиш мумкинки, буни Одил Ёқубов «Қанот жуфт бўлади» қиссасида исботлади.

ЕТУКЛИК МЕВАЛАРИ

Қуёш ҳаммага баб-баравар нур сочади, аммо нимаики унинг шарофати, саховатидан фойдаланса, шунинг барчаси ноёб ва нодир бўлавермайди. Инсон-чи? Гарчи туғилганида қанчалик бегубор, мўътабар бўлмасин, ҳаёт оқимиға тушгач, у мураккаблашиб қолади. Лекин шуниси ҳақки, одамзод ҳар қандай шароитда ҳам инсонийлигини сақлаб қолади: инсонийлик «миқдори» бирида озроқ, бирида кўпроқ бўлиши мумкин, холос. Шундай экан, эл-юртига, халқига хиёнат қиладиган айрим шахслар қандай пайдо бўлади? Жамиятнинг барча аъзолари офтобдай ҳароратли ва ёғдули ҳаёт учун тер тўкмайдими, курашмайдими?

Одил Ёқубов асарларини ўқиганда беихтиёр шу хил муаммолар устида боп қотира

бошлайсиз. Наҳотки шундай бўлса? Ахир, ваҳшийлашиб кетган кимсалар ҳаётини тадқиқ этишни ёзувчи бирорта асарида ўзининг асосий мақсади қилиб қўймаган-ку?! Айтайлик, «Муқаддас»даги Шариф ёки «Бир фельетон қиссаси»даги Учқун, ёхуд «Ларза»даги Мутални ўшалар қаторига киритиш мумкинми?

Йўқ, Одил Ёқубов муайян сабабларга кўра янглишган, хатоларга йўл қўйган, характерида ҳар хил иллатлар, маразлар пайдо бўла бошлаган, аммо инсонийликни бутунлай йўқотмаган шахслар ҳаёти билан қизиқади.

Шу жиҳатдан, айниқса, «Қанот жуфт бўлади» қиссаси алоҳида ажралиб туради. Лекин нималари билан? Аввало шуки, унда ёзувчининг олдинги асарларидаги гоаявий-бадий йўналиш изчиллик билан давом эттирилади, айни чоқда янги кузатишлар, янги фикрлар билан бойитилади. Чиндан ҳам шундаймикин? Ахир бир қарашда «Қанот жуфт бўлади» жўн асарга ўхшайди-ку? Ҳа, юзаки қараганда муҳаббат, оилага доир можаролар, меъморчилик, қишлоқ қурилиши, қишлоқ хўжалиги ҳақидаги тортишувлар қаламга олинган асарлардан фарқланмайдигандай бўлиб туюлади. Аслида-чи? Аслида Одил Ёқубов анъанавий бўлиб кўринган муаммоларга мустақил ёндашади, уларнинг ижтимоий моҳиятини ёритишга алоҳида эътибор беради. Энг муҳими, чуқур ҳаётий асосга суянади. Асар қаҳрамонларидан бирининг қуйидаги сўзлари фикримизни тасдиқлаётгандай жаранглайди: «Гапнинг қисқаси конфликтни кучайтириш керак демоқчисиз. Шунақами?.. Буни биз ҳам биламиз. Лекин... кино — китоб эмас. У экранга чиққунча ўнта чиғириқдан ўтади. Воқеани сал кескинлаш

тирсангиз, ҳаёт ҳақида заррача тасаввури бўлмаган баъзи танқидчилар турмушда бундай бўлиши мумкин эмас деб сизга ақл ўргатишадил!»

Бу мулоҳазалар фақат қаҳрамоннинг ўзига тегишли эмас. Уларни ёзувчи бутун вужуди билан қўллаб-қувватлайди. Аммо у қаҳрамоннинг ҳамма фикрига хайрихоҳми? Чунончи, «кино — китоб эмас», у кўп чиғириқлардан ўтади, томошабинга бориб етгунча ҳар хил синовларга дош бериши керак, деган фикр фильм билан бадний асарни бир-бирига қарама-қарши қўймайдими? Шундай бўлса, буни маъқуллаш мумкинми? Бундан ташқари, конфликтни кучайтириш, ҳаётнинг барча чигалликларини ёритиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш борасида кино ҳам муштарак вазифаларни бажаради-ку? Бинобарин, уларнинг иккаласи ҳам «ҳаёт ҳақида заррача тасаввури бўлмаган баъзи танқидчилар» талабини рад этади ва ўзига хос воситалар, ўзига хос тасвир-тавсиф орқали турмуш воқеаларининг моҳиятини очиб ташлайди, маразлар устидан аёвсиз ҳукм чиқаради, юксак мақсадлар учун хизмат қилади. Буни «Қанот жуфт бўлади»нинг ўзи тўла тасдиқлайди. Негаки, у қаҳрамонлар кураши, фикрлар «жанги»ни силлиқлаштириб кўрсатишга тарафдор бўлган айрим танқидчиларга қақшатқич зарба бўлади. Лекин асар кимлар биландир баҳслашиш, кимларингдир янглиш қарашини рад этиш учунгина ёзилмаган. Ўғрироғи, ёзувчи диди паст ўқувчилар ёхуд айрим танқидчилар билан ғойибона баҳсга киришар экан, қаҳрамонларнинг маънавий-иқтисодий камолот учун курашини кўрсатишга бел боғлайди. Қиссанинг кучли эҳтирос, дард, ҳис-

хаяжонга йўғрилгани бежиз эмас. Энг муҳими, ёзувчи айтмоқчи бўлган гап қаҳрамонлар фаолиятига, хатти-ҳаракатларига «едириб» юборилади.

Асар тугунини оилавий можаро ташкил этади: ноўрин «шўхлик» қилган хотинини эри икки тарсаки билан «мукофотлайди!» Мана шу воқеа қаҳрамонлар тақдиридаги муҳим ўзгаришларга туртки қилиб кўрсатиладик. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Аммо ҳаётийми? Бизни сўзсиз ишонтирадими?

Тасаввур қилингки, аломат хотинингиз бор, уни еру кўкка ишонмайсиз, чунки бутун вужудингиз билан севасиз, лекин у ўзича мустақил ҳаракат қилиб, зиёфатга сизсиз ташриф буюради, у ерда ҳар хил қилиқлар қилади, меъёридан ошириб ҳазиллашади, рақс тушади, буларнинг барчасини ўз кўзингиз билан кўрасиз (бу зиёфатга сиз ҳам тасодифан бориб қолгансиз), унинг бежо ҳаракатларига чек қўймоқчи бўлиб, уйга олиб кетмоқчи бўлганингизда сўзингизни инobatга олмайди, мустақиллигини «намойиш» қилиб ўша жойда қолиб кетади. Сиз эса тарвuzингиз қўлтигингиздан тушгандай уйга қайтасиз. Аввалига бу унчалик таъсир кўрсатмаслиги мумкин, лекин бора-бора кимдир бутун аъзойи-баданингизни ўтмас арра билан арралаётгандай бўлади, кўз олдингиз қоронғилашиб кетади, ўзингизни икки ўт ўртасида тургандай ҳис қиласиз. Ахир, кўзингизга тўтиё қилиб юрган энг қадрдон кишингиз томонидан таҳқирландингиз-ку!

«Қанот жуфт бўлади»даги Акрамда тахминан шундай ҳолат рўй беради ва ўзининг

оёғости қилингани учун хотинига икки тарсаки туширадики, буни бир жиҳатдан тўғри деб ҳисоблагинг келиб кетади. Бироқ хотин кишига қўл кўтариш яхшими?

Ҳа, яхши эмас. Ёзувчи буни инкор қилмайди. Лекин асосий айб эрнинг гарданига юкланади. Нима учун? Чунки Акрам дағал, қўпол, у қўрслик қилди, дейди адиб. Бунга умуман раддия бериш қийин. Аммо фақат қўрс, қўпол одам хотинига қўл кўтарадими? Жаҳл келиб, ақл қочганда баъзан босиқ, юмшоқ табиатли мўмин одам ҳам дағаллик қилиши мумкин-ку!

Қиссада масаланинг бу томонига етарли эътибор берилмайди. Бироқ шуниси яхшики, ёзувчи қўрслик, дағалликнинг илдизлари, сабабларини ахтаради.

Маълум бўлишича, ҳамма гап Акрамнинг қишлоқчилигида экан: «Акрам рашк қилишга асос йўқлигига, умуман бунинг ҳаммаси шунчаки бир ҳазил эканига ақли етиб турса-да, минг қилса ҳам қишлоқдан чиққан одам эмасми, унга бу чинакам музика, танца, айниқса, хотини билан Шавкатжоннинг бир-бирига муқом қилиб қийшанглашлари тунчалик хунук ва бачкана туюлдики, столни бир тепиб туриб кетгиси келди».

Наҳотки, фақат қишлоқдан чиққан одам рашк қилса? Наҳотки, шаҳарлик эрлар хотинининг бегона киши билан муқом қилиб туришидан роҳатланса, бунга мутлақо бефарқ қараса?

Тўғри, қишлоқда хотин-қизлар билан эркаклар, йигитлар муносабатига жиддийроқ қаралади, улардаги эркинлик шаҳардагиларникига нисбатан бир оз чеклаб қўйилган бўлади, ёзувчи шунга ургу беряпти, аммо

бу уларнинг қўполлиги билан изоҳланадими? Умуман фақат қишлоқдагиларни қўпол дейиш тўғри бўлармикан?

Қўполлар фақат қишлоқда эмас, балки шаҳарда ҳам топиладики, буни Одил Ёқубов инкор қилмаса керак. Аммо шунга қарамасдан «Қанот жуфт бўлади» қаҳрамони ўзига ҳадеб даkki бераверганини маъқуллагандай бўлади: «Акрам... ўзидан гижинди: «**Қишлоқи!**» «Унинг бу дағаллиги, аразчилиги қачон қолар экан?» «Илгари Акрамни қизига номуносиб деб ич-ичидан зил кетиб юрган Мавжуда холага Сайёрадаги бу ўзгариш дам хуш ёқар, Акрамни ўйлаб: «Баттар бўлсин бу **қишлоқи!**» деб гижинар, дам ҳозирги ёш қизлар тўғрисидаги миш-мишлар эсига тушиб кетиб, юраги шувиллар эди. Айни замонда гарчанд Сайёра «**Қишлоқининг**» адабини бериб қўйишини истаса ҳам, лекин ундан ажраб, бошқа эр қилишини кўз олдига келтиролмас эди».

Акрам ҳам, унинг қайнанаси ҳам шундай фикрлайди, қишлоқчиликни қоралайди деб айтилиқ, аммо муаллиф уларнинг ҳар иккаласига бирдай муносабатда бўлиши, уларни бирдай қўллаб-қувватлаши инсофданми?! Ваҳоланки, Одил Ёқубов ўта рашкчилик негадир фақат қишлоқ аҳлига хос бўлади, дегандай мулоҳаза юритади. Бу фақат Акрам билан Сайёра интим ҳаётидаги можаронинг ифода-сидагина эмас, балки Содиқвой билан Нортожи хатти-ҳаракатларининг тасвирида ҳам кўзга яққол ташланади.

Содиқвой хотинини шу даражада қизғанадики, чанг йўқ ердан чанг чиқаради, сичқондан фил ясайди. Оқибатда хотинини пичоқлаб қўядики, буни на ҳақиқат, на муҳаббат,

на инсонийлик тақозо қилади. Лекин ундаги рашк ўз муҳаббатини, вафодорликни кўз қорачиғидай ҳимоя қилишга интилишдан пайдо бўлмаганми? Ахир, у хотинини ихтиёрий равишда сўйиб ташлайдиган каллакесар эмас-ку!

Йўқ, ёзувчи унинг қонхўр эмаслигини эътироф қилади, лекин шунга қарамасдан Содиқвой хатти-ҳаракатлари қандайдир мараз, қабиҳлик рамзи сифатида талқин этилади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб қаралса, вазият бошқачароқ эканлиги уқилади. Чунончи, Содиқвой нима учун хотинини пичоқлайди?

Англашиладики, унинг хотини Ҳамида бир пайтлар Акрамга кўнгил қўйган, уларнинг севги тарихи бутун қишлоққа достон бўлган. Бинобарин, Содиқвой хотинининг Акрам билан муносабатига ниҳоятда сезгирлик билан қарамайди? Албатта сезгирлик билан қарайди. Зотан хотинининг жонига қасд қилиш худди шу Акрам билан боғлиқ-ку! Хўш, нима бўлади денг? Ҳамидаҳон, Содиқвойнинг хотини «собиқ» севгилисини учрашувга таклиф этади ва улар «қоронғи тушганда тегирмон бўйидаги жийдазорда» — хилватда учрашишади. Йўқ, бир-бирларига эришиш учун эмас, Ҳамидаҳон колхоз ранси устидан шикоят қилади, Акрамдан дўстининг жоловини тортиб қўйишни, ўзига ёрдам беришни илтимос қилади. Учрашув пайтида қандай ҳаяжонли, ширин дамлар кечмайди дейсиз! Бир-бирига аъло даражада тушунадиган юракларнинг бир маромда уриши, тўлқинланиши бошқача маънони англатадими?

Одил Ёқубов қаҳрамонлар ҳолатини умуман ҳаққоний тасвирлайди ва бунинг мамнуният билан қайд этишга тайёрман, аммо у шун-

чаки бегона одам билан эмас, балки илк бор севишган Акрам билан хуфия учрашгани учун хотинини ўлдирishга жазм этган Содиқвойни бутунлай қоралайдики, бунга умуман қўшилиш мумкин. Қиоман-чи? Қиоман, ўша эр ҳолатини тушуниш, унинг аҳволи осон эмаслигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Йўқ, Содиқвойни бутунлай оқлаш керак демоқчимасман, лекин у бекордан бекорга қотиллик йўлига кирмаган-ку! Унинг ўрнида «қишлоқчи» тугул шаҳарлик бўлса ҳам ўзини тутиб туролмаган, хотинини пичоқламаса ҳам унга ҳамла қилган бўларди. Урмаган тақдирда ҳам нимадир рўй берарди...

Яхшиямки, «Қанот жуфт бўлади»да Содиқвойнинг жиноятига бир оз юмшатиш, уни қисман кечириш юзасидан мулоҳаза юритилади, лекин унга бир қанча ўринларда инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотган ваҳший деб нафратлар ёғдириладики, бунга ҳайрихоҳ бўлолмаймиз. Шунингдек, Ҳамиданинг Акрам билан учрашуви ҳам ҳаётининг мантиқ, ҳам бадний мантиқ негизига чуқур асосланган, деб бўлмайди. Чунончи, Ҳамида нима учун Акрам билан гаплашмоқчи? Ахир, рансининг устидан шикоят қилиш учун бошқа одам, раҳбар ходимлар топилмадими? Ахир, Акрам билан учрашса, бунинг ошкор бўлиб, эрига дастак, баҳона бўлиб хизмат қилишини билмасмиди?! Ёки билса ҳам, ҳар қандай таҳдидга рози бўлиб ҳам илк муҳаббати билан бир-икки лаҳза бирга нафас олишни афзал кўрдими?

Хуллас, Ҳамида Акрам билан учрашмаслиги мумкин эмас эди, деган фикр туғилмайдди. Лекин бу фикр туғилган чоғда ҳам, айб-

нинг бир қисми Ҳамидага тегишли. Ҳолбуки, Одил Ёқубов Ҳамидани мусичадек беозор, қоғоздай оқ, мутлақо бегуноҳ демоқчи бўлгандай туюлади.

Ҳўш, ёзувчи Содиқвой тарихини қаламга олиш билан нима демоқчи? У «қишлоқи» рашк қилиб ҳаддидан ошиб кетди, оила, муҳаббатни парчалаб ташлади, демоқчи.

Аммо рашк бобида шаҳарликлар «қишлоқи»лардан қолишмайди. Бунини «Қанот жуфт бўлади»нинг ўзи, аниқроғи, ундаги Зафар тасдиқлайди.

Севгилисидан хавотирланганда у шундай мулоҳаза юритади: «...севги, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар эркин бўлиши керак, деб юрган ёш зиёлилардан бири мен бўлсам... Нилуфар кинога ўтгандан бери... тинчимни йўқотдим. Ҳаёлимга минг хил бемаъни фикрлар келади!»

Биз бунга шундай қўшимча қиламиз: баъзан ўша «бемаъни фикрлар» бемаъни хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради, ҳатто даҳшатли фожиаларга олиб келади. Севги бировларга бахт, бировларга бахтсизлик, бировларга ҳаёт, бировларга ўлим олиб келади, деганлари бежиз эмас-ку, ахир! Бироқ инсон бахтга, ҳаётга интилади, курашади ва «Қанот жуфт бўлади»даги қаҳрамонлар ҳам яхшилик, софлик, вафодорлик учун жонини фидо қилишга тайёр эканликларини кўрсатади, бироқ уларнинг изланиш-интилишларини юзга чиқариш учун фақат шароит-муҳит ҳал қилувчи, ягона омил бўлармикин?

Йўқ, шароитнинг шахсга таъсирини камайтириб кўрсатиш ёки бутунлай инкор қилиш мумкин эмас. Чунончи, қишлоқдаги урф-

одатлар, хулқ-атворлар шаҳардагига нисбатан бошқача бўлишини ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Муҳаббат, рашк, оила масаласидаги меъёр қишлоқ шароитида бир оз кўполлик, дағалликни тақозо этади, шаҳарда эса анча мулойимлик, силлиқлик мавжуд дейишадик, бунда жон бор.

Чунончи, айрим шаҳарликларнинг усто-монлиги, улар ўртасидаги «дипломатик» муносабатлар тилёғламалик, иккиюзламачиликнинг, принципсизликнинг юқибати эмасми? Қилни қирқ ёргандай моҳирлик билан иш тутиш, ҳамирдан қил суғургандай муомала қилиш инсоннинг асл қиёфасини, унинг қабиҳлигини, ичи қоралигини яширишга қаратилса бунини ижобий ҳодиса, деб бўладими? Борди-ю, улардаги мулойимлик силлиқлик, «қишлоқча» самимийликка, табиийликка «пайванд» этилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

«Қанот жуфт бўлади»даги Зафар ва Акрам (баъзи истиснолардан ташқари, аниқроғи, тарсакидан ташқари)да мана шундай уйғунликни кўрамиз. Шундай уйғунлик Моҳира холада ҳам бор. Моҳира холада? Ахир у «қишлоқи» эмасми? Аммо қишлоқда доно, баъмани, бағри кенг кишилар яшамайди деб ким айтади?! Амаки, Кўса каби ажойиб қариялар-чи?

Моҳира хола, Амаки, Кўса — қиссадаги воқеаларнинг фаол қатнашчилари эмас. Улар бир-икки кўриниш бериб қойиб бўлади, аммо қалбингизда қандайдир илиқ, нафис, ширин туйғулар уйғотиб кетади.

Пайти келганда ота-боболаримиз, буви-буваларимизнинг донолигини тадқиқ этишга

етарли эътибор берилмаётганини таассуф билан қайд этиш керак. Ваҳоланки, улар халқимизнинг миллий руҳи, миллий анъаналарини ўзида сақлаб келаётган, фарзандларига, невараларига «юктираётган» бебаҳо хазинани эслатади, айни чоқда улар бизнинг замондошимиз-ку!

Қардош халқлар адабиётида, айниқса, рус адабиётида масаланинг шу томони етакчи мавзулардан бири сифатида қаралаяптики, биз улардан ўрнат олишимиз зарур. Айниқса, В. Белов, В. Шукшин, В. Лихоносов, В. Распутин, М. Рошчин сингари истеъдодли ёзувчиларнинг рус қарияларини мадҳ этувчи асарлари шуҳрат қозонмоқда ва бу табиийдир. Негаки, ота-боболаримиз, буви-буваларимиз ҳаёти, орзу-интилишларини қанчалик чуқур билсак, бугунги кунимизнинг кадр-қимматини янада яхшироқ англаб оламиз.

Ахир, дарёлар тоғлардаги манбадан маҳрум этилса, бутунлай йўқолиб кетади-ку! Шунинг учун ота-боболаримиз даҳосини, ўтмиш даҳосини кўз қорачиғидай ардоқлаб, улардан ижодий ўрганиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз!

Шубҳасизки, ёрқин келажак, бахт-саодат йўлида тўғаноқ бўлиб ётган ҳар хил маразлар айрим ота-оналаримиз, буви-буваларимизга тааллуқлики, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Шунинг учун Одил Ёқубов баъзи иллатларни «қишлоқчилик» деб талқин қилади ва уларга аёвсиз ўт очишга чорлайди. Лекин «қишлоқчилик» хавфини бир оз бўрттириб беради, натижада ўқувчида барча шаҳарликлар рашкдан ташқарида яшайдилар деган тасаввур туғилишига йўл очилгандай бўлади.

Ваҳоланки, рашксиз муҳаббат бир лаҳза ҳам яшай олмайди, рашк муҳаббатнинг ажралмас йўлдошидир, деб таъкидлаган донолар юз карра ҳақ. Йўқ, рашкни эскилик сарқити, маразлардан бири деб қараш тўғри эмас.

Одил Ёқубов рашк тарихини, рашкчиларга хос хусусиятларни таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. У бу орқали қаҳрамонларнинг чинакам қиёфасини намоён қилишни кўзлаган. Акрам хотини аразлаб кетгандан кейин фақат она, муҳаббат ҳақидагина эмас, балки ижтимоий фаолияти, ҳаётадаги ўрни тўғрисида бош қотиради ва бу борадаги нуқсонларини излай бошлайди. Зотан қалбида софлик, самимийлик, муҳаббат туйғулари мавж уриб турган одамгина кечмиш-кечирмишларига танқидий кўз билан қарай олади, етишмовчиликлари, қусурларини топади, уларга барҳам беришга муваффақ бўлади. Шунга кўра Акрамда энг яхши хусусиятлар қалқиб чиқади, улар ҳақиқат тазйиқи остида ҳар хил иккиланишлар, ланжликлар, ноҳақликларга барҳам беради. Чунончи, меъморчиликда йўл қўйган камчиликларини, англаб олади: «Бу муҳташам бино... азиз ҳамқишлоғимиз, талантили архитектор, фан кандидати Акрам Холиқов лойиҳаси асосида қурилди...» Акрам ичида кулимсираб яна сойга, дўппи-дўппи шафтоли ўғирлаб юрган боғларга, Ҳамида билан илк бор учрашган жийдазорга тикилди, лекин кўнглидаги бояғи ёрқин туйғуларни уйғотишдан ожиз, оғир ўйга толди. Агар уч-тўрт йил олдин, бош план устида ишлаётганида туппа-тузук кўринган Санъат саройи лойиҳасининг эскирганини энди ўзи ҳам сезган бўлса, ўн йилдан кейин одамлар

нима дейди? Юз йилдан кейин-чи? Юз йил у ёқда турсин, йигирма-ўттиз йилдан кейин унинг ўзи, ўзи тугул қизи Нодира ҳам бўяги ёзувни кўриб отасидан номус қилмасмикин?»

Ёзувчи қаҳрамон руҳиятидаги ўзгариш осонлик билан кўчмаслигини жуда яхши билди. Шунинг учун Акрамнинг шубҳаланишлари, иккиланишларини синчковлик билан кузатиб боради. Унинг қалбида нимаки юз берса, барчасини таъқиб қилиш пайида бўлади, бироқ асосий мақсад ҳақиқатни ёритиш эканлигини унутмайди. Айни чоқда қаҳрамон кечинмаларини юрак тафти, қалб ҳарорати билан қаламга олади. Ҳатто бир қанча ҳолларда ҳис-ҳаяжон қалб мавжи меъёрдан ошиб кетади ва гоҳида етарли даражада асосланмай қолган фикрларни, чуқур ёритилмаган айрим воқеаларни «ювиб» кетади. Бироқ бу учун муаллифни айблаш керакми? Қисман айблаш керак, аммо ҳароратсиз, дардсиз ёзилган асарлар оз эмаслигини эътиборга олсак, «Қанот жуфт бўлади»да гоҳида туйғуларнинг гўё дарёдай тошиб, фикрларни босиб кетгани ўзига хос фазилатдай бўлиб кўринади. Бориники, фазилатдай бўлиб кўринмасин, аммо ҳароратли сўзлар, эҳтиросга йўғрилган гаплар ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Акрамнинг мана бу розига қулоқ солинг: «Демак, Акрам учун биттаю битта йўл қолди, у ҳам бўлса баъзи лойиҳаларини қайта ишлаб чиқиш, энг муҳими, ўз эътиқодларидан воз кечиш. Зафарнинг ҳақ эканига иқдор бўлиш, унинг талантига тан бериш!»

Ўз эътиқодларидан воз кечиш?

Инсон учун бундан ҳам мушкулроқ, даҳшатлироқ иш бўлмаса керак. Бироқ ҳаёт, ҳа-

қиқат талаб қилса, воз кечиш зарур. Акс ҳолда тараққиёт оқими сени ўз йўлидан улоқтириб ташлайди, кўпчилик эътиборидан четда қоласан. Бироқ чинакам ҳақиқат деб ардоқлаган, муқаддас деб ҳимоя қилган фикринг бирданига сароб бўлиб чиқса, бунинг ўзига хос фожиа эканлигини ким тушунмайди?!

Қисса қаҳрамони худди шундай вазиятга тушиб қолади: «У меҳнатдан, баъзи лойиҳаларни қайта кўриб чиқишдан қўрқмас, лекин институтда кўтариладиган шов-шувни, майда-чуйда гап-сўзларни, бурчак-бурчакда шивир-шивир қилишиб, уясига чўп суқилган арилардай югуришиб қоладиган одамларни кўз олдига келтириши билан ўй-хаёллари яна ағдар-тўнтар бўлиб кетар эди».

Ҳамма гап мана шу «ағдар-тўнтарлар»да! Ахир, уларсиз баъзан оқу қоранинг, яхши-ю, ёмоннинг, ҳақлигу ноҳақликнинг фарқига бориш мумкинми?! Зотан ўсиш-ўзгариш, тараққиёт ҳар хил алғов-далғовларни, ағдар-тўнтарларни тақозо қилади. Лекин улар икир-чикирларнинг, майда-чуйда иғволарнинг эмас, пиринципиал фикрларнинг, кучли эътиқодларнинг тўқнашуви, курашига асос бўлиб, инсон характерини, ҳаёт ҳақиқатини ёритишга қаратилган чоғда ғоявий-бадний салмоқ касб этади.

Акрамнинг шахсий ва ижтимоий фаолиятидаги «алғов-далғов»лар, «ағдар-тўнтарлар» худди шундай таассурот қолдиради. Аниқроғи, унинг оиласидаги «ағдар-тўнтарлар» ижтимоий фаолиятидаги ўзгаришларга уланиб кетади, бири иккинчисининг сабабчиси ёки оқибати бўлиб қолади.

Қаҳрамон характеридаги, ақлу иродасида-

ги ўзгаришларнинг мураккаблиги ва ҳаётийлиги шу билан белгиланади. Дикқат қилинг-а, Акрам меъморчиликдаги ташқи ялтироқлик, жимжимадорликни камчилик деб билади, санъатнинг назокат ва нафосат қонуни талабларига риоя қилишни афзал деб билади, аммо ўзининг ноҳақлигини эътироф этишга ҳадеганда бўйни ёр бермайди!

Шу ҳақда ўйлаганда: «Акрамнинг эсига бундан икки йилча олдин ўқиган бир инглиз ёзувчисининг мақоласи тушди. Мақолада гап Тургенев билан Толстой ҳақида борарди. Толстой адабиётга эндиgina қадам қўйган пайтларида Тургенев шуҳрати оламга таралган машҳур ёзувчи бўлган. Лекин Толстой ўзининг илк асарлари биланоқ шундай обрў орттирадики, Тургеневнинг шуҳрати худди офтобда хиралашган ойдай хиралашиб қолади. Бу нарса Тургеневга оғир ботади, кўп изтироб чекади, ҳатто Толстойнинг баъзи асарларига нотўғри баҳо беради, уларни камситади. Фақат бир неча йиллардан кейингина Тургенев қалбдаги ҳасад ва ғайирликни мардона енгиб, Толстойнинг улуғ талантига тан беради!..

Акрамнинг эсида бор — мақола унга жуда қаттиқ таъсир этган эди. Мана ҳозир ҳам уни эслаши билан кўнгли ёришиб;

«Одам эканмиз-да! Тургеневдай улуғ бир зот шунчаликка борган бўлса... биз ҳалиям... — деди ҳаёлида, деди-ю, яна ўзидан кулди. — Тургенев қаёқда-ю, мен қаёқда! Нима бало, жинни бўлиб қолмадимми ишқилиб?»

Қаҳрамоннинг санъаткор, зиёли эканини назарга олсак, унинг Толстой ва Тургенев муносабатларидаги «музлик»нинг «эриш» таърихи билан ўзининг ҳаётини таққослаши та-

бийи чиққан. Лекин бу барибир китобий манба эмасми? Худди шундай! Аммо ёзувчи уни Акрам ҳаётига бевосита алоқадор бўлган реал воқеалар, ҳис-туйғулар таҳлилига «пайванд» этишга интилади-ю, бироқ бу интилиш қисман ўзини оқлаган, холос.

Ёзувчи уларни қаҳрамон шахсиятидаги мусбат ва манфий томонлар билангина эмас, балки муайян шарт-шароитлар, объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳлаш зарурлигини уқтиради. Лекин инсон тақдиридаги ўзгаришлар биринчи навбатда шахсиятнинг ўзига бориб тақалади.

Борди-ю, ўша машҳур тарсаки баҳонасида бўлган «жанг»да енгилиб қолмаганда Акрам меъморчилик соҳасидаги нуқсонларини ҳозиргидек зийраклик билан тез илғаб олармиди? Уларни бартараф қилишга журъат этармиди?!

Тўғри, ўз интилиш-изланишларига танқидий кўз билан қарайдиган одамлар, қачон бўлмасин албатта ўзи йўл қўйган хатоларни уқиб олади, уларни тугатишга бутун куч-қудрати билан киришади. Акрам шундайлар тоифасидан бўлгани учун унинг ҳеч қандай ҳаракатсиз, жим ётиши эҳтимолдан узоқ, аммо дарё тошмагунча қирғоқни бузиб кетолмаганидек нималардир ижобий натижага ёки салбий оқибатга олиб келмоғи даркорки, бу ўзига хос қонуниятдир.

Акрамни дарёга, унинг нуқсонлари, қуёшқондан чиқиб кетишларини дарёнинг «рекорд»ига таққослаб бўлмайди, бироқ улар ўртасида қандайдир муштараклик мавжуд.

Бу муштараклик нимадан иборат?

Акрам ҳаёт «дарёси» қирғоғидан чиқиб

кетди, унинг бахти, муҳаббати ҳафв остида қолди, меъморчиликдаги мавқеига таҳдид солинди. Шунинг учун у доимо безовталанади, осойишталикни билмайди, у ёқдан бу ёққа елиб югуради, куну тун ўйланади, изланади, ҳам оиладаги, ҳам меҳнатдаги, ижоддаги, яъни меъморчиликдаги ҳақиқат учун курашади.

«Ларза»даги Муътал, «Бир фелъетон қисаси»даги Учқун, «Муқаддас»даги Шариф ўз мақсади, ўз орзуларини турмушга тадбиқ этилиши учун курашмайдими?

Курашади, лекин уларга нисбатан Акрамнинг фикр доираси, курашчанлик, изланувчанлик, ўйланувчанлик даражаси устун туради. Зотан «Қанот жуфт бўлади»нинг қаҳрамони янги даврнинг янги хислатларини — олтмишинчи йиллар нафасини бутун вужуди, қалбига жо қилиб олган. Шунинг учун унинг қувончига ҳам, ғам-аламига ҳам, қайғу-ғуссасига ҳам шерик бўлсам дейсиз.

Қиссадаги деярли барча воқеалар, персонажлар бавосита ёки бевосита Акрам билан боғланади.

Диққат қилинг-а, қиссадаги Зафар ва Нилуфар, Убайжон ва Шоҳиста, Содиквой ва Ҳамида, Туробжон ва Малоҳат сингари эру хотин, ошиқ-маъшуклар ҳаётидаги «ағдар-тўнтар»лар, Султон, Амаки, Шавкат каби ҳар хил характер, қилиқлар билан ажралиб турадиган персонажларнинг интилишлари, хатти-ҳаракатларидаги «алғов-далғов»лар Акрам тақдирига таққосланади. Фақат шуми? Йўқ, шунчаки таққослаб қўйилмайди. Асосий мақсад Акрам характерини чуқурроқ ёритишдан иборат: тасаввур қилингки, фильм томоша

қилипсиз, экранда Акрамнинг ташвишли, ҳаяжонли, севинчли кунлари гавдаланади. Аммо фақат уларни кўраверсангиз зерикиб қоласиз! Бишобарин, манзара, куй алмашилиб туриши керак. Шунга мувофиқ Одил Ёқубов фақат Акрамни ҳаракат қилдириб қўймайди. Қисса саҳнасига Зафар ва Султонни, колхоз раиси Туробжонни, кинорежиссёр Шавкатни, журналист Убайжонни олиб чиқади. Ахир, Акрамнинг укаси Нортожи, биринчи муҳаббат — Ҳамидаҳон, унинг эри Содиквой, Убайнинг севилиси Шоҳиста, унинг дадаси Амаки, Зафарнинг қаллиғи Нилуфар сингари бир қанча шахслар бош қаҳрамон ҳаётига «улаб» қўйилмаганми?!

Тилга олинмаган яна беш-олти персонаж бор. Улар билан ҳали номи қайд этилганларнинг барчаси «учрашган» чоғда қисса кўлами торлик қилиб қолмасмикин? Айримлари эса бир-икки кўриниб кетади-ю, ғойиб бўлади, хотирангиздан мустаҳкам ўрин олмайди. Баъзиларини эслаб қоласизу, бироқ кишига завқ-шавқ, маънавий сабоқ бахш этмайди.

«Қанот жуфт бўлади» жўн асар эмас, у бахт, муҳаббат, ҳақиқат ҳақида фикрлар «жанги»ни келтириб чиқаради, инсонга маънавий завқ-шавқ, руҳий сабоқ бахш этувчи туганмас манба — бадийлик даҳосига меҳр туйғусини уйғотади, чинакам гўзаллик, нафосат учун курашга чорлайди. Борди-ю, кўп сўзлилиги, юзакилиги, ҳаётдан йироқлиги билан меъдага тегиб кетган сирти ялтироқ, ичи қалтироқ асарлар ҳам анча-мунча эканлигини эсласак, Одил Ёқубов қиссасининг салмоғи янада ортади.

Очигини айтايлик: «Қанот жуфт бўлади»-

га юксак талаблар нуқтаи назаридан ёндаш-
япмиз. Унга буюк бобомиз Алишер Навоий,
Толстой, Достоевскийлардан баҳраманд бўл-
ган китобхон сифатида мақтов сўзлари, таъ-
на тошларини отмоқдамиз. Борди-ю, ўзбек
адабиётининг олтмишинчи йиллардаги тарақ-
қиёт даражасида туриб мулоҳаза юритсак.
«Қанот жуфт бўлади»ни ажойиб янгилик деб
бонг уришга тайёремиз ва қисман шундай қил-
япмиз. Бироқ юксак довларни забт этиш
тўғрисида бош қотирмаслик кимга наф кел-
тиради?!

Диққат қилинг-а, одам боласи ерда тузук-
кина юришга, теваарак атрофни яхши ўрганиш-
га улгурмасдан ўзини осмонда кўргиси кела-
ди. ою-қуёш, юлдузлар билан ошно бўлишни
орзу қилади, измига фазони, чексиз кенглик-
ларни бўйсундиришни хоҳлайди. Бироқ ҳар
қандай орзу, ҳар қандай хаёл ўсиш-улғайиш-
ни тақозо қилавермайди. Борди-ю, улар ҳаё-
тий асосдан холи бўлса, бахт-саодат эзгулик
тантанасига йўналтирилмаса, бу ҳақда оғиз
кўпиртириб гапиришга зарурат йўқ. Ҳақиқат
орзуга, орзу ҳақиқатга қанот бўлиб парвоз
қилса, ҳар қандай довлар забт этилади.
Шунинг учун ҳақиқат билан орзу, ҳаёт билан
кураш бир-биридан узилиб қолмаслиги, ак-
синча бир-бирига пайванд этилмоғи зарур.

Шу жиҳатдан қараганда «Қанот жуфт бў-
лади»нинг мазмун, маъно доираси кенг. У ҳа-
ётда эркин парвоз қилиш учун икки қанот —
эр-хотин, ошиқ-маъшуқнинг тотув яшаши ки-
фоя қилади, деган нақлдан иборат эмас. Ёзув-
чи ижтимоий ўзгаришлар инсоннинг интим
дунёсидаги, шахсиятидаги «ағдар-тўнтар»-
лардан бошланади, жамият тараққиёти эса

ўз навбатида инсоннинг маънавий-руҳий ка-
молотига боғлиқ, бири иккинчисисиз, иккинчи-
си биринчисисиз равнақ тополмайди, де-
моқчи бўлади, шахсий ва ижтимоий манфаат-
лар бир-бирлари билан жипс боғланиб кетга-
нини, уларнинг «соф» ҳолда яшаши, равнақ
топиши на жамият, на табиат қонунларига
мос келишини эътибордан четда қолдирмай-
ди. Лекин кўп ҳолларда иқтисодий ва маъ-
навий ҳаётдаги «алғов-далғов»лар муайян
шахсга бориб тақаладики, бунга «Қанот жуфт
бўлади»даги Акрам билан яқиндан танишга-
нингиздан кейин яна бир карра ишонч ҳосил
қилишингиз мумкин.

Дарвоқе, Акрам нима учун ўзининг маъ-
навий-ахлоқий, ижодий фаолиятига танқидий
кўз билан қараб, ўзининг бир қанча ҳукм-ху-
лосаларидан воз кечди, турмушнинг туб ма-
салаларини замон талаби асосида ечиш за-
рурлигини уқди. Ахир, Сайёра билан араз-
лашмасдан олдин ўз изланишлари, хатти-ҳа-
ракатлари, мулоҳазаларини «тафтиш» қилса
бўлмасмиди?! Еки бундан илгари ўзи ҳақида,
шахсий ва ижтимоий фаолияти ҳақида бош
қотирмасмиди?!

Инсон туб моҳияти билан ижодкор, изла-
нувчан, ўйланувчан мавжудот бўлгани учун
ўзини тарбиялаган, камолотга етказган ша-
роитга, иқтисодий-сиёсий омилларга бефарқ
бўлолмайди. Ҳамма гап инсоннинг қадр-қим-
мати, унинг ҳаётини эзгу ниятлар, коммунист-
тик эътиқод асосида ўзгартиришга бориб та-
қалади. Лекин характер мантиқига жиндак
зарар етказадиган айрим деталлар мавжуд-
ки, улар воқеалар оқимига, қаҳрамоннинг ўй-
фикрларига моҳирона сингдириб юборилма-

ган. Жумладан, Акрам ҳадеб ўзига дашном бераверади: «...ўз оиласида кўрсатган ҳунарлари-чи? Сайёрага қилган қўполлиги-чи?» Уринли-ўринсиз ўзининг дағаллиги, қўрслигидан шикоят қилади, шу учун ўзини дам ўтга, дам сувга уради. Лекин ҳаётда шунақаси бўлмайдами?! Ахир, бир карра сурчикиб-қоқилиб кетсанг, поҳида бир умр тўғри юрмагандай бўлиб туюлмайдами?! Балки Акрам шундай ҳолатга тушгандир?!

Афсуски, бу нарса қоронғи. Лекин шуниси аниқки, ёзувчи Акрам қўпол, дағал демоқчи бўлади. Ҳар ҳолда, у қаҳрамонга айбни кўпроқ юклагандай туюлади.

Бир қанча персонажлар номидан айтилган мана бу фикрлар шундай хулоса чиқаришга асос беради: «Шу ҳам одамгарчилик бўлди-ми?.. Садкаи олимлик кетинг!», «мен у киши ғалати эканини билардим, бироқ бунчаликка боришларини... Яна олим деган номлари бор!», «Бу қанақа пасткашлик? Олим одам!»

Акрам қандай далилларга асосланиб қоралаяпти? Далил эса — ўша тарсаки. Бошқа ҳеч қанақа факт йўқ. Аммо шу тарсаки деб уни бутунлай одамгарчиликдан, инсонийликдан четга чиқариб ташлаш керакми?

Яхшиямки, ёзувчи бу фикрга қўшилмайди, айбнинг бир қисми хотинига тегишли эканини уқдиради. Сайёра шундай мулоҳаза юритади: «У-чи? У яхши қилдими? Худди турмушга чиқмаган тантиқ қизчаларга ўхшамадими? Эркалик ҳам эви билан-да, ахир?..»

Шу тариқа Акрамнинг оилавий можарода тўғри хулосага келгани кўрсатилади. Аммо шундай бўлса, нима учун Акрам хотинига «...турмушимизни, сени кўп ўйладим. Кўп ма-

салада ноҳақ эканимни тан оламан», деб илтижо қилади? Ҳатто баъзан ялиниб-ёлворади? Нима учун ўзини ҳадеб ерга уради?

Одил Ёқубов бу муаммони негадир назарга илмайди. У Акрамнинг биринчи бўлиб ён бергани маъқул, демоқчидай бўлади. Бироқ бу борада изтироб чекиш, изланишлар, шубҳаланишлар рўй бермайдами! Айтайлик, меъморчиликдаги хатосини тан олиш борасида Акрам қанчали қон бўлиб эзилиб кетганди! Хотини билан ярашув арафасида, ярашув пайтида унинг бошидан қарама-қарши хаёллар кечмайдами?! Тўғри, бу ҳақда сўзланади, лекин дард, ҳаяжон, ҳарорат билан йўғрилган манзаралар кам яратилган. Ҳатто айтиш мумкинки, эр-хотин ўртасидаги келишув «битим»и асардан ташқарида тузилганга ўхшайди.

Айрим мунаққидлар қисса ниҳоясида воқеалар кескин тус олмагани, қаҳрамонларнинг пировардида оғиз-бурун ўпишиб кетишга эътироз билдиради. Эътироф этиш керакки, уларнинг даъвосида жон бор, аммо ҳақиқат қаерда?

Бу ҳақда бирор хулосага келиш учун умуман бадий асар хотимаси ҳақида мавжуд бўлган икки фикрга тўхталиб ўтиш жонздир.

Бир гуруҳ танқидчилар ва китобхонлар асар «жанг» билан бошланиб «тинчлик» билан тугаса, яъни дастлаб «ағдар-тўнтар» бўлиб пировардида ҳамма нарса жой-жойига тушса, деган қарашни ҳимоя қилишади. Бундай қараш, айниқса, 50-йилларда авж олган эди. Аммо ўз мавқеини ҳозирда ҳам сақлаб қолмоқда. Эмишкни, ижобий қаҳрамонлар салбий кучлар билан олишувда муваффақият-

сизликка учраса, ўқувчиларга ўрнак бўлолмайди. «Аммо,— деб таъкидлайди И. Султонов,— ҳаёт бошқачароқ, яъни мураккаброқ, табиийроқ, бизнинг тасаввуримизга қараганда. Шунинг эътибордан соқит қилиш ижодий муваффақиятсизликка олиб келади. Чунинчи, «Отелло»ни эсланг. Агар Отелло рашк ўтида ёнмаса, ноҳақлик билан келишиб кетса, Дездемонани ўлдирмаган бўлур эди. Аммо ҳаёт ҳақиқати, характер мантиғи Отеллонинг Дездемонани ўлдиришини тақозо қиладики, бунга Шекспир тўла риоя қилган. Аммо «Отелло»ни кўрган томошабинлар ўзларини ёки жуфти ҳалолларини ўлдириб қўяётгани йўқку!» «Отелло»ку ўтмишга оид экан. аммо «Ёш гвардия» (А. Фадеев), «Оптимистик трагедия» (В. Вишневский), «Шафқатсизлик» (П. Нилин), «Қутлуғ қон» (Ойбек) каби асарлар хотимаси фожиа билан якунланганини инобатга олмаслик мумкинми?

Бошқа бир гуруҳ мунаққидлар ва ўқувчилар асарни ғалабалар, тўйлар, ярашувлар билан эмас, фақат фожиа, «ағдар-тўнтар» билан якунлаш зарур дейишга журъат этмоқда. Ҳатто Ч. Айтматовнинг «Оқ кема»сидаги хотимани намуна тарзида кўрсатиб, ёзувчиларимизни шундан ўрганишга, ўрнак олишга даъват этмоқда.

Йўқ, ҳеч ким фожияли хотимага қарши чиқмайди. Ҳамма гап унинг чуқур ҳаётий асосга эга бўлишида, маънавий-руҳий тараққиётга мос келишида, ниҳоят, ҳаққоний тасвирланишида. Лекин бир асардаги даҳшатли хотима иккинчисига кўчирилиши шартми? Ҳеч қандай асоссиз қаҳрамонлар тақдирини ҳалокат билан якунлаш тўғри бўлармикин?

Афсуски, ҳар қандай фожиа, ғам-ғусса, ҳалокат, ўлим ёки бахт-саодат, қувонч ва шодлик тараққиёт қонуниятини ҳаёт диалектикаси тақозоси билан рўй беришини аҳён-аҳёнда унутиб қўямиз. Ахир, фақат истак, орзу, хоҳишнинг ўзи билан турмушни қайта қуриш, ўзгартириш мумкин эмас-ку! Борди-ю, истак, орзу, хоҳиш амалга ошириш учун астойдил курашилса ва бу кураш тараққиёт оқимиға мутаносиб бўлса, турмуш диалектикасининг тақозоси билан олиб борилса, ғалаба қозонилади.

Шунинг учун коммунистик эътиқод маънавий-иқтисодий жараёндаги турғунликни рад этади, юксак мақсадларга мувофиқ фикрлар «жанги»нинг авж олишини тақозо қилади.

Энди шу нуқтаи-назардан «Қанот жуфт бўлади»нинг якунига назар ташлайлик.

Аввало шуки, Акрамнинг «ағдар-тўнтар»да айбнинг кўп қисмини ўз гарданига олиб, биринчи бўлиб «таслимнома»га имзо чекиши ишонарли чиққан. Лекин Сайёра-чи? Айбни бўйнига олишга унинг бўйни ёр бердими? Ахир, у эгилган бошни қилич кесмайди деб олдиға узр сўраб келган эридан баланд келмаганимиди? Умуман Сайёра характери қай даражада ҳаққоний ёритилган ва у орқали ёзувчи қандай ғояни тарғиб этмоқчи?

«Менинг назаримда,— деб ёзади Умарали Норматов,— Сайёра асарда асосий фигура, қиссадаги асосий можаролар, баҳслар шу образ тевағида боради, китобхон унинг хатти-ҳаракатларини қизиқиш билан кузатади».

Сайёра асосий фигура, марказий қаҳрамон? Бунинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини махсус далиллар билан исботлаб ўтириш шарт бўл-

маса керак. Негаки, ёзувчи ахлоқий муаммолар — муҳаббат, оила, садоқатнигина эмас, балки ижтимоий масалаларни, чунончи, меъморчилик санъати, қишлоқ маданияти, ижодкорнинг ўз истёдои, ўз халқи, эл-юрти олдидаги масъулиятига оид жумбоқларни кўтариб чиқади ва уларни тадқиқ этишда асосий восита қилиб Акрамий (Сайёрани эмас) олади.

Майли, бу ҳақда узоқ тортишиб ўтирмайлик, аммо танқидчи Сайёра образини қандай талқин этади?

У қўйидагиларни таъкидлайди: «Сайёра умуман яхши аёл, лекин у тўқликка шўхлик қабилда иш тутади, кўнглига ортиқча эрк бериб юборади, ёшига ярашмаган қилиқлар чиқаради, янгилик шиори остида бетайин тушунчалар, ҳавоний орзулар қанотида «юксакликка» парвоз қилмоқчи бўлади, бир гуруҳ тантиқ, бемаслак ёшлар даврасига қўшилиб, ўзининг оила, эл-юрт олдидаги масъулиятини унутади, оилавий-шахсий бахтини, аёллик шайини хавф остида қолдиради».

Бундан чиқдики, Сайёра салбий образ экан-да? Йўқ, Одил Ёқубов унга бошқачароқ муносабатда бўлади, қаҳрамондаги аёллик назоқати, инсоний гўзаллиги, софлиги, садоқатини меҳр билан тасвирлайди, айни чоқда характеридаги қарама-қаршиликлар, айрим қусурларни хас-пўшлаб кетмайди, меъёридан четга чиқиб кетган «эркалиги», «шўхлиги»ни афсусланиб, ачиниб қайд этади. Бироқ нима учун Сайёра танқидчига ёқмади?

Сайёра анъанавий маънодаги аёллар образидан жиддий фарқланади. Жумладан, Жамила, Гулнор, Кумушбиби, Нурхон, Саида, Баҳорларга айрим хислатларигина ўхшаб кетади,

холос. Лекин нимаси билан? Соф туйғулар, ноёб ҳислар тўлқини мавжланиб турган қалби билан. Қабиҳликка, ноҳақликка мурасасизлиги билан. Инсоний шукуҳи, бокиралиги билан. Бироқ Сайёра ўзининг йигирманчи, ўттизинчи, ҳатто эллигинчи йилларда яшаб, бахтсаодат, ҳақиқат учун курашган дугоналаридан ўзига хос «қилиқлар»и билан ажралиб туради. Инқилоб арафасида яшаган Жамила ёки ўтган асрда зулм жабри, жаҳолатдан ҳалок бўлган Кумушбиби етти ухлаб тушида кўрмаган «қилиқлар» билан ўзлигини кўрсатади.

Аввало шуки, Сайёра ўзини эркин тутади, гоҳида (диққат қилинг: ҳар доим эмас, гоҳида!) эри билан ҳисоблашмайди, ўзига ўзи маҳлиё бўлиб қолади, мустақил ҳаракат қиламан деб гоҳо (гоҳо!) ахлоқ доирасидан четга чиқиб кетади. Чунончи, баъзан ўйин-кулгини меъёрдан ошириб юборади, кафе, ресторанларга меҳр қўяди, «замонавий» рақслар, жазга қизиқади. Яна шуниси борки, бунақа пайтларда эри билан эмас, балки ёлғиз ўзи, ҳатто бегоналар билан юришга журъат этади. Лекин миллий анъаналарни, оиладаги бурчини унутиб қўядими? Ҳамма вақт эрини назар-писанд қилмасдан «Ёшлик» кафесид а йшини сурадимми?

«Қанот жуфт бўлади» жавоб беради: йўқ, асло бундай эмас! Қаҳрамоннинг ўзи ҳам ўзини бутунлай беғуноҳ қилиб кўрсатмайди. У эрига пинҳона мурожаат қилиб, шундай дейди: «Ёлғина хотинини ҳаммага кулги қилиб ёлғиз ташлаб кетадими? Ундан кўра судраб олиб чиқиб кетгани яхши эмасмиди?»

Борингки, бу борада Сайёрани ҳақ деяйлик аммо ҳамманинг олдида хотинини судраб олиб

чиқиб кетган эр мақтовга лойиқ бўладими? Шундай пайтда Сайёра: «Нега ҳамманинг кўз олдида зўрлик қилади, заҳрини уйга боргандан кейин сочмайдими» — демайдими? Менимча, дейди. Дегандан кейин ўзаро «жанг» бошланмайдими?

Кўриняптики, қаҳрамонлар анча мураккаб муҳитга, мураккаб вазиятга тушиб қолган ва бу ерда бировнинг мутлақо бегуноҳ ёхуд мутлақо айбдор эканлигини аниқлаш мушкул. Пировардида ҳам Акрам, ҳам Сайёра тарсаки «тарихида» айбдор деган хулоса келиб чиқади. Ёзувчининг ўзи эса нима учундир Сайёрага аксари ҳолларда кир юқтирмаслик пайида бўлади. Унинг қаҳрамон фазилатларини бўртириб кўрсатишга, аксинча, камчиликларини «юмшатиш»га интилишини қандай изоҳлаш керак?

Саволга тўғри жавоб қайтариш учун яна бир муаммони ечиш керак бўлади: Сайёра характерининг мусбат ва манфий томонлари нимадан иборат, улар Одил Ёқубов томонидан қандай ёритилган?

«...Сайёра илк севгисидан пушаймон қилмайди, шунчаки ўшанда ёшлик қилганидан, бир-икки йил ўйнаб қолиш ўрнига, биринчи курсни битирар-битирмас турмушга чиққанига ўкинади, холос... Бу хато унинг бошига кўп савдоларни солди. Иккинчи курсни битирмасданоҳ ҳомиладор бўлиб, Политехника институтини ташлашга мажбур бўлди... Рост, кейин медицина институтига кирди».

У нима учун биринчи курсдалигида оила қурди? Муҳаббати, севгиси соф, мусаффо, зўр бўлгани учун шундай қилдими?

Қиссада бунга «ҳа» деб жавоб берилади.

Шундай бўлса, нима учун Сайёранинг турмуш қургани «хато» деб баҳоланяпти? Ва бу «хато» эвазига институтини ташлаб кетишга мажбур бўлди, дегани нимаси?

Бундан ташқари, қаҳрамон нима учун Политехника институтига кирди-ю, уни осонгина тарк этиб, шифокорликка ўтиб кетди?

Мана, ёзувчининг жавоби: «Раъйи бўлмаса ҳам осонроқ бўладими деб кирди».

Тўғри, бир қанча қизлар (йигитлар ҳам!) истеъдоди, қобилияти бор-йўқлигига қараб эмас, балки «осон-қийин»лигига кўра институт танлайди, аммо Сайёра шундайларданми? Агар шундайлардан дейилса, унинг ақлли, адолатли, виждонли жувон тарзида таърифланганини қандай тушуниш мумкин?

Бу муаммолар бошқалари олдида ҳеч гап эмас. Жумладан, мана бунга диққат қилинг: «Лекин шундан кейин бошига ҳам эрининг ташвиши тушди, ҳам бола, ҳам институт ташвиши. Девонафеъл эр девоналигини қилди. Зафарга ўхшаганлар уч йил деганда ўйнаб-кулиб ёқлаган диссертацияни беш йил деганда аранг ёқлади, ўшанда ҳам кафедрадагилар билан келишолмай, лойиҳа институтига ўтиб кетди. Лекин «принципиаллик киламан», деб у ерда ҳам иши юришмади». «Девонафеъл эр» — бу ибора нимани англатади? Агар оиласига, хотинига, муҳаббатига жиддий карамайдиган, ҳаёт билан эмас, қандайдир хаёллар билан яшайдиган одам деган маънони билдирса, бу Акрам характери мантиғига, у тўғрисидаги тасаввуримизга мос келмайди-ку?! Ахир, қаҳрамон ўзининг кечинмалари, хатти-ҳаракатлари, интилишларига кўра девонафеъл эрга ўхшамайди-ку?! Ёки Сайёра унга туҳмат қил-

яптими? Ёхуд бу гапларни аччиқ устида айт-
яптими?!

Севги билан оила қурдим деган аёлнинг турмуш ўртоғини «демонафеъл» деб таъриф-
лаши негадир ёпишиб тушмаётир. Аммо унинг
бошқа фикрлари янада ажабланарли. Чунон-
чи, эрининг беш йилда кандидати бўлганидан
шикоят қилади, «ўйнаб-кулиб» уч йилда ил-
мий даражага эришган Зафардан завқланади,
унга ҳавас қилади.

Қизиқ, «ўйнаб-кулиб» диссертация ёқлаш
деганда нимани тушиниш керак? Агар қийнал-
май, тер тўкмай, тўсиқларни бартараф этмай
ишини қойиллатиш назарда тутилса, бу чи-
накам олимлик эмас. Шунинг учун биз уч йил
ичида «ўйнаб-кулиб» фан кандидати бўлган
Зафарга миннатдорлик туйғуларини изҳор эт-
гимиз келмайди. Аксинча, беш йилда шу дара-
жага аранг етган Акрамга ҳурматимиз ошади.
Негаки, у ўз фикри, мустақиллигини ҳам илм-
да, ҳам амалий ишида намоён қилишга интил-
ган ва шунинг учун «принципиаллик қиламан»
деган, айтганларини ҳаётга тадбиқ этишга
эришган, натижада келишувчилик йўлидан
бормаган. Бунинг учун унинг устидан кулиш
инсофданми? Ҳолбуки, Сайёра ҳақиқат танта-
наси учун курашган ҳалол, софдил эри усти-
дан кулаётганга ўхшайди: «Аспирантурага у
билан барабар кирган Зафар Ленинградда
диссертация ёқлаб келиб, институтга бош
архитектор бўлди, қанча-қанча талантили лойи-
ҳалар яратди. Мана, мукофотлар оляпти, та-
гида шахсий «Волга». Акрам бўлса... энди бир
устахонанинг бошлиғи бўлди».

Шахсий «Волга». Мукофотлар. Юқори
мансабга кўтарилиш...

Албатта, булар ўз-ўзича ёмон нарса эмас.
Ҳамма гап уларнинг келиб чиқиш манбаида-
дир. Борди-ю, манглай теридан, меҳнатдан
орттирилган «Волга», қимматбаҳо неъматлар
бўлса, уларга ким қарши чиқади?!

Сайёра эса «Волга»ларни ва «Волга»ли-
ларни орзу қиляпти-ку?! Меҳр-муҳаббат,
бахт-саодат, инсонийликни баъзан мансабга
боғлаб қўяпти-ку?

Айрим асарлардаги баъзи ижобий қаҳра-
монлар кечаю-кундуз тер тўкади, ишлаб чи-
қариш планларини юз-икки юз фоиз ўринла-
тади, лекин яхши ейиш-ичиш, кийинишга, ен-
гил машиналарга нафрат билан қарайди ва
бу билан ўзларини замонамизнинг чинакам
маёқлари, деб кўрсатишга уринадилар. Асли-
да шундаймикин?

Йўқ, аслида улар айрим ёзувчиларимиз-
нинг «буйруғи»га кўра шундай фикрлайди,
шундай ҳаракат қилади. Ахир, инсон инсонли-
гини йўқотмагунча ҳаёт ёғдусидан баҳраманд
бўлишни тарк этмайди-ку! Ҳаёт ёғдуси эса
ҳам маънавий, ҳам иқтисодий хазинанинг мўл-
кўллиги демакдир. Зотан коммунистик таъли-
мот шахснинг ҳар томонлама — иқтисодий ва
маънавий жиҳатдан равнақ топишини тақозо
қилади. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Лекин ҳар
қанақа орзу инсон бисотидаги бебаҳо бойлик
бўла олмайди. Чунончи, Сайёранинг «Волга»-
ларга, «Волга»лиларга муштоқ бўлишини қо-
ралаш керакми? Унинг орзуси беозорми?
Кимнингдир ҳамиятига, обрўсига доғ тушир-
майдими?

Ҳулоса чиқаришга шошилмай, Сайёранинг
мана бу сўзларини «ҳазм» қилиб кўрайлик:
«У кишининг ҳали директор бўладиган қоби-
лиятлари бор эканми?— деб пичинг қилди».

Гап диссертацияснни беш йилда «аранг ёқлаган», атиги «устахонага бошлиқ бўлган» Акрам ҳақида, жуфти ҳалоли ҳақида кетаётир. Яна шунга диққат қилингики, бу гап Акрамнинг севган хотинига тегишли. Шунинг билганингиздан кейин негадир этингиз жунжикиб кетади: наҳотки шу пичинг ўринли бўлса? Наҳотки яхши кўрган эри ҳақида шундай гапирса?!

Сайёра эрининг юксак лавозимни эгалламагани учун аҳён-аҳёнда мунгайиб пушаймон ёб ёки ғижиниб гапиришига хайрихоҳ бўлиш қийин.

У Акрамнинг ҳам илмда, ҳам ҳаётда буюк бўлишига умид боғлаб эр қилганга ўхшайди. Лекин қайси аёл ўзининг эри даҳо бўлишини истамайди? Қайси хотин обрўли эри эвазига обрўли бўлишни, шон-шуҳрат орттиришни хоҳламайди?

Кўпгина хотин-қизлар шу зайлда мулоҳаза юритади, аммо уларнинг барчаси истаклари бажо келтирилмаса, буни писанда қилиб, эрларига зулмини ўтказади, заҳрини сочади, деб бўлмайди. Эс-ҳушли, инсофлилари бори-га шукр қилади, борини эъзозлайди.

Тўғри, улар ҳам янглишади, қийналган чоғларида эрларини шон-шуҳрат орттирмагани учун «арралайди», лекин бунинг нотўғри эканлигини сезиб, ўзлигига қайтади. Сайёрачи?

«— Дадажон, гапимга ишонинг,— деди Сайёра ёлвориб.— Сизнинг сўзингизни ерда қолдириш мен учун ҳам оғир. Куёвингиз... нимасини айтмай, бошда мен уни... жуда яхши талантли, жуда бўлакча бир одам деб ўйловдим...

— Мен ҳали ҳам унинг жуда... пок, яхши йигит эканига ишонаман. Хондан ҳам хато ўтади дейдилар, қизим.

— Гап хатода эмас, дадажон! Унингиз шунчаки бир... жўн одам экан!»

Айтайлик, Сайёра жаҳл устида шундай фикр юритяпти. Ҳижрон аламига чидай олмаб, ўзини оёғости қилган деб ўйлаб, эрининг жўнлигидан нолияпти.

Такрорлайман: қаҳрамон шундай деб ўйлаши, гапириши мумкин, лекин бунга ёзувчи қандай қарайди? У Сайёранинг ноҳақ эканлигига шама қилмайдими? Унинг Акрамни қоралаши асоссиз эканлигини қандайдир йўллар билан кўрсатмайдими?

Афсуски, Сайёранинг хатти-ҳаракатлари маъқулланаётгани ёки маъқулланмаётганлиги баъзи ўринларда сезилмай қолади. Айрим ҳолларда эса, Сайёранинг Акрамга «ҳадя» қилган пичинг-кесатигларини муаллифнинг ўзи қўллаб-қувватлаётгандай туюлади. Бундан ташқари, Сайёра эри билан у катта мансабга кўтарилишини эшитгандан кейин ярашишга мойиллик билдирди, дегандай маъно ифодаланган. Лекин пировардида қаҳрамон характеридаги бир қанча фазилатларни ундаги баъзи етишмовчиликлар, бир ёқламаликларни таъкидлаб гавдалантиришга олиб келади.

Қанақа фазилатлар? Аввало шуки, Сайёранинг бизга фазилат бўлиб кўринган хусусиятларни айрим мунаққидлар ниҳоятда салбий ҳодисага йўйганлар. Улардан бири қуйидагиларни ёниб-куйиб уқдиради: «Сайёра — енгилтак... Сайёра — эркатой... Сайёра енгил ҳаётга, ёшлар билан кўнгил очиб юришга ўрганган... Ёзувчи унинг бутун ноҳўя қилиқла-

рини худди хайрихоҳдай тасвирлайди, унинг хатти-ҳаракатлари нотўғри эканлигига шама қилмайди» («Шарқ юлдузи», № 2, 1970, 212 — 213-бетлар).

«Сайёра кирган йўл хатарли йўл эди,— деб ёзади яна бир мунаққид,— у жиддий оқибатларга олиб келиши керак эди, қисман шундай ҳам бўлади, бироқ оқибат-натижа кутилган даражага бориб етмайди...» («Ўзбекистон маданияти», 30 октябрь, 1970 йил).

Фаҳмлашимизча, Сайёранинг гоҳида ўзини ҳали турмуш қурмаган танти қиздай тутиши, эри бўлатуриб, бошқа йигитларга қизиқиши, ҳатто уларнинг севиб қолишни хоҳлагани («Наҳот муҳаббат изҳор этса?!» «Шавкатжон белини қаттиқроқ қисганини сезган Сайёра юраги ўйнаб, тирноқларигача жимирлаб кетди») ахлоққа хилоф деб топиляпти.

Аслида шундаймикин? Айтайлик, кампир қизлик даврини, гул-гул яшнаб юрган пайтини қўмсаб, ўзига кўп йигитларнинг ошиқ бўлганини, баъзиларга ҳавас билан боққанини, баъзиларини ёқдириб қолганини, аммо пировардида биттасига кўнгил қўйгани, унга хиёнат қилмаганини кўз ўнгидан бирма-бир ўтказса, буни ахлоқсизликка йўйиш мумкинми? Шунга ўхшаш Сайёра ўзининг қадди-қомати, гўзаллигига ўзи маҳлиё бўлиб, бир оз эркин ҳаракат қилса-ю, бироқ хиёнат кўчасига қадм босмаса, бунинг нимаси ёмон?

Аёл борки, биттасига бутун умрини бағишлайди, бошқасини ҳеч қачон ўйламайди. Аёл борки, биттасига муҳаббат қўйган, биттаси билан яшайди, бироқ севгилисини ўзгаларга қиёслайди, аразлашганда ундан воз кечишга, иккинчи ёр топишга мойил бўлади, аммо мақ-

садини амалга оширмайди, ошириш учун интирмайди ҳам. Шунга кўра уларни бузуқи деб бўладими?!

Асарда таъкидланадики, Сайёранинг фикр доираси кенг. Шундай бўлгач, у ҳар хил ҳодисалар ҳақида ўйланмасинми? Обрули, истеъдодли эрни орзу қилади. Акрамнинг шу даражага етолмагани учун куйинади, изтироб чекади. Ҳатто шон-шуҳрат чўққисини эгаллаган одамга кўнгил қўйишдан чўчимайди, шу ҳақда бош қотиради, орзу қилади, лекин орзулари, ўйларини амалга ошириш учун курашмайди. У ҳар қандай шароитда ҳам Акрамга бўлган муҳаббати, оиласи, қизи олдидаги масъулиятни, бурчни эсдан чиқармайди. Шундай бўлгач, Сайёрани «енгилтак»ликда, бузуқиликда айблаш мумкинми? Ахир, у ўзини жарликка қулашдан асраб қолди-ку! Ахир эрига, қизига, оиласига хиёнат қилмади-ку?!

Мана шу хусусиятлари билан Сайёра Қумушбиби, Гулнор, Жамила, Саидалардан ажралиб туради. Шу хусусиятлари билан менга у оригинал, янги образ бўлиб гавдаланяпти. Лекин унинг тузалиб кетиши, маразлардан халос бўлиши асосланганми?

«Қанот жуфт бўлади»нинг хотимасини назарда тутиб, Сайёранинг оиласига қайтиб келишини шарҳлаб, Умарали Норматов қуйидагиларни таъкидлайди: «...бироқ оқибат-натижа кутилган даражага бориб етмайди, асар қаҳрамони (яъни, Сайёра) гўё ўшар хатарли йўлда довоннинг чўққисига кўтарилмай туриб, орқага қайтади, ёзувчи муносабати бирдан ўзгаради, вазиятни юмшатиш, қаҳрамонни қайта тарбиялаш эр-хотинни келиштириш билан банд бўлиб кетади, натижада образнинг, бинобарин, бутун асарнинг таъсир кучи

сусаяди...» («Ўзбекистон маданияти», 30 октябрь, 1970 йил).

Асарнинг қандай бошланиши, ундаги воқеаларнинг ривожланиши, хотиманинг мазмунини ҳаёт белгилайди, характер мантиғи аниқлайди. Ахир вазиятни юмшатишга, қаҳрамонни қайта тарбиялашга, эр-хотинни келиштиришга объектив ва субъектив сабаблар, турмушнинг ўзи даъват қилса, бунга қаршилик кўрсатишдан не фойда? Бинобарин, ҳамма гап қаҳрамон характерининг мантиғи ва унинг ҳаётий асосида.

Шу жиҳатдан қараганда Сайёра характери қандай мазмун касб этади? Унинг «исён» кўтариб, пировардида қилмишига пушаймон қилгани далилланганми? Нима учун «исён» оилани парчалашга эмас, балки мустақкамлашга олиб келди?

Аввало шуки, ёзувчи қаҳрамонлар ўртасидаги «совуқ» муносабатлар доимий эмас, балки муваққат сабабларнинг оқибати эканлигини ўқдиради. Ахир улар бир-бирлари билан юз кўришмайдиган бўлиб жанжаллашмадилар-ку! Борди-ю, эр-хотин орасидаги илиқлик «музликка», меҳр-муҳаббат ғазабга, нафратга айланса, ҳаётга қараши, фикрлаши жиҳатидан бири осмон бўлиб, иккинчиси ер бўлса, бири олов бўлиб, иккинчиси сув бўлса, балки муросага келмас эди. Ҳолбуки Акрам билан Сайёра бир-бирларига ёш жиҳатдан ҳам, фикрлаш жиҳатдан ҳам монанд.

Шундай экан, нима учун эр-хотин доимо огиз-бурун ўпишиб яшайверишмайди?

Маълумки, дунёда бир-бирига мутлақ ўхшайдиган, бири иккинчисидан асло фарқланмайдиган одамлар бўлиши мумкин эмас. Би-

нобарин, Акрам билан Сайёра ўртасида қандайдир тафовутлар мавжудки, келишмовчилик пайдо бўлади. Уша тарсаки бу имкониятни юзага чиқарди, лекин қаҳрамонлар тўқнашувига уларнинг характеридаги тафовутларгина сабаб бўлдими?

Одил Ёқубов масаланинг шу томонига алоҳида эътибор бериб, тортишувнинг келиб чиқишида, авж олишида фақат субъектив омилларгина эмас, балки объектив шарт-шароитлар муайян роль ўйнаганини ёритишга интилади. Тугуннинг учини мана бу мулоҳазалардан излашга даъват этади: «Қачон у бунчалик ўзгарди? Нега бундай бўлди? Негача? — деди Акрам, деди-ю, ўзидан гижинди. — Профессорнинг тантиқ қизи — унга шон-шухрату, бошқача турмуш керак эди. Бошдан шоҳона уйларда яшаб, шахсий «Волга»ларда юрадиган машҳур кишининг хотини бўламан, деб ўйлаган эди. Бу орзуларнинг биттаси ҳам рўёбга чиқмади. Менга ўхшаш оддий тўпори одамни бошига урсинми? — деди Акрам, лекин жаҳл устида ноҳақ ва бачкана ҳаёлларга бораётганини сезиб, кинояли кулимсиради».

Тўғри, аччиқлангандан кейин «аччиқ» сўзлар чиқяпти, аммо уларда жон бор-ку?! Акс ҳолда эр-хотин ораларидаги келишмовчилик бунчалик жиддий хавф туғдирмаган бўлур эди, лекин «тантиқ» аёлда заковатли юрак ҳам уриб турибдики, бундан кўз юмиб бўладими?

Сайёра характерида ҳаётга бир ёқлама қараш билан бирга шахсий ва ижтимоий муаммоларни ечишда етти ўйлаб бир кесишга интилиш мавжуд.

Ёзувчининг Акрам характеридаги ўзга-

ришларнигина эмас, балки Сайёранинг тўғри йўлга тушишини синчковлик билан таъкиб қилиб бориши бежиз эмас. Жумладан, Сайёрадаги «минуслар» барҳам топа боришини асослаш учун жиддий далиллар кашф этилади. Мана, улардан бири: «Сайёра кечалари унинг эҳтиросли оғушларидан, қон-қонини кўпиртирадиган бўсаларидан чарчаб мастона ётаркан, бу бахт чексиз-чегарасиз, ўз муҳаббатига эса офтобдай абадий туюлар, гоҳо бу бахтдан айрилиб қолишдан қўчиб, кечалари уйғониб кетар ва тонг отгунча Акрамнинг қўллари ушлаб ётарди».

Оилавий ҳаётнинг назокати, лаззатини шунчалик ҳис қилган аёл турмушининг бузилиб кетишини хоҳлайдими?! Борди-ю, Сайёра Акрамни севмаганида, у билан дастлаб яхши яшамаганида, пировардида оилавий жанжалнинг эзгулик билан якунланиши амримаҳол эди. Аммо доимо апоқ-чапоқ бўлиб юриш, ҳар қандай шароитда ҳам аччиқ сўз айтишдан ўзини тийиш, нуқул шодлигу қувончлар оғушида яшаш мумкинми?! Эр-хотиннинг уриши дока рўмолнинг қуриши деган нақлда ҳеч қандай асос йўқми?! Бироқ ким жанжал бўлмаса-ю, фақат тинч-тотувлик ҳукмронлик қилса, ҳаммаёққа нур ёғилиб турса демайди?

Бундай орзу ва истак, айниқса, қийналган, чарчаган чоғларда авжига чиқади. Сайёра ҳам шундай вазиятда қуйидагича мулоҳаза юритади. (У ўзини учинчи шахс ўрнида қўйиб гапиради): «Аттанг, шу маҳалгача... ҳаётнинг, ёшликнинг қадрини билмаган бир гўдак экан! Гўдак бўлмаса шу ҳусн-латофати билан ўн тўққиз ёшида турмушга чиқармиди? Ақалли

институтни битиргунча ўйнаб-кулиб олса бўлмасмиди? Ҳаётнинг гаштини ҳозирги қизлар билишади».

Ўйнаш-кулиш! Ҳаётнинг гаштини суриш!

Бу, албатта, кўпчилик интиладиган нарсас, лекин ҳаёт гаштини ким қандай суради, ким қайси маънода тушунади?

Одил Ёқубов Сайёранинг аҳён-аҳёнда даврон суриш, ялло қилиб юриш, жонни оғритмасдан ўзига роҳат бахш этишга интилишни қайд этади. Ахир, қаҳрамоннинг киноактриса бўлиш, шуҳрат қозониш йўлига ўтиши бежиз эмас! Аммо қаҳрамоннинг санъаткорлар даврасига қўшилиши ҳар томонлама пухта, чуқур асосланган дейиш қийин.

Акрамнинг ўша қишлоқда туғилиб ўсгани, ота-оналариникига, мактабдош дўсти, кейинчалик ранслик лавозимига кўтарилган Туробжонларникига тез-тез бориб туриши, ўша ердаги клуб лойиҳасини яратиши, лойиҳа асосида бино қад кўтаргани ишонарли тасвирланади. Сайёранинг бир «юмалаб» киноактриса бўлиб қолиши-чи?

Бир жиҳатдан унинг санъаткорларга қўшилиши шубҳа уйғотмайди. Негаки, эри меъмор, санъаткор ва у бу соҳага бефарқ қарамайди, деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, дугоналари, дўстларининг аксариси киночилар билан бевосита ёки бавосита алоқада бўлади. Аммо шуларнинг ўзи Сайёрани экранда образ яратишга даъват этадими? Шуларнинг ўзи бир соҳани ташлаб, иккинчисига ўтишини тақозо қиладими?

Қиссадан англашиладики, Сайёрада бу хил истеъдод йўқ, у оилавий можаро оқибатида киночилар билан ошно бўлиб қолди. Аммо

унинг фильмда бош қаҳрамон образини олиб чиқиши учун бундан ҳам муҳимроқ, қимматлироқ, салмоқлироқ асос бўлиши лозим эди. Еки Сайёра айрим гўзал қизлар сингари актриса бўлишни ёшликдан орзу қилармиди?

Унинг киночиларга муносабати ҳақиқатдан йироқ демоқчимасман. Одил Ёқубов қаҳрамон билан эри ўртасидаги «жанг»нинг кўпгина белги-аломатлари ўша фильм асосига, сценарийсига мос келишини кўрсатадики, бунга умуман умид билан қараймиз. Аммо Сайёра билан кино санъати, киночилар ўртасида боғланган «ип» — мантиқий тугун асло «узилиб» кетмайдигандай мустақкам эмас. Асосий тугун, етакчи сюжет-чи? Уларнинг айрим тармоқларига «дарз» кетган, лекин яхлитлигича ҳаётий чиққан. Сайёранинг пировардида ўз нуқсонларини англаши, муҳаббат эркинлигини, оилавий бурчни бир оз сунистеъмол қилганини сезиши ва тўғри йўлга тушиши шубҳа туғдирмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мана бу фактлар, мана бу воқеаларга диққат қилинг: дастлаб Сайёра фильмдаги фикрлар, туйғулар, ҳодисалар оқимига «шўнғиб» кетгандай бўлади, негаки, унда ўзи билан эри ҳаётида юз берган ножўяликка ўхшаш «ағдар-тўнтар»лар қаламга олинган, аммо бора-бора сценарийдан совийди, ролга «киролмай» қолади, айни чоқда ўзининг картинасида образ яратишга енгиб бўлмас зарурат, чинакам истеъдод борлиги учун эмас, балки бошқа ният билан (уни қўлга олиш учун режиссёр атайин «қармоқ» ташлаган эди!) таклиф қилинганини билади-ю, ўзгара бошлайди: «Ҳа, дадаси ҳақ, унинг, йигирма олтига кирган, бола кўрган бир аёлнинг арти-

стка бўлиб, шон-шухрат қозонаман дейиши... чиндан ҳам енгилтақлик эмасмикан? Дадаси айтмоқчи, чин артист бўлишга унинг истеъдоди етармикан? Агар у истеъдодли бўлса... Нега бу ишга киришмасдан туриб совий бошлади. Ахир... бу даврада ўтирганларнинг шодхуррамлиги, уларнинг орзу-умидлари, Нилуфарнинг қувончи ва рашки — ҳаммаси унга қандайдир ёт-ку! Ҳатто унинг шаънига айтилган мақтовлар ҳам уни ҳаяжонга солаётгани йўқ-ку!

Бора-бора ундаги иккиланиш ишончга айланади ва бу ишонч актёрликдан воз кечишга мажбур қилади. Ундан кейин-чи? Сайёра ўзини осмондаги ойман, деб ердан, она ердан узилиб қолганини сезади, аммо отдан тушса-да, узангидан тушгиси келмайди, яъни узр сўраб эри олдиға бормайди. Худди шу пайтда ёзувчи уларни учраштиради ва бу учрашув яна висолға, бахтға йўл очади. Шундай экан, конфликтнинг ярашув «битими» билан якунланиши ҳақиқатга зид келади деб бўлмайди.

Одил Ёқубов характер мантиғига, ҳаёт ҳақиқатига қарама-қарши ўлароқ вазиятни юмшатган, драматик тўқнашувларнинг ечимида нуқсонга йўл қўйган, эр-хотинни яраштириб қўймаслиги керак эди, деёлмайман. Бироқ таъна қиладиган ўрнимиз бор: эр-хотиннинг қайтатдан қўша қариши, чигалликлар ечими бир оз тезлаштириб юборилган. Ҳаттоки, қарама-қарши тарафларни, яъни Акрам билан Сайёрани тезроқ яраштиришга интилгандай ҳаракат қилади ёзувчининг ўзи. Сайёранинг роль ўйнаётганда йиқилиб кетиб оёғидан лат ейиши, касалхонада даволаниши ва худди шу пайтда эри билан учрашуви атайин «уюштирилган»га ўхшайди.

Лекин шу тахлитда фикр юритиш мумкинми? Ахир, асардаги воқеалар характерларнинг мантикий ривож иёзувчи томонидан «уюштирилмайдими?»

Ҳа, «уюштирилади», факт ва ҳодисалар бир-бирига «уланади», лекин шундай уюштирилиши, шундай улаиши керакки, ҳеч қандай сунъийлик, зўрма-зўракиликка йўл қўйилмасин, барчаси табиий, ҳаётий бўлсин!

Асардаги бадий тўқималар реал ҳаётнинг ўзидай табиий ва ҳаққоний бўлиб гавдаланади, (айрим истиснолардан ташқари) бироқ бу фақат эр-хотин муносабатлари, интим ҳаёт тасвиридагина кўринадими?

«Қарс икки қўлдан чиқади...— дейди Сайёрага دادаси,— у ҳозир жуда эзилиб юрибди. Шундай пайтда... инсоний масъулият, бурч, адолат деган гап бор. Қанот жуфт бўлади, битта қанот билан қуш парвоз қилолмайди, қизим, Қим билсин, сен ҳозир дўстлик қўлини чўзсанг, қийналганда суясанг, ёрдам берсанг, балки у ҳам қаддини тутиб олар. Институтда ҳам ишларининг мазаси йўққа ўхшайди».

Бундан чиқдики, қисса эр-хотин бир-бирисиз яшай олмайди (қанот жуфт бўлади, дейилганда шу маъно англашилмайдими?) деган фикрни ифодалаш учун ёзилган экан-да? Йўқ, Одил Ёқубов оилавий бурч, масъулият, адолат, муҳаббатдаги софлик, садоқат, қалбдаги ноёб ва нодир туйғулар пировардида ижтимоий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи омиллар бўлиб ҳисобланади, аксинча, жамиятнинг маънавий-иқтисодий асоси қай даражада мустаҳкам бўлса, ўсса, равнақ топса, шахсий фаолияти, севгининг чинакам бахт-саодатга, ёрқин турмушга олиб келиши шу даражада тезлашади

шу даражада юксак мақсадни амалга ошириш учун имкон яратилади, деган фикрни ҳимоя қилади, худди шу фикрни қаҳрамонлар фаолиятига сингдириб юборишга интилади. Бу севги тарихи, оилавий «жанг»лар тасвиридагина эмас, балки Сайёранинг киночилар билан, Акрамнинг меъморлар ва колхоз раиси билан тўқнашувда ҳам намоён бўлади.

Мана шу тўқнашувлар «Қанот жуфт бўлади»нинг салмоғини оширган, унда ижтимоий оҳангнинг баландроқ жаранглашини таъминлаган, айни чоқда ёрқин қиёфадаги характерларни намоён қилган. Кинорежиссёр Шавкатжон, меъмор Султон ва колхоз раиси Туробжон шулар жумласидандир. Лекин шуниси характерлики, учала шахс ҳам иккинчи даражали қаҳрамонлар, аммо уларсиз «Қанот жуфт бўлади»ни тўлақонли асар деб бўлмайди.

Шавкат ҳам, Султон ҳам, Туробжон ҳам айрим эпизодларда ҳаракат қилади, бироқ ҳаққоний, ҳаётий образ сифатида улар Акрам, Сайёралар билан «мусобақалашган»да ютса ютиб чиқади-ю, аммо ютқизмайди!

Одил Ёқубов талқинида Шавкат шунчаки ахлоқсиз, енгилтабятли йигит сифатидагина эмас, балки шахсий ҳаётдаги бетайинлиги, бузуқчилигини санъатга — ижтимоий фаолиятига кўчирган юзи ялтироқ, ичи чиркин, манфур шахс тарзида гавдаланади. Ахир, ўзини ниҳоятда маданиятли, истеъдодли санъаткоргина эмас, балки ажойиб қалб эгаси қилиб кўрсатишга зўр бериб уринган, шу туфайли Сайёрани йўлдан урмоқчи бўлган одам шу Шавкат эмасми?! Ахир, шу ниятини амалга ошириш учун фильмдаги фожиани оддий бахтсизлик,

омадсизлик деб ишонтирмоқчи бўлган, айшират суриш мақсадида ҳақиқатга, санъатга хиёнат қилган режиссёр шу Шавкат эмасми?! Қандай таъсирчан, ҳаётий образ!

Шавкатнинг бадиий тип тарзида ўзини «намойиш» қилиши учун ёзувчи унга ҳар хил маразларни «ёпиштиравермайди». Унинг муайян фазилатларга бегона эмаслиги, шарт-шароитнинг мураккаблигига қараб иш тутувчи, пайтида муроса қилувчи, пайтида ҳужумга ўтувчи айёр, яшовчан, изланувчан эканлиги таъкидланади. Лекин таъкид қанчалик аниқ, ёрқин, ҳаққоний бўлмасин, барибир бадиий таҳлил эмас!

Шу жиҳатдан Туробжон образига назар ташлар эканмиз, унинг характерида колхоз раҳбарига оид мураккаб мулоҳазалар, қарама-қарши туйғулар мужассамлаштирилганини кўрамиз; унинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари қаламга олинган эпизодларни кўздан кечирар эканмиз, гоҳо кўпчилик манфаати учун ўзини аямайдиган, барча куч-қудрати, имкониятларини фидо қиладиган, гоҳо қийин шароитларда ҳам ўзига кир юқтирмайдиган, сувдан қуруқ чиқадиган колхоз раиси гавдаланади. Баъзан шу хусусиятлари билан «Синчалак»даги Қаландаровни эслатади, бироқ у Абдулла Қахҳор қаҳрамонидан кўчирилган нусха эмас. Одил Ёқубов «қаландаров»чиликнинг бизнинг замонамиздаги янги хусусиятларини кўра билган ва оригинал тип яратишга интилган. Фикримизни ойдинлаштириш учун мана бу сўзларнинг маъзини чақиб кўрайлик: «Биз... правление деганда Туробжон Икромов деб биламиз. Туробжон Икромов правление деб биламиз».

Ким бундай деяпти? Жавоб берамиз: Туробжон Икромовнинг ўзи! Наҳотки «Қанот жуфт бўлади» даги раис шу зайлда фикр юритяпти? Бу балки Қаландаровнинг ўша ерда кезиб юрган руҳидир?

Ҳа, қисман шундай. Туробжон ҳам Қаландаров сингари деҳқончилик илмини миридан-сиригача билади, ернинг тилига тушунади, бир қанча ҳолларда ўзбошимчалик билан иш тутади, ҳеч кимнинг фикри билан ҳисоблашмайди (правление деганда ўзини, ўзи деганда правлениени тушуниши бежиз эмас-ку, ахир!) Мансабини худди «Синчалак» қаҳрамони сингари чин қалбдан севади, унга гард юқтирмаслик ғамини ейди, ҳатто шу мақсадда ёлғон-яшиққа, кўз бўямачиликка йўл қўяди. Лекин асл моҳияти билан Туробжон Қаландаровдан ажралиб туради, фақат исм-фамилияси билангина эмас. Туробжонда Қаландаровдаги ўжарлик, билиб-билмасдан ўзини ўтга, сувга уриш одати йўқ. У узоқни кўришга, ҳар бир воқеага илм кўзи билан қарашга қодир. Мухолифга пайтида «ҳужум» қиладди, пайтида «ҳимояга» ўтади. Унинг бу сўзларига диққат қилинг: «Сизнинг нима мақсадда келганингизни билиб турибман, ука. Аммо лекин колхоз ҳаёти билан атрофлича танишмай, фақат ўша масала билан чекланиб қолсангиз... ёзган нарсангизда қора бўёқлар кўпайиб кетмасмикин? Ғоявий жиҳатдан тўғри чиқармикин ёзган мақолангиз?»

Бу раиснинг уни танқид қилмоқчи бўлган журналистга жавоби. Қаранг-а, «қора бўёқлар», «ғоявийлик» ҳақида мулоҳаза юритяпти! Қаландаров бундай мушоҳада юритолмасди. «Яхши», «ёмон»ни биларди-ю, аммо масала-

нинг моҳиятини ҳар жиҳатдан чуқур англашга қодир эмасди. Туробжон бу борада ундан анча ўзиб, илгарилаб кетган!

Одил Ёқубов раиснинг гоҳо ўз мансабини сунистеъмол қилишини ҳам, гоҳо сидқидилдан, чин юракдан вазифасини адо этишини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади ва бу ҳаракат бир қанча ҳолларда зое кетмайди. Энг муҳими, Туробжон фаолияти, хатти-ҳаракатлари, изланиш-интилишлари Акрам учун мисли бир кўзгудай унинг фазилатларини ҳам, айрим камчиликларини ҳам гўё янгича шароитда, янгича шаклда намоён қилиб тургандай туюлади. Шавкатнинг ҳақиқат тантанаси учун курашиш ўрнига маишатга берилиб кетиши, Убайнинг ўз эътиқодига кўра ҳар хил маразларга мурасасиз бўлиши. Султоннинг мансаб йўлида ҳар қандай муқаддас туйғуни булғаш — барча-барчаси Акрам характерини чуқур ёритишга қаратилган. Сайёра, Ҳамида, Шоҳиста каби образлар ҳақида ҳам худди шундай дейиш лозим. Бироқ улардан айримлари ўз қиёфаларини, дунёқарашларини, кенг кўламда намоён қилолмай қолган. Оқибатда «Қанот жуфт бўлади»нинг адабиётимизда, ёзувчи ижодида катта воқеа бўладиган чинакам кашфиёт даражасига кўтарилишига бирмунча путур етган. Лекин асарда турмуш мураккабликлари, зиддиятларини ёритиш орқали ҳақиқат тантанаси, коммунистик эътиқод тантанаси учун меҳнат қилишга, курашга даъват этувчи ҳаётий ғоя мавж уриб турганини инкор этиб бўлмайди.

Тўғри, бу ғоянинг мундарижа — мазмуни янада кучли, бақувват, баркамол бўлиши учун мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланил-

ган эмас. Ёзувчи билан гоҳ баҳслашиб, гоҳ хайрихоҳ бўлиб, гоҳ унга қарши чиқиб, ҳаётий фикрлар оламига ҳаёлан парвоз этасиз, парвоз муваффақиятини эса истеъдод таъминлаганига ишонч ҳосил қиласиз.

«Қанот жуфт бўлади»ни етук ижодкор яратгани сезилиб туради: воқеаларни шунчаки баён этиш эмас, балки бадий таҳлил қилишга интилиш кучли. Энг муҳими, замондошларимиз фаолиятини ёритиш орқали реалистик типларни гавдалантириш, характерларнинг янги қирраларини очиш тенденцияси кўзга яққол ташланади.

Бадий етуклик нишонлари шунда кўринадик, Одил Ёқубов қаҳрамонлар интим дунёсининг таҳлилига ижтимоий мазмунни сингдириб юборади. Шунинг учун Акрам билан Сайёра ўртасидаги оилавий можаролар фақат бу икки шахсга, фақат ушбу эр-хотингагина эмас, балки энди турмуш қурган кўпчилик ёшларга тааллуқли эканлиги ошкор этилади. Яна шуниси диққатга сазоворки, — бугун ҳам, келажакда ҳам муҳим аҳамият касб этадиган масалалар кўтарилади. Жумладан, оила қурилгандан кейин, тўйдан сўнг ҳам севги, бахт барқарорлиги учун курашиш керак, меъморлик, архитектура ҳам ўзига хос санъат бўлиб, бу соҳадаги муваффақиятларга ноёб истеъдодни ишга сафарбар этиш орқали эришилади, акс ҳолда кўнгилсиз натижалар келиб чиқади, деган мулоҳазалар донмо долзарблигини сақлаб қолади. Тор доирага оид икир-чикирлар, майда-чуйда муаммолар эмас, балки меҳнаткаш халқимизнинг ҳаётини коммунистик эътиқод асосида қайта қуриш, ўзгартириш ва шу йўл билан бахтли келажак за-

минини ҳозирлашга боғлиқ проблемалар «Биллур қандиллар» қиссасида ҳам қаламга олинади.

Маълумки, асар тез муддатда ёзилди, лекин у завқ-шавқ билан ўқилади, кишини ўзига ром қилиб олади.

Бунинг сабабларини чуқурроқ англаш ниятида дастлаб рус адиби Евг. Богатнининг «Сабоқ» деб номланган очеркида тасвирланган мана шу вазиятни эслайлик: беш-олти қиз ўз тенгдоши, дугонасини калтаклапти, бор куч-қуввати билан ваҳшиёна калтаклапти. Бири муштлапти, иккинчиси тепкилапти, учинчиси дуч келган жойига туширапти. Тўртинчиси... Хуллас, барчаси бир қизга ташланиб, уни эзиб, мажақлаб ташлапти. Ўласи қилиб дўппосланган қиз касалхонага келтирилади, лекин у нима учун бу жазога гирифтор бўлди? Аниқланишича, дугоналаридан бири тўғрисида ундай деганмиш, иккинчисини бундай деб чақимчилик қилганмиш, холос.

Айбдорлар, бир жонга қасд қилганлар жиний жавобгарликка тортилади, жазосини олади. Бироқ бу ерда йигитлармас, балки қиз болалар ваҳшийлик қилди? Ахир, улар назокату латофат рамзи эмасми?

Очерк муаллифи Евг. Богат яна бир факта диққатимизни жалб этади: беш-олти қиз биттасини мажақлапти-ю, бунинг йигирма йигитча «томоша» қилади, улардан бир қанчаси қизни қандай қилиб дўппослаш тўғрисида «кўрсатма» бериб туради, аммо биронтаси ваҳшийликка чек қўйилсин, деб жафо чекаётганга ёрдам қўлини чўзмайди. Диққат қилинг: кимки қизни жароҳатлашда иштирок этса,

судланади, бироқ йигирма «томошабин» қонун моддасига кўра жазоланиши мумкин эмас. Шунга қарамасдан улар қаҳрамон сифатида тақдирланмайди, жамоатчиликнинг ғазаб ва нафратига учрайди. Чунки, маънавий қашшоқлик ҳеч қачон меҳр-муҳаббат қозонолмайди. Дугонасини ўласи ҳолатга келтирганлар ҳам, уларнинг қабиҳ ишини «мазза» қилиб кўрганлар ҳам ҳар хил сабабларга кўра муҳишликка қадам қўйганлар, пировардида шуниси англашиладики, маънавий қашшоқлик деб аталган даҳшатли «касаллик»дан ҳаммасига «юққан», ҳаммаси шу «касаллик»дан ўз «улуши»ни олган. Лекин бу «улуш»нинг миқдор-мундарижаси қандай, у қачон, қандай шароитда фожиага олиб боради, умуман маънавий қашшоқликнинг пайдо бўлиш манбалари, сабаб-шартлари нимадан иборат, бу «касаллик» қандай шакл-кўринишларда ўзини намоён қилади — буларни аниқлаш анча мушкул. Негаки, ўша иллатга гирифтор бўлганлар албатта бировнинг жонига қасд қилади, иккинчисига чангал солади, учинчисини маҳв этади, деб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик ҳаётидаги маразлар сингари турли хил қиёфада намоён бўлади.

«Биллур қандиллар» қиссасидаги воқеалар маънавий қашшоқликка алоқадор эмасдай туюлади. Асар сюжети унчалик мураккаб эмас. Унда «Сабоқ» очеркидагидек фожиавий ҳолатлар ҳам йўқ даражада. Тўғри, «Биллур қандиллар»даги Бегимқул хотини Нилуфарга чангал солади, жароҳатлайди, лекин тана жароҳатидан қалб жароҳати даҳшатлироқдир. Маънавий қашшоқлик эса юракларга ўқ бўлиб отилади, дилларни пора-пора қилади, ғам-

аламлар тўлқинини ҳосил қилади. Одил Ёқубов масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор беради.

Хўш, қандай ғам-аламлар ҳақида сўзланади «Биллур қандиллар»да?

Бир қарашда саволга жўнгина жавоб бериш жуда осондай туюлади: Нилуфар Ҳикматилло деган йигит билан севишгандай бўлади, ҳатто ўпич ҳам ҳада этади, аммо ундан айниб, Бегимқул деган Ҳикматиллонинг ўртоғини эр қилади, сўнгра янглишганини англайди-да, илк муҳаббатини қўмсагандай бўлади. Қиссанинг мазмунини шу тариқа сўзлаб бериб, мазкур жумбоқни ечиш мумкинга ўхшаб кўринади. Аслида асар моҳияти фақат эр-хотиннинг бир-бирдан ажралиши ва шу муносабат билан туғиладиган туйғулар оқиминигина қамраб олмайди. Аниқроғи, ёзувчи оилавий моjarолар негизда муҳим ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқади ҳамда ҳаётний, ҳаққоний образлар орқали ёритишга интилади, бу интилиш эса кўп ўринларда самарали яқунланади.

Гап инсоннинг маънавий етуклиги, руҳий баркамоллиги ҳақида кетаётир. Одил Ёқубов инсоний самимийлик, беғуборлик, софлик юксак даражадаги маданият, илм билан «пайванд»ланса, бахт-саодат, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун, одамнинг ҳар жиҳатдан улғувор бўлиши учун қулай шарт-шароит, муҳит яратилади, деган фикрни ҳимоя қилади. Энг муҳими, шу фикр қаҳрамон характери ва ҳаёт ҳақиқати замиридаги барча зиддиятлари, мураккабликлари билан монанд ҳолда олиб ёритилади. Шунинг учунми, «Биллур қандиллар» сюжетини ҳаракатга келтирувчи Ҳикматилло,

Нилуфар ва Бегимқулни анъанавий қаҳрамонлар сирасига киритиб бўлмайди. Уларнинг ижобий хусусиятлари, фазилатлари, камчиликлари ошириб-тошириб кўрсатилмайди, ҳар бир характерга хос такрорланмас маънавий-руҳий оламнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқ жиҳатлари ёзувчининг диққат марказида туради. Айниқса, Ҳикматилло образи кенг кўламда тасвирланади. У билан биз дунёнинг кўпгина ташвишларини бошимиздан кечирамиз, турмушнинг аччиқ-чучукларини, ширин, лаззатли, қайғули дамларини баҳам кўргандек бўламиз. Лекин Ҳикматилло донмо ўсиб борувчи, ўзгарувчи динамик характер тарзида гавдаланади, баъзан уни қўллаб-қувватлагинг келса, баъзан у билан баҳслашгинг, унга эътироз билдиргинг келади. Ҳикматилло гоҳида янглишади, тажрибасизлик қилиб нуқсонларга йўл қўяди, маънавий-руҳий баркамолликка эришишда анча қийинчиликларни бошидан кечиради, бироқ Одил Ёқубов уни мусаффо қалбли, самимий инсон сифатида гавдалантиради. Қурилиш техникумида таҳсил олаётганда Нилуфар билан танишади, дастлаб улар бир-бирларига астойдил талпинади, бир-бирига меҳр қўйишади. Афсуски, кўп ўтмай Нилуфар Ҳикматиллонинг қадрига етолмай қолади, аниқроғи, қиз йигитда уддабурролик, ишбилармонлик хусусиятларини тополмайди, аёл кўнглини ҳар хил йўллар орқали овлашга уқуви етишмаслигини англайди, яхши яшаш учун иқтисодий замин яратишга қурби етмаслигини кўради. Хуллас, Ҳикматилло Нилуфар орзу қилган ёрдан анча орқада эдики, уларнинг оралиғига совуқлик тушади, бутунлай ажралишиб кетади.

Ҳикматилло Нилуфарнинг хато қилаётганини сезиб туради, бироқ чуқур англаб етмайди, қизни енгилтакликда айблайди, қўлни ювиб қўлтиққа уради. Шунинг учун биз уни бир жиҳатдан айблашимиз мумкин, лекин иккинчи томондан йигит бошқача йўлни тутолмас эди, дейишга мажбурмиз. Ҳикматилло Бегимқулнинг фирромлигини яхши билади, Нилуфарга шуни тушунтириб, кўзини очишга уринмайди. Айни чоқда шуни таъкидлашимиз зарурки, Ҳикматилло Бегимқулни қанчалик ёмонласин, қиз барибир унга ишонмасди. Негаки, у Бегимқулда Ҳикматиллодан топилмаган фазилатларни кашф этгандай бўлади ва Ҳикматилло алаmidан шундай қиялпти, деб ўйларди.

Муайян вақт ўтиши билан Нилуфар шуни англайдики, у инсонийликни «биллур қандиллар»га қурбон қилган, зебу зийнатни, молу мулкни бахтиёрлик омили деб билган: «Бегимқулнинг... мардангига, сахийлигига, совчилар келган бу оқ «Волга»ларга ойисидан аввал унинг ўзи учмаганмиди? Тўйдан бир ҳафта олдин Бегимқул Нилуфарни шу уйга бошлаб келганида ва у жиҳозга тўла бу хоналарни, ердаги қип-қизил гиламлар, ҳали ғилофдан чиқарилмаган анави сервантлар, холодильниклар, тўрда турган рангли телевизорларни кўрганида ёш боладай севиниб, қимматбаҳо буюмларни қўллари билан силаб-сийпаб кўрмаганмиди?... — Ҳаммаси яхши-ю, фақат... қандилингиз ярашмаяпти! — деб кулган эди». Сўнгра Нилуфар биллур қандилларга ҳам эга бўлади, бироқ биллурдай тиниқ, соф кўнгиллар бир-бирларидан озиқлансагина, бахт-саодат тантана қилишини кечроқ тушуна-

ди. Лекин тушуниши ҳам катта гап! Аслида тушунмаслиги мумкин эмас эди. Негаки, Нилуфар қалбидаги пок, самимий, гўзал туйғулар яшириниб ётган эди, Ҳикматилло билан бир йилдан кейин учрашганда мана шу туйғулар қайтадан уйғонади, жунбушга келади. Борди-ю, Ҳикматилло билан дуч келмаганда ҳамма нарсa жой-жойида қолиб, Нилуфарда ўзгариш бўлмасмиди, деб қолишингиз мумкин, бироқ ёзувчи шунга шама қиладикки, бу воқеа шунчаки ташқи сабаб, бир туртки, баҳона, холос, аслида ҳаёт оқими табиий суратда қизнинг Бегимқул билан бахтиёр бўлолмаслигини кўрсатади. Чунки, Нилуфарнинг маънавий дунёси эриникига асло мос келмайди, бири олов бўлса, иккинчиси сув, бири тун бўлса, иккинчиси кун, бири пастда турса, иккинчиси баландда яшайди, аммо буни на Нилуфар, на Бегимқул ўз пайтида англаб олган. Бегимқул эса умуман хотинидан анча тубан туришини ҳеч қачон тушунмаса керак: «Бу хотиннинг турмушдан норози бўладиган нима камчилиги бор? Нима етмайди ўзи? Егани олдида, емагани кетида! Қийгани атласу ипак! Ҳеч нарсадан кам-кўсти йўқ! Нима тиласа — ҳаммаси муҳайё! Қишлоқда у тенги қиз-келиндарлар қўллари косов, сочлари супурги, қишин-ёзин тиним билишмайди! Қишлоқни айтади, шу ерлик, шаҳарлик ёр-биродарларининг туриш-турушиниям билади-ку, Бегимқул. Ҳаммасиям унга, хотинлари Нилуфарга ҳавас қилишади! Бу бўлса, арши-аълода яшагандай яшайдию, сира чехраси очилмайди. На унга — Бегимқулга кулиб боқади, на ўзи ўйнаб-кулади! Бегимқул уни уришиб ҳам кўрди, сўкиб ҳам кўрди — бўлмади. Алаmidан ичиб келиб тўполон ҳам

қилди — фойда бермади. Кечаю кундуз бир нималарни ўйлагани ўйлаган, қовоғи солинган солинган».

Нилуфардаги илк бор уйғонган пок, самий ва гўзал туйғулар биллур қандилларнинг нурида йўқолиб кетгандай туюлади, Бегимқул эса ҳамма нарсани, шу жумладан муҳаббатни ҳам ўша қимматбаҳо бойлик билан ўлчайди, оқибатда Нилуфарнинг қалбига йўл тополмайди, лекин ўша қандиллар билан Нилуфарнинг кўзини қамаштирди, ўзига оғдирди, асир қилди, холос.

Ёзувчи бу учун Бегимқулнинг ўзинигина қораламайди. Чунки, райгада мастер бўлиб даврон сураётган бу йигит биллур қандиллар ёруғида туғилган эмас, яъни молу мулкка муккасидан кетиш унга она сути билан кирмаган, кириши мумкин эмас. Негаки, қандай бўлишидан қатъий назар, у ҳам одам, ўзига яраша ҳамияти, ор-номуси, виждони бор, бироқ муайян шароитда Бегимқул ўзини пулга урган, юрак кўрини, билимини, куч-қудрати, имкониятларини бойликка тиккан, бинобарин, ленинча принципдан чекинилган ҳолда турмуш кечириш ҳолатлари ҳали ҳам баъзан учраб туради ва улар Бегимқулларга қўл келади. Аниқроғи, меҳнатдан топилмаган бойлик маънавий қашшоқликнинг урчишига, авж олишига имкон туғдириб беради ва қаерда ҳалоллик, адолат, ҳақиқат тантанаси таъминланмаса, ўша жойда қабоҳатлик, мудҳишлик ривожланаверади. Лекин бу мудҳишлик, қабоҳат юқорида эслатилган «Сабоқ» очеркидагидай кўзга яққол ташланиб туравермайди. Бегимқуллар бунни умуман кўролмайди. Негаки, уларнинг ўзлари маънавий қашшоқликни келтириб

чиқарувчи сабаблардан биридир. Бу «касаллик»нинг манбалари муайян шарт-шароитга бориб тақалиши «Биллур қандиллар»да алоҳида таъкидланади-ю, бироқ чуқур тадқиқ этилмайди. Яна шуниси баҳслики, Одил Ёқубов кўп ўқиб, маданий ўчоқлардан ўринли фойдаланадиган одамлар маънавий қашшоқлик балосига йўлиқмайдилар, демоқчи бўлади. Бу фикрни бутунлай нотўғри дейиш қийин. Лекин чин инсонийлик хусусиятларидан маҳрум бўлиб, соф, мусаффо, гўзал туйғуларга қалби тўлиб-тошиб турмаган шахслар ўқиш-ўрганиш билан давримиз қаҳрамонларига, маънавий-руҳий жиҳатдан баркамол граждандарга келиб қўшилиши амримаҳол. «Биллур қандиллар»да яна нималардир етишмаслиги сезилади, бироқ Одил Ёқубовнинг бу асари чин маънодаги замонавийлик руҳи билан суғорилган бўлиб, маънавий қашшоқлик фожиаларининг олдини олишга, бахт-саодат тантанаси учун курашга, муҳим ижтимоий-ахлоқий муаммолар тўғрисида бош қотиришга даъват этади.

Баъзи адабиётшунос-танқидчилар билан гаплашиб қолсангиз: «Биллур қандиллар»да қатор фазилатлар бор, у зўр қизиқиш билан ўқилади, ҳаётини лиризм билан суғорилган, ёзувчи қаҳрамонлар ички дунёсини, хатти-ҳаракатларини чуқур ёритишга интилади, интилиш кўп ҳолларда самарали яқунлангану, бироқ у гоҳида бирданига ловиллаб ёниб, сўнгра дарров сўниб қолган гулхандай таъсир кўрсатади, қиссада ниҳоятда оригинал, янги типлар яратилган дейиш қийин дейишади.

Бу гапларда жон бор: «Биллур қандиллар»да маънавий қашшоқлик оқибатидан ке-

либ чиққан фожиалар рўйи рост кўрсатилади, биз Нилуфарнинг «биллур қандиллар»га маҳлиё бўлиб, муҳаббати, бахтини қурбон қилганлиги, Ҳикматиллонинг эса ўша муҳитни ёриб чиқолмаганлиги, ёриб чиқолмаслигини, Бегимқулнинг фақат пул, бойликни яшашнинг негизи деб билганлиги ва оқибатда боши берк кўчага кириб қолганлигини сезиб оламиз, бироқ бу воқеалар кенг кўламда чуқур тадқиқ этилмайди, конкрет кузатишлардан кучли умумлашмалар чиқарилмайди. Гап қиссанинг ҳажмини ошириш, характерларнинг хусусиятларини батафсил ёритиш ҳисобига «Биллур қандиллар»ни «семиртириш» тўғрисида кетмаяпти. Гап шундаки, Одил Ёқубов иллатлар, маразларни моҳирлик билан кўрсатади, уларнинг касридан бахт, муҳаббат инқирозга юз тутганини ишонарли кўрсатади, лекин ўша иллатлар, маразларнинг баъзи ўринларда социалистик қонунчиликнинг бузулишига боглиқ эканлигини мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан тасвирлашга ҳамма вақт эришавермайди. Тўғрироғи, маразлар, иллатларнинг илдизлари, келиб чиқиш сабаблари деярли очилмай қолади. Аммо шуниси англашилиб турадики, аслида Нилуфарлар, ҳатто Бегимқуллар ҳам жуда иллатли шахслар эмас, улар муайян шартшароит тақозосига кўра маразларнинг урчишига, авж олишига сабабчи бўлганлар.

«Биллур қандиллар»да йўл қўйилган нуқсонларни Одил Ёқубов «Фарзандлар бурчи» туркумига кирган очеркларида «ювиб» кетишга астойдил ҳаракат қилган.

Одил Ёқубов чорак асрлик ижодий фаолияти мобайнида ҳамма вақт газета-журналларда

публицистик мақолалари билан чиқиб туради, аҳён-аҳёнда очерклар ҳам ёзади. Кўпгина мулоҳазалари, кузатишлари республика матбуотидагина эмас, балки «Литературная газета» «Литературное обозрение» каби марказий газета-журналларида босилади.

«Фарзандлар бурчи»да эса ёзувчининг очеркчиликка оид барча фазилатлари мужасамлашгандай туюлди: турмушнинг ич-ичига кириб ўткир ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиш ва кўпчиликнинг диққатини жалб этишда ўзига хос мардлик, матонатини кўрсатди.

Бу мардлик ва матонатнинг қадр-қиммати яна шунинг учун ошадики, ҳозир ёзилаётган бир қанча очерклар ёзилади-ю, муайян вақт учун хизмат қилади-ю, хотирамизда узоқ сақланиб қолмайди. Аксари очеркларимизда, публицистик мақолаларимизда чиройли, гўзал иборалар, қизиқ фактлар, воқеалар ҳаддан ташқари кўп фойдаланилади.

Кундаликли турмушимизда «Электр энергиясини тежанг! Сувни исроф қилманг! Ердан унумли фойдаланинг! Етиштирилган ҳосилнинг бир грами ерда қолмасин! Нонни кўзингизга тўтиё қилинг! Бир ушогни увол бўлмасин!» деган зарур шиорлар кўп қўлланилади, тўғри қўлланилади, лекин негадир «Сўзга эҳтиёт бўлинг, ундан тежаб-тергаб фойдаланинг, заиф, ожиз, ўлик фикрни ифодалашга йўл қўйманг, сўз оз бўлсину, маъно сиқик бўлсин, сўзни суниестемол қилиб ўқувчининг юракбағрини тигламанг!» деган чақириқлар кашф этилмаган. Бундай чақириқларга талаб кучли эканлигини айрим авторларнинг эзмалигини кўрганингизда ҳам, баъзи публицистик мақо-

лалар, очеркларни ўқиганингизда ҳам чуқур ҳис қиласиз. Шундай бадий асарлар, очерклар борки, улардаги кўп ва ҳўб нодир сўзлар, мазмундор иборалар, гўзал жумлалар, қизик гаплар қалбингни жизиллатмайди, ақлингга ақл кўшиб, онгингни ўзгартирмайди, маънавий сабоқ бермайди!

«Литературная газета»нинг доимий автори бўлган марҳум ёзувчи Георгий Радовнинг қайси бир очерки ёки мақоласини ўқиманг, ўзингиз сезмаган ҳолда фикрлар «жанг»га киришиб кетасиз. Чунки, у тил бойлигини, ифода ранг-баранглигини ҳаётнинг ғоятда мураккаб, зиддиятли, ғоятда жўшқин, жанговор дамларини ёритишга сафарбар қилади, сўзлар, иборалар, жумлалар қишлоқ ва шаҳар аҳолисига сув ҳамда ҳаводай зарур бўлган ижтимоий муаммолар таҳлили учун моҳирона ишлатилади. Аниқроғи, Георгий Радов Владимир Тендряков, Борис Можаяев, Гавриил Троепольский, Михаил Рошчин, Юрий Казаков сингари ҳамкасалари билан бир қаторда очеркчиликда Валентин Овечкин аънааларини давом эттирди, мазмундор асарлари билан бойитди, мустаҳкамлади.

Шу кунларда ўзбек очеркчиларининг овечкинчасига қалам тебратиб, овечкинча таҳлили ўзлаштиришга астойдил интилаётганликлари — кишини беҳад қувонтиради. Чунки, Валентин Овечкиннинг реал воқеаликни тадқиқ этиш принциплари ниҳоятда тўғри, ҳаётий бўлиб, социалистик реализм талабларига тўла жавоб берганлигидадир. Тўғри, ҳали бизда Георгий Радов ёки Владимир Тендряков сингари катта шуҳрат қозонган очеркчиларимиз бор, деб даъво қилмоқчимасмиз. Бироқ бу соҳадаги

кўпгина изланишларимиз моҳият эътибори билан ҳозирги пешқадам рус очеркчилари ижодига ҳамоҳангдир.

«Фарзандлар бурчи» билан танишганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Унинг дастлабки саҳифаларида Иброҳим Ҳамробоев ва Раҳим Бекжонов сингари машҳур ўзбек олигмлари билан учрашамиз, аммо Одил Ёқубов уларнинг геология ва ядро физикаси соҳасидаги кашфиётларини тадқиқ этмайди, бунинг ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, асосий диққат-эътиборини Иброҳим Ҳамробоев ва Раҳим Бекжоновнинг маънавий-маданий жиҳатдан ғоятда етук, баркамол инсон эканлигини кўрсатишга қаратади, уларни халқимизнинг асл фарзандлари сифатида кўпчилиكنинг ҳурмат-муҳаббатига сазовор бўлганлигини таъкидлайди. «Фарзандлар бурчи»да кўпроқ Мирзажон Эминов, Аҳмаджон Одилов, Манноп Жалолов, шунингдек, сеvimли санъаткорларимиздан Ҳалима Носирова ва атоқли драматургимиз Комил Яшин номлари тилга олиниб туради.

Бу қаҳрамонларга бағишланган ўнлаб очерклар, мақолаларни ўқиганимиз, бироқ уларнинг аксариси ҳаёлимиздан кўтарилган, қалбимизда ўчмас из қолдирмаган, завқ-шавқ бахш этмаган, маънавий мадад бермаган. Бунинг сабабларига тўхталиб, «Фарзандлар бурчи»нинг муаллифи шундай деб ёзади: «...нега кўп очеркларимизда мураккаб ҳаёт муаммоларини четлаб ўтишга ҳаракат қиламиз? Нега ҳақиқатан ҳам ҳамма нарса «ўзи бўлгандай» қилиб ёзамиз? Нега бу масалада рус совет очеркчиларидан, Валентин Овечкин, Владимир Тендряков, Георгий Радов, Гавриил Троепольс-

кийлардан ўрганмаймиз? Ахир, ҳаёт ҳам, адабиёт ҳам шу чигал муаммолари билан, зиддиятлари билан, инсон характери­нинг кураш­чанлиги билан ибратли эмаеми?»

Бу мулоҳазалар савол аломати билан ай­тиляпти-ю, бироқ Одил Ёқубов уларни бутун жон-жаҳди, бутун вужуди, қалб тўғғени билан тасдиқлайди ва бир ўринда Л. И. Брежневнинг Олмаотада айтган бир сўзини эслатади: «Қийинчиликларни, бунинг устига аллақачонлар ўтмишда қолиб кетган қийинчиликларни қувончли байрам кунда эслаб ўтиришнинг нима ҳожати бор, деб сўрашлари мумкин. Бундай гапга қўшилиб бўлмайди. Агар биз қийинчи­ликлар тўғрисида гапирмасак, уларни камай­тириб кўрсатсак, шу тариқа чўлқуварлар жа­соратининг аҳамиятини беихтиёр пасайтириб қўйган бўламиз...»

«Фарзандлар бурчи»да қаламга олинган қайси бир муҳим воқеа иштирокчисини ол­манг, унинг ўз қудрати, ақл-заковатини қан­ча-қанча тўсиқлар, тўғаноқлар билан тўқна­шувда намоён қилганлигини сезиб турасиз. Яна шуниси борки, ёзувчининг диққат мар­ка­зида доимо иши юришган, омади келган, бахти кулиб боққан ажойиб инсонлар туради, аммо бу қаҳрамонлар мақсадига осонликча эришолмайдилар.

Аҳмаджон Одилов, Мирзажон Эминов, Манноп Жалолов ташқаридан қараганда бир юмалаб қаҳрамон бўлганга ўхшайди, аслида улардан ҳар бирининг ўзига хос дарди, орзу-умидлари, ўзига хос хусусиятлари мавжудки, Одил Ёқубов қаҳрамонлари билан расмий су­ратда суҳбатлашмайди, рақамлардан енгил­елпи хулосалар чиқармайди, юрагини, дилини

очиб сўзлайди, фикр олишади, дардлашади. «Фарзандлар бурчи»нинг Аҳмаджон Одиловга бағишланган қисми айниқса ҳаётий, ҳаққоний чиққан. Муаллиф унинг образига гўё ўз қал­бидаги туйғулар, эҳтирослар, чуқур ҳаётий мушоҳадаларни «пайванд»лаб юборади. Шу­нинг учунми, Аҳмаджон Одиловнинг тadbир­кор раҳбар, яхши одам сифатидаги хусусият­лари, келажак ҳақидаги орзу-умидлари, бу­гунги ташвишлари бизда шубҳа тўғдирмайди. Айниқса, заҳматкаш пахтакорлар учун ҳали­гача яхши маданий-маиший шароит яратишга монетьлик қилаётган айрим қурилиш ташки­лотларининг раҳбарларини очиқчасига «туз­лаши» ундаги эътиқоднинг зўр қудратга эга эканлигидан далолат беради.

Мирзажон Эминов, Манноп Жалоловлар ҳам жонкуяр, инсонпарвар раҳбар, яхши таш­килотчи, ишнинг кўзини биладиган деҳқон тарзида таърифланадилар ва бу таърифлар аксари ҳолларда кўзланган мўлжалга адаш­масдан етиб боради. Бироқ гоҳида улар ўзла­ри куч-қувват сарфлаб эмас, балки қандайдир тасодифлар шарофати туфайли юксак нати­жаларни қўлга киритяптилар, дегандай маъ­но юзага қалқиб чиқади. Бунинг боиси шунда бўлса керакки, Одил Ёқубов ҳаёт мураккаб­ликларини овечкинчасига тадқиқ этишга даъ­ват этади, шу даъватга ўзи кўпинча риоя қи­лади-ю, аммо баъзида ўзи тўғри белгиланган мўлжалдан бир оз чекинади. Бир қанча ўрин­ларда бу қаҳрамонларнинг ишлари китоблар­да тасвирлангандан ҳам аъло деб қайта-қайта уқдиришлари ҳам унчалик ёпишиб тушмаяп­ти. Шунингдек, «кўрган-кечирганларимга бир оғиз ҳам уйдирма қўшмай, фақат ҳақиқатни

ёзишга аҳд қилдим», «лекин икки қўлимни кўксимга қўйиб айтаман: ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ёздим», деган изоҳлар негадир ортиқчадай туюлади ва уларга сарфланган сўзлар тежалса, эҳтиёт қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, тасвирланган воқеалар оқимидан муаллифнинг ҳар қандай муҳитда ҳам ростгўй бўлишга интилгани аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтишга, ҳимоя қилишга киришгани махсус изоҳларсиз англашилади. Пировардида яна бир қаҳрамон — ижодкорнинг ўзи кўз ўнгимизда жонли, ҳаққоний образдай гавдаланади. Дарвоқе, «Фарзандлар бурчи» одатдаги очерклардан фарқ қилади, у ёзувчининг сўз санъати, ҳаёт қаҳрамонлари ҳақидаги кузатишлари, ўйлари тарзида тақдим этилган ва бу кузатишлар, ўйлар мисли кўзгудай заҳматкаш замондошларимизнинг қўриқ ерларда қилаётган қаҳрамонона меҳнатларини қувончу севинчлари, дард-аламлари билан акс эттиради. Яна шуниси борки, Манноп Жалолов ёки Аҳмаджон Одилов, ёхуд Мирзажон Эминов ҳам, муаллифнинг ўзи ҳам мустақил образлардек фикрлайдилар, баҳс қиладилар.

«Фарзандлар бурчи»нинг шуниси диққатни жалб этадики, унда қаҳрамонлар характеридаги зиддиятлар, курашчанлик, фаоллик ҳам, ёзувчи ишидаги мураккабликлар, фидойилик, жасорат ҳам қотиб қолган ҳолда, доғматик тарзда талқин этилмайди, ҳар бир адиб ёки пахтакор деҳқон изланиш-интилишларидаги ютуқ ва камчиликларнинг асл сабаблари, манбалари ахтарилади. Айниқса, Одил Ёқубовнинг ўз ижодига, асарларига танқидий ёндашиши, эришилган муваффақиятлар, йўл қўйилган нуқсонлар моҳиятини объектив ҳақи-

қат асосида аниқлашга жазм этгани таҳсинга сазовордир. Жумладан, у шундай деб ёзади: «Мен Чингиз Айтматовга ҳавас қиламан. Илк қиссаси «Жамила»ни Мухтор Аvezовдай улуг ёзувчи кўриб, унга оқ фотиҳа берди, сўнг то умрининг охиригача ўз шоғирдининг ижодини кузатиб йўл-йўриқ кўрсатиб борди... Мен ўзимни Чингизга ўхшатмоқчи эмасман. Қозонда бўлса чўмичга чиқишини яхши биламан. Демак, каминанинг «қозонида камроқ» экан, буниям тан оламан. Шундай бўлса ҳам гоҳо ижод ҳақида, бошимдан ўтган қийинчиликлар ҳақида, қилган хатоларим ҳақида танҳо ўйлаган чоғларимда адабиёт аталмиш бу улуг даргоҳнинг муқаддас эшигини очиб кирган пайтларимда қаттиққўллик, баобрў бир устозим бўлмаганини ўйлаб ўкинаман».

Шу тариқа ёзувчи ўз тажрибаларини «тафтиш»дан ўтказади, ҳаётни бадий тадқиқ этиш принципларига онд мулоҳазалари билан ўртоқлашади, санъаткорнинг халқ, эл-юрт олдидаги бурчи, масъулияти тўғрисида баҳс юритади, айни чоқда замондошларимизнинг қалбимизни забт этувчи, эҳтиросу туйғулар оқимида «ғарқ» қилувчи таъсирчан образларини яратади, шунга кўра «Фарзандлар бурчи» зўр қизиқиш билан ўқилади, очеркчиликда янги имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

ДУНЁ КЕНГЛИКЛАРИ ИЧРА...

Томчида денгиз акс этади деганларидек, ҳар бир қатра ерда, бир сиқим тупроқда бутун ер қатламларининг хусусиятлари яшири-ниб ётган бўлиши мумкин. Уфқнинг бир чеккасига қараб, осмонда нималар рўй бераётганлигини билиш мумкин.

Бадий адабиётда ҳам худди шунга ўхшаш ҳодисалар учрайди: ҳикояда, — сўз санъатининг бир қатрасида оламдаги катта воқеаларнинг моҳиятини кўришимиз мумкин. Албатта, ҳар жиҳатдан бақувват, баркамол ҳикоя назарда тутиляпти. Лекин қанчалик салмоқли, зўр ҳикоя бўлмасин, у қисса ёки романнинг ўрнини босадими, романнинг «юки»ни кўтара оладими? Ёхуд қисса роман ёки ҳикоянинг ҳиссасини чиқара оладими?

Баъзан шундай гапларни эшитиб қоламиз: қаранг, қандай ҳикоя, битта романнинг мазмунини ўзида мужассамлаштирган! Бундай деявериш мумкин, бироқ гап қандай маънони ифодаляётганига ҳам эътибор бериш керак! Романдай зўр ҳикоя бўлса, романдан воз кеча қолганимиз маъқулмасми?

Йўқ, воз кечолмаймиз, роман ҳикоянинг, ҳикоя эса қиссанинг «юки»ни кўтармайди, кўтараолмайди. Бири иккинчисини инкор этмайди, бири иккинчисини тўлдиради, бири иккинчисининг давомчиси, издоши бўлиб майлонга чиқади. Айни чоқда уларнинг барчаси ўзига хос мустақилликка эга, бири бирини такрорламайди, ўзига хос индивидуал белгилари билан бир-бирларидан ажралиб туради. Томчида денгиз акс этиши мумкин, бироқ томчи ҳеч қачон денгиз бўлолмайди.

50-йилларнинг охиридан то 60-йилларнинг охиригача роман инқирозга учради, бундан кейин «семиз» асарлар ўқилмайди, истеъмоладан чиқиб кетади, эпик полотноларнинг келажаги йўқ, ҳамма нарса жуда қисқа, лўнда бўлади, «телеграф услуби» ҳукмронлик қилади, деган шов-шувлар бутун дунё миқёсида тарқалди, 70-йилларга келиб, уларга ўз-ўзидан

чек қўйилди, энди романчиликни «ўлдириб» «жанозаси»ни ўқийдиганлар кўзга кўринмай қолди.

Чингиз Айтматов қиссалари билан фақат қирғиз адабиётинигина эмас, кўпмиллатли совет адабиётини ҳам бойитди. Энди у романга қўл урди, катта эпик полотносини ўқишга мушарраф бўламиз.

Одил Ёқубов ҳам биринчи галда қиссалари билан машҳур бўлди, бироқ у изланишлар доирасини кенгайтириб бориб, 1965 йилда «Эр бошига иш тушса» романини ёзди.

Роман танқидчилар томонидан ҳам, ўқувчилар оммаси томонидан ҳам илиқ кутиб олинди, ижобий баҳоланди. Бунга, шубҳасизки, етарли асослар мавжуд эди: «Эр бошига иш тушса»да Улуғ Ватан уруши даврида фронт орқасидаги, меҳнат жангидаги воқеалар тадқиқ этилади, Машраб, Қўчқор ва Акмал исмли уч нафар ёш қаҳрамонларнинг маънавий камолотга интилиш жараёни кўрсатилади.

Уч ёш йигит, уч ўртоқ бирга ўқишади, бирга меҳнат қилишади, бирга юришади, бироқ бир-бирларидан ажралиб турадиган хусусиятларга эгаки, ёзувчи масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор беради.

Уруш орқасидаги ҳаётни тасвир этишга бағишланган асарларимиздан «Эр бошига иш тушса» шуниси билан фарқланадики, унда ёшларнинг турмуши, меҳнат фаслияти, интим ҳаёти мураккабликлари, зиддиятлари билан чизилади, қаҳрамонларнинг фазилатлари рўйи рост кўрсатилади, нуқсонлари хаспўшлаб ўтилмайди. Аксинча, уч ёш қаҳрамон шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий фаолиятида ҳам тинч-

май кураш олиб боради, баъзан мағлубиятга учрайди, пировардида ғалаба қозонади.

«Одил Ёқубов бу романда ҳам,— деб таъкидлайди Озод Шарафиддинов,— ўз ижодининг асосий принципига содиқ қолади — схематизмдан қочиб, ҳаёт бениҳоя мураккаб жараён эканидан келиб чиқади».

Ҳа, «Эр бошига иш тушса» романи ҳаётийлиги билан ўқувчиларнинг олқишига сазовор бўлди, адабиётимизда романчилик равнақига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди, аммо Одил Ёқубов ўз истеъдодини сафарбар этиб, ҳаёт кенгликлари, тафаккур кенгликлари ичра ноёб жавоҳирларни кашф этди, янги, оригинал образлар, баркамол бадий типларга жон ато қилди, деб айтиш қийин. Аниқроғи, у романга янги ҳаётий материал олиб кирди-ю, шу материални кенг миқёс, чуқур мазмун касб этадиган улугвор ғоя, салмоқли концепция асосида тадқиқ этишга қисман эришди, холос.

Биз ёш қаҳрамонларнинг характерини очишга йўналтирилган кўпгина қизиқарли, ибратли воқеаларнинг шоҳиди бўламиз, бироқ уларнинг эпик миқёси, масштаби романчилик талабига қисман жавоб беради. Натижада Қўчқор, Машраб ва Акмаллар бир-икки қиррали характерлар даражасига кўтарилади, кўпқиррали, кенг миқёсли эпик образлар бўлиб гавдаланмайди.

«Улуғбек хазинаси» романида Одил Ёқубов маҳоратнинг янги, юксак поғонасига кўтарилиб, биринчи йирик эпик асаридаги етишмовчиликларига барҳам берди, характерларни ҳам, воқеаларни ҳам чуқур тадқиқ қилди, ўзининг санъаткор сифатидаги тафаккур доирасини кенгайтирди.

Роман эълон қилиниши биланоқ танқидчиликнинг эътиборини қозонди. Воҳид Зоҳидов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Пирмат Шермуҳамедов, Иброҳим Ғафуров, Маҳкам Маҳмудов ва бошқа мунаққидлар романи бир овоздан ёзувчининг ҳам, сўнгги йиллардаги ўзбек адабиётининг ҳам катта ютуғи, деб баҳоладилар.

Агар «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади» каби қиссалари билан Одил Ёқубов ижодий камолотга эришганлигини исботлаган бўлса, «Улуғбек хазинаси» билан у ўзининг катта бадий кашфиётлар яратишга қодир эканлигини кўрсатди, етук санъаткор адиб сифатида танилди, шухрат қозонди.

Москвалик мунаққидлардан В. Оскоцкий, А. Ҳакимовлар ҳам романнинг «Дружба народов» журналида босилиб чиққанлиги муносабати билан «Литературная газета» ва «Знамя» журнали саҳифаларида махсус мақолаларини эълон қилиб, «Улуғбек хазинасини» юксак баҳоладилар.

Романнинг бевосита таҳлиliga кўчмасдан Иброҳим Ғафуровнинг «Роман — тарих ойнаси» деб аталган мақоласига тўхталмоқчи миз.

Танқидчи Одил Ёқубовнинг хизматларини муносиб тақдирлайди, унинг «Улуғбек хазинаси» билан ўзбек тарихий романчилигини бойитганини эътироф қилади, аммо бу эътироф қандайдир ажаблантирувчи зиддиятларга ўраб берилгандай таассурот қолдиради.

«Одил Ёқубов воқеанавис адиб. У характерларни кенг ва чуқур план билан таҳлил ва тадқиқ қилиш йўлидан эмас, воқеаларни таҳлил қилиш ва воқеалар ичида ҳаракат қила-

ётган қаҳрамонларнинг равиш-рафтори, туйғу ва туғёнларини кўрсатиш йўлидан боради».

Ёзувчи характерларни таҳлил қилмаса, воқеалар билан ўралашиб қолса, воқеанавислик билан шуғулланса, у инсоншуносликда янгилик яратолмайди-ку, деб юборасиз ва Одил Ёқубовнинг нима учун воқеанавис бўлиб қолганлигини, кишиларнинг характерларини таҳлил қилмаслигини танқидчи нима билан далилларкан, деб мақолани ўқишда давом этасиз, бироқ бошқа бир вазиятга дуч келасиз: «Биз тарихан Улуғбекни донишманд подшоҳ ва буюк маърифат эгаси сифатида таниймиз. Адиб романда Улуғбекнинг мана шу икки ёрқин, кўзга ташланиб турадиган белгисини ҳар жиҳатдан тадқиқ қилишга интилади».

Қизиқ, мунаққид ҳозиргина Одил Ёқубов характерни эмас, воқеани таҳлилу тадқиқ қилади, деган фикрни ўртага ташлаганди, энди эса бунинг аксини тасдиқлаяпти-ку! Балки бу зиддият тасодифдир, деб мақолани ўқишда давом этамиз: «Адиб унинг қиёфасида (гап Али Қушчи тўғрисида кетаётир — Н. Х.) ўрта асрнинг етук олими, бениҳоя мардона инсон, ҳур фикрли шогирд маърифатнинг қайтмас курашчиси образини ёрқин гавдалантириб беролгандир».

Иброҳим Ғафуров бундан сўнг: «Мавлоно Муҳиддин, Али Қушчи каби Одил Ёқубовнинг романда яратган энг муваффақиятли образларидандир», деб уқдиради.

Бундан чиқдики Одил Ёқубов воқеанависмас инсоншунос экан, қаҳрамоннавис экан. Зотан чинакам реалист ёзувчи бундан бошқа

вазифани бажармайди, бундан бошқа иш билан шуғулланмайди.

Ҳаётини бўлса-да, унчалик катта янгилик бўлиб жарангламаган «Излайман» қиссаси тўғрисида мулоҳаза юритганда Иброҳим Ғафуров биронта жиддий нуқсон устида тўхталмайди, «Улуғбек хазинаси»да эса анча йўқотишлар бор, деб ёзувчига танбеҳ беради-ю, бу йўқотишлар нимадан иборат эканлигини конкрет далиллар орқали кўрсатмайди.

Хайриятки, мунаққид «Улуғбек хазинаси»нинг фазилатларини одилонга, ҳаққоний таъкидлайди, романининг умумий ғоявий-бадний йўналишини ижобий баҳолайди.

Мана энди Одил Ёқубовнинг бу йирик эпик полотноси ҳақида батафсил сўзлашимизга навбат келди.

«Умрлар бўладик, тиригида ўликдир, умрлар бўладик, мангуликча тирикдир».

Мақсуд Шайхзода инсон ҳаётининг мазмунини шу тариқа ғоятда ихчам, ғоятда аниқ, ғоятда таъсирчан қилиб ифодалаган: ё тиригида ўлик ёки мангуликча тирик!

Одил Ёқубовнинг янги романидаги асосий қаҳрамонлардан бири — Улуғбек — «мангуликча тирик», иккинчиси эса — Абдуллатиф — «тиригида ўлик» бўлиб гавдаланади.

Улуғбек!

Неча асрлар синовига бардош бериб, «мангуликча тирик» бўлиб қолган улуғ сиймо тўғрисида қанча-қанча китоблар, илмий мақолалар ўқиганмиз, драматик фожа-ю, фильмларни томоша қилганмиз. Бу асарларнинг ғоявий-бадний жиҳатдан алоҳида салмоқ касб этганлари шуни кўрсатдики, Улуғбек даҳоси

мисли бир океандир, ҳар гал ундан атиги бир томчи сипқоргандай бўламиз, холос.

Буни «Улуғбек хазинаси»ни ўқиганимизда яна бир бор ҳис этдик. Лекин айни пайтда Одил Ёқубов бу буюк сиймо образини ёритишда янгиликка, оригиналликка интилади.

Бу нималарда кўринади?

Ёзувчи диққатимизни қаҳрамон ҳаётининг ниҳоятда қалтис ва драматик дамларига — умрининг сўнгги онларига жалб этади. Чунки, мана шундай онларда инсон характери ўзининг бутун мураккаблиги билан намоён бўлади.

«Улуғбек хазинаси»да мустабид жаҳонгирнинг буюк невараси билан шундай шаронг-да танишамиз: у илм-фанда мисли кўрилмаган ғалабаларга эришган, лекин салтанатда мағлуб бўлиш арафасида турибди.

Ғолиблик ва мағлублик!

Бу икки қутб сув билан ўтдек қарама-қарши туйғулар, фикрларни туғдиради, ҳеч қачон бири иккинчиси билан муроса қилмайди. Улуғбек ҳаётига эса ғалаба ва мағлубият айни чоғда бир пайтнинг ўзида кириб келади. Шунинг учун унинг қалбида, ички кечинмаларида, ақлу ҳаёлида пайдо бўлган ҳис-туйғулар, ғоялар кураши одатдагига нисбатан ўн чандон шиддатлироқ тус олади. Бу ҳис-туйғулар гирдобига «шўнғиган» китобхон қайтиб чиқолмайди, ўзини ўша тўқнашувларда, ғоялар «жанги»да иштирок этаётгандай сезади, ўша давр воқеалари ичида «сузиб» юргандай бўлади.

Романнинг биринчи саҳифаларидаёқ шундай вазият вужудга келади: Улуғбек қафасга тушган шердай тўлғониб, ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа урмоқда, изтироб чекмоқда. Ҳаз-

рати Навоий таъбири билан айтганда, «занжирбанд шер» бўлмиш улуғ инсоннинг бу изтироблари китобхонни бефарқ қолдиролмайди. Зеро, бу «занжир»ни ясашда Улуғбекнинг ўзи иштирок этган. Ҳатто маълум маънода у ўзини ўзи «занжир»лаган дейиш мумкин. Ахир Улуғбек — шоҳ Улуғбек — олим билан, Улуғбек — ҳоким Улуғбек — мутафаккир билан, Улуғбек — давлатпаноҳ Улуғбек — инсон билан доим муроса қилиб келган-ку!

Одил Ёқубов «икки» Улуғбек образини барча мураккабликлари, зиддиятлари ва табиийлиги билан ёритиш йўлида катта меҳнат қилган. Ёзувчи қаҳрамон ички дунёси ва уни ўраб олган одамлар хатти-ҳаракатининг ишонarli чиқишини таъминлашга астойдил ҳаракат қилади, ҳаракат аксари ҳолларда барака келтиради. Хусусан, Улуғбекнинг руҳий ҳолати, юриш-туриши, хулқ-атвори, бутун фаолияти ҳаёт мантиқига, тарихий ҳақиқатга мос тушади: қаҳрамон саросимада, унинг хатти-ҳаракатларидаги қатъийлик ва салобат қандайдир журъатсизлик билан, руҳий тушкунлик билан алмашиниб турибди. Ахир, салтанатга дарз кетмоқда, ҳокимият нурай бошлаган, Улуғбек — шоҳ, Улуғбек — олим олдида тиз чўкиб, ўзининг мағлуб этилганлигини эътироф қилиш арафасида турибди!

Ёзувчи қаҳрамон ҳаётидаги мана шу ниҳоятда қалтис дамларни ва ҳал қилувчи бурилишни қаламга оларкан, уларнинг тарихий тараққиёт натижаси эканлигини алоҳида қайд этади. Ҳа, ҳатто Улуғбекдай етук инсон ҳам ҳокимликдан ўз ихтиёрига кўра воз кечолмайди! Воз кечиш у ёқда турсин, ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун барча куч ва воситаларини

сафарбар этади! Айни чоқда бир томчи қони қолгунча олишишга, жанг қилишга қунт этади, аммо ноўрин қурбонлар беришга йўл қўймайди. Негаки, сўнгги дақиқаларда Улуғбек — олим, Улуғбек = мутафаккир ғолиб чиқади. Аммо бу осонликча амалга ошмайди, томирларида Амир Темур қони мавж уриб турган шоҳ Улуғбек олим Улуғбек олдида бирданига таслим бўла қолмайди. Бу қуйидагича шарҳланади: «Бошидаги тож, тагидаги тахт илм-фунун учун даркор эканини тушунмаганида бу совуқ кошонани, гуноҳи азимга ботиб қолган бу ҳарам, шон-шухрат ва мансаб ишқида ҳеч бир разолатдан тоймаган бу амиру умаро, саркору саройбонлар, хурофот ва таассуб ботқоғига ботган дин пешволарини тарк этиб суюкли фан толиблари орасига, илм-маърифат даргоҳига кетмас эдим? Лекин нечора? Бу манхус тожу тахт, бу салтанат, инсонлар устидан ҳокимлик қилмоқ истаги шундай ширин эканки, унинг нияти поклигига ким инонади? Ким унинг самимийлигига, ўз ихтиёри билан салтанатдан қўл ювганига инониб тинч қўяди?»

Йўқ, тинч қўймайди, ҳеч ким ишонмайди! Лекин ўзгаларни ишонтариш шартми? Виждон амрига мувофиқ иш кўрса бўлмасмиди? Бўларди, албатта. Лекин Улуғбек қанчалик буюк бўлмасин, у ҳам ўз муҳити, ўз жамиятининг фарзанди. Шунинг учун «иродасидан зўрроқ-куч» уни тахт ва салтанат учун курашга даъват этаркан, у бу кучга бўйсунди. Натижада Улуғбек сунъий, схематик образ эмас, реал ҳаётдагидек ҳаётий ва ҳаққоний бўлиб гавдаланади. Зотан муаллиф буюк олим характерининг объектив ҳақиқат, тарихий та-

раққиёт тақозосига кўрга ўсиш-ўзгаришини ёритишга барча куч-қудрати, имкониятларини сарфлаган.

Асарнинг биринчи қисмида доимо Улуғбек билан рўбарў келамиз, уни ҳар хил шароитларда учратамиз, бироқ нима учун ундай қилди, бундай қилмади, нега бир ерда дадил бўлиб, иккинчи ерда журъатсизлик қилди, деган тахминларга бормаймиз, ўзгача бўлишини тасаввур қилолмаймиз, оқибатда ижодкорга ҳам, қаҳрамонга ҳам ишончингиз ортади, мустаҳкамланади. Мана, Мирзо Улуғбек лашкарбошилар билан кенгашмоқда, тожу тахт таҳдид остида қолганини англатмоқда, бироқ шаштидан тушмайди, ҳокими мутлоққа хос қатъиятлик ва салобат билан дадил буйруқлар беради, куч ва имкониятларни салтанат ҳимоясига сафарбар этади, овозида, нутқида, юриш-туришларида ҳадиксираш сезилмайди, бироқ ич-ичидан зил кетади, вазиятни доҳиёна аниқлаб, ўзи яратган илм хазинасини сақлаш тадбирларини кўради, бу вазифани суюкли шогирди Али Қушчига юклайди...

Айниқса, унинг шогирди Али Қушчи ва ўғли Абдулатиф билан қилган суҳбати, баҳс, мунозаралари узоқ вақт эсда қолади. Ҳар иккала ҳолатда — Абдулатиф билан тўқнашувда, Али Қушчи билан мулоқотда Улуғбек ўз характерининг ҳам ўткир жиҳатларини, ҳам заиф томонларини намоён қилади.

Хўш, қандай заифлик мавжуд?

Мана, у ўз фарзандидай азиз кўрган Али Қушчига юрак дардини тўкмоқда, шогирдини энг яқин сирдошидай тутиб, у билан ҳасратлашмоқда, орзу-истагини баён этмоқда: «...Мовароуннаҳр осмонини қора булутлар қопла-

моқдадур. Шаҳзода Абдулатиф Жайхундан ўтиб, Кешга яқинлашиб келадур. Букун до-руссалтана Самарқанд ҳам хавф остида туриб-дур... Сени бу даргоҳга чақирмоқдан муддаом шуким, қирқ йил салтанат тебратиб орттирган бутун бойлигим — расадхона ва кутубхонам, битилган, ҳали ниҳоясига етмаган рисола-ю. китобларим — барчаси сенинг қўлингдадур. Алқисса, бу хазинани жоҳил гумроҳлардан, маҳдуд мутаассиблардан асраб қолмоқ... Ёл-ғиз сенинг ихтиёринг ва идрокингдадур».

Қаранг-а, буюк мунажжим шоғирдига ўзи-га ишонгандай ишонади, заррача шубҳалан-масдан, унга кашфиётлари, бой илмий мероси-нинг тақдирини топширяпти. Бироқ Али Қуш-чи... «нечун фалакиёт илмини идрок эта олган, ўткир тафаккури ила коинот сирларини очиб, янги юлдузлар кашф этган алломалар сарбо-ни тахт ва салтанатнинг бевафоллигини тушун-мади? ... Ёхуд уни тарк этишга иродаси етма-ди? Нечун ҳокимият деб аталмиш бу сохта шон-шавкатдан воз кечиб, бутун тафаккури, ўткир мушоҳадаси, бутун салоҳиятини илм-фунунга, инсонни улуғловчи зиё-маърифатга бахш этмади? Нечун?» деб таъна қилганида бунга жавобан Улуғбек шундай дейди: «Ка-мина барига тушунамен, Али! Аммо ҳодиса-лар силсиласи шундайким, бунини аҳли фазл идрок этишдан ожиздур. Фозиллар идрок шохлар идрокидин ожиз бўлганидан эрмас, йўқ! Билъакс, ҳақ таоло сизларга шундай пок-лик ато этганким, шохлар ҳаётининг мислсиз сафолатини идрок этишдан ожиздурсиз!»

Айтайлик, аҳли-фазл олимлар тожу тахт-нинг мислсиз разолатини чуқур англашга қо-дир эмаслар. Шохлар-чи?

Асардаги Улуғбек баъзан шохларни фуқа-ро ва донишмандлардан бир поғона устун қў-йишга урингандай, у фикр галабасини таъ-минлашга яхши нарсаларни қурбон қилишдан ҳам тоймаётгандай кўринади, шу фикр ундаги даҳолиқнинг кенг қулоч ёзишига халақит бе-ради. Оқибатда ақлу адолатга, инсонийликка хилоф тadbирлар ҳам амалга оширилиб ту-рилади.

Бу Улуғбекнинг заифлигини ёки феодал жамиятнинг маҳдудлигини? Бу бир жиҳатдан даврнинг чекланганлигига, тарихий шароит-нинг етилмаганига йўйилса, иккинчи томондан бу борада Улуғбек шахсининг баъзи заиф жиҳатлари туфайли намоён бўлган, деб айтиш мумкин. Улуғбекнинг ўзи ҳам буларни эътироф этади, баъзан шароитга, баъзан кўнгилга қа-раб иш олиб борганлиги туфайли ноҳақлик-ларга қўл қўйилганлигини тан олади, бунини ўзи-нинг ожизлиги деб билади ва шунинг учун «вужуд-вужудигача титраб кетади», Улуғбек-нинг буюклиги ҳам шунда, зероки бу тариқа мушоҳида юритиш ўз фаолиятига фақат адо-лат юзасидан баҳо бериш, ўз хатти-ҳаракатла-рига танқидий муносабатда бўлиш, ўзидан қаноатланмаслик ҳисси билан яшаш буюк шахсларнинг ақлу идрокига хосдир!

Бу ҳолат Улуғбек билан Абдулатиф тўқ-нашувида янада мукамалроқ, аниқроқ акс этади.

Ота ва ўғил деганда биз бир-бирига қадр-дон, ҳамдаму ҳамдари зотларни кўзда тута-миз, бироқ Улуғбек билан Абдулатиф муно-сабатига заррача меҳр-муҳаббат, ҳурмат туй-гулари йўқ, замон зайли, ҳокимият ишқи улар-ни мутлақо келишиб бўлмайдиган душманга айлантирган.

Улуғбек бунн яхши билади, ўғли билан сулҳ тузишни таклиф қилганида ҳатто ўз ихтиёри билан тожу тахтни топширганида ҳам ўғлининг марҳамат қилишига ишонмайди. Аммо шунга қарамасдан ҳалокатга маҳкум этилганини аниқ сезганида ҳам Абдулатифга шундай деб мурожаат қилади: «Менга ҳеч нарса керак эмас. Бу тожу тахт, салтанат, шон-шуҳрат — бари ўзингга буюргай! Фақирга ёлғиз расадхонани инъом этсанг бас! Бир бурда нон, бир қумғон совуқ сув бўлса етар. Азим — қолган умримни «Зижи Курогоний»ни тугатиб мутолаа ила кун кечирмоқдир...»

Қизиқ, наҳотки Улуғбек Абдулатифнинг бунга кўнмаслигини билмаса?! Наҳотки ғолиб подшоҳ, тожу тахтдан айрилган ҳукмдорга илтифот қилмаслигини тушунмаса? Тушунади! Бироқ ноумид шайтон, деганларидек, балки ўғли инсофга келиб қолар деган ҳаёлга боради. Қолаверса, ҳаётини сақлаб қолиш, умрини илм-маърифатга бағишлаш йўлида Абдулатифдан бошқа суянадиган кишиси йўқ! У ўзининг чўкаётиб, чўлга осилаётган одам ҳолига тушганини кўриб-билиб турибди, аммо барибир Абдулатифга талпиняпти, унга кўз тикипти, ўзига мадад беришини орзу қиляпти, «ўғлим!» деб, ундан қандайдир илтифот кутяпти.

Бу Улуғбекдай зўр инсоннинг заифлиги эмасми? Заифлиги! Лекин бу заифлик тубанлик ё риёкорликнинг ифодаси эмас. Бу қаҳрамон характеридаги даҳолик билан ёнма-ён юрадиган заифлик аломати, инсонга ҳос заифлик. Зотан буюклик айни чоқда оддийлик ҳамдир. Чунки, Улуғбек фақат ўз бошининг ғамини еиш учун хиёнаткор ўғлининг марҳа-

матидан баҳраманд бўлмоқчи эмас! Азбаройи илм-фан, маърифат, эзгулик йўлида бир томчи қони қолгунча заҳмат чекиш мақсадида Абдулатифга бош эгяпти! Бош эгяпти-ю, бироқ эътиқодидан тонаётгани йўқ, у илм-фандан юз ўгирмайди, тиз чўкиб узр сўрамайди, гурурини поймол қилишга йўл қўймайди, ўлимга рози-ю, хиёнаткорлик сари бир қадам ташламайди.

Ёзувчи шунга эриша олганки, биз Улуғбек тимсолида фақат зафарлар қучиб, мағлубият нималигини билмаган, илм-фан, маърифат соҳасида фақат кашфиётлар яратган, камчиликлардан йироқ, доимо шоду хуррам яшаб, ғам-ғусса, бахтсизлик нималигини тоғиб кўрмаган қандайдир бир илоҳий қаҳрамонни эмас, балки ўзида мураккаб туйғуларни ҳам, оддийликни ҳам, даҳоликни ҳам мужассамлантирган ҳаққоний образни, жонли шахсни кўрамин. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Улуғбекнинг мана бу сўзларига аҳамият беринг: «Йўқ! — деб хитоб қилди. — Мен салтанатдан айрилишдан қўрқмайман. Фақат Мовароуннаҳрга қирқ йил раҳнамолик қилиб, орттирган бойлигим — мадрасаю расадхонам, нодир хазинам — тўплаган кутубхонам ва ниҳоят, яратган асарларим — барчаси зеру забар бўлишидан қўрқадурмен. Ҳа, фақат шундан қўрқадурмен. Тағин бир нарсадан — келгуси авлодлар банди оғиздан ҳазар қилмасму, деб қўрқамен. Мирзо Улуғбекдай кониот сирларини очмоқни тилаган, фозилликни даъво этган мавлоно, ҳайҳот, охир оқибат барча шоҳ, барча тахт соҳибларидай салтанатни деб ўз пушти камаридан бўлган фарзанди ила

тожу тахт талашубдир-да, деган ном қолдир-моқдан қўрқамен, мавлоно Али!»

Бу парчада қаҳрамон юрагининг туғёни мавж уриб турибди, яраланган улуғвор юракиннинг улуғвор нидоси эшитилипти!

Тўғри, қаҳрамон ички дунёсидаги баъзан ҳислар оқимининг сустлашиши ёки тафаккур тараққиётининг кенг кўламда тасвир этилмаслиги, гоҳида муаллифнинг факт-ҳодисалар тасвирида оқсаб қолиши кўзга ташланади, бироқ «қуп-қуруқ» эҳтироссиз фикрларни, ҳис-ҳаяжонга йўғрилмаган ғояларни учратмаймиз. Чунончи Улуғбек дардини ифодалайдиган мана бу парчага диққат қилинг. «О, юлдузлар... юлдузлар! Мирзо Улуғбек эллик йил уларга ошифта бўлди. Кечаларни бедор ўтказиб, ҳар бир ситора, ҳар бир юлдузнинг буржини, яъни ҳаракатидаги чамбар йўлини кузатди. Эвоҳ! Қирқ йил умрини сарф қилиб, юлдузлар сири-ни ўрганди-ю, замин сирига, инсонлар ҳаётига келганда ғафлатда қолди. У фалак сирларини билсам, замин ва ҳаёт сирларини ҳам биларман деб ўйлаган эди. Йўқ, янглишди! Фалак сирларининг бир четини хиёл очгандай бўлди, лекин инсоният, ҳаттоким ўз пушти камаридан бўлган зурриётларининг юракларига қўл солиб кўролмади, мақсадлари не — билолмади».

Кўп нарсаларни билолмади, лекин кўп нарсаларни била олди ҳам, билолгани учун билмагани тўғрисида гапиряпти, билганлари уни замонасидан бир поғона юксакликка кўтариб қўйди, давр тараққиёти даражасидан бир қадам олдинга силжитди, бир қадам илгарилаб кетишини таъминлади, ёзувчи қаҳрамон характеридаги мана шу илғорликни, мана шу даҳоликни мадҳ этади, улуғлайди.

Романда Улуғбекнинг мунажжимлик фаолияти тафсилотлари билан берилмайди, аммо қаҳрамоннинг коинот дарғаларидан бири бўлганлигини ёзувчи махсус изоҳларсиз доимо англатиб туради. Муаллиф Улуғбекнинг давлатни бошқаришдаги маҳорати, эзгу ишларни амалга оширгани, илм-фан соҳибларига раҳнамолик қилгани, шу билан бирга аҳён-аҳёнда ўринсиз қон тўккани, шафқатсизликларга йўл қўйгани, ноҳақликларга барҳам беролмагани хусусида ҳам сўзлайдики, бунга эътироз қилиш қийин. Бу ўринда кекса темирчи, уста Темур Самарқандийнинг бир сўзини эслаб ўтайлик: «Кўнглингизга келмасин, мавлоно, аммо уруш баҳона, бу амиру умаро кафангадо қилди-ку биз бечораларни. Жавр бўлганда биздай камбағал ҳунармандларга жавр бўлди...» Бироқ гоҳида қаҳрамоннинг даҳолиги, улуғворлиги кенг кўламда кўрсатилгану, унинг шафқатсизлиги тўғрисида камроқ айтилган, деган таассурот туғилиши ҳам мумкин. Лекин бу таассуротни бутунлай тўғри деб бўлмас. Ёзувчи асосан ҳақ: у тарихий ҳақиқат тақозоси билан Улуғбек характерида даҳолик ҳукмронлик қилган, деган нуқтани назардан келиб чиққан ва тўғри қилган.

Асарда яна икки образ ғоятда ёрқин, таъсирчан чиққан: бири Али Қушчи, иккинчиси Қаландар Қарноқий. Али Қушчи билан Қарноқий ака-ука, устоз-шогирддай бир-бирига яқин, биродар, қон-қардош: иккаласи ҳам илм-фанга, маърифатга меҳр қўйган, лекин бу меҳр-муҳаббат икки хил синовдан ўтади. Али Қушчи ҳатто ўз шахсий бахтидан воз кечиб, бор-йўғини, бутун вужуди, куч-қудратини тафаккур таянчасига бағишлайди, дунё сирла-

рини англашга қаратади. Қаландар Қарноқий эса бу даражагача кўтарила олмайди: жондан ортиқ кўрган севгилисига эришолмагач, тарки дунё қилади, қаландарчилик йўлида адолат излашга киришади, бироқ тезда бу ҳам янглиш йўл эканини тушунади, сўнгра илм-маърифатнинг чинакам ҳимоячисига, чинакам фидойисига айланади. Ёзувчи бу содадил камбағал йигитнинг сермашаққат ҳаётини бўлакча бир ҳамдардлик билан тасвирлайдики, унинг бошига тушган мусибатлари қалбингизда ўчмас из қолдиради. Жумладан, Қаландар Қарноқийнинг юксак эътиқод билан илм даргоҳига қадам ташлаши, таҳсил кўриши, шу аснода устози Мавлоно Муҳиддиннинг қизини яхши кўриб қолиши, соф, муқаддас севгисининг поймол қилиниши, сўнгра дарвешлик кўчасига кириши, ниҳоят замона зайлига мувофиқ яна тўғри йўлга тушиши кишини чуқур ҳаяжонга солади.

Али Қушчининг ҳаётида бундай драматик ҳодисалар йўқ, лекин Одил Ёқубов унинг ички кечинмалари, фикр-ўйларидаги зиддиятлари, қаҳрамонни ўраб олган оғир муҳитга шундай «пайвандлайди»ки, натижада чинакам ҳаётий драматизм вужудга келади. Бу кўпроқ Али Қушчининг устод Улуғбекка қўйган меҳр ва садоқатида, буюк мунажжимнинг меросига муносабатида намоён бўлади. Унинг Салоҳиддин Заргар билан тўқнашув сахнасини эслайлик: «Аммо сўз оддий дурдоналар — тилла ва жавоҳирлар тўғрисида эмас, илм жавоҳирлари тўғрисида борадур. Инсониятнинг энг дониш фарзандлари бунёд этган хазина устида борадур. Сизга маълумдир, устод Мирзо Улуғбек бу хазинани сал кам

қирқ йил йиғибдур. Фақир эса устод Мирзо Улуғбекнинг меҳр-саҳовати туфайли одам бўлганмен. Устоднинг нон-тузини, берган илмини унутган шогирд кўр бўлур, валломат. Бас! Камина ўз бошини асраб қолмоқ матлабда устоднинг раъйини қайтармоқдан кўра сиз айтган хурофот гулханида ёнмоқни афзал кўрамен!»

Муаллиф қаҳрамон сўзлаётганида «Али Қушчи ҳаяжонланиб, қулт этиб ютинди», деб изоҳ беради ва бу изоҳ унинг нақадар мураккаб вазиятда қолганини кўрсатиб турибди. Бу сахнада Али Қушчининг ўз аҳди, ўз сўзида қатъий турадиган ғоятда эътиқодли олим, кучли инсон эканлиги ишонарли қилиб тасвирланган. Зотан у қандай шароитга тушмасин, кимлар билан тўқнашмасин, ҳамма вақт дадил ҳаракат қилади. Чунончи, Улуғбек шоҳ билан мулоқотда бўлганда ҳам, Улуғбек — олим билан суҳбатлашганда ҳам ўз сўзидан қайтмайди, фикр-мулоҳазаларини рўйирост айтади, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам камситишга йўл қўймайди.

Ёзувчи қаҳрамон матонатини ҳаётдан узиб олган ҳолда кўрсатмайди, инсонга хос хусусиятларини ҳаддан ташқари бўрттириб юбормайди. Бу ҳолат Али Қушчи ҳибсга олиниб, зиндонга ташланганда янада яққолроқ кўрилади: «У кўзларини юмиб, тишини тишига босиб узоқ ўтирди, сўнг аста-секин ҳушини йиғиб, ўзини койишга тутинди: «Нечук тўлганасен, нечук ёш боладай бесабр, бетоқат бўласен, сенга не бўлди, Али? Ҳақ таолонинг синовларидан, бу мудҳиш ҳибсу зиндонлардан қўрқсанг, нечун устоднинг тилагига ризолик бердинг? Бошда, устод Қўқсаройга чақириб гар-

данинга бу хатарли юмушни юклаганида... нечук хўп дединг, нечук бир баҳона топиб, тойиб чиқмадинг? Ё шоҳзода Абдулатиф шайх Низомиддин Ҳомуш янглиғ бидъат ва хурофот маддоҳларининг қўлидаги бир чўқмор эканини билмас эдингму? Ўз падари покига қилич кўтарган бу мустабид ҳеч бир кимсага шафқат қилмаслигини, меҳру шафқатдан маҳрум бир махлуқ эканини билмас эдингму? Йўқ, билар эдинг!.. Бас! Бошда ҳаммасига ақлинг етиб туриб, бу хатарли юмушга бел боғлабсен, энди нечун титрайсен? Нечун телбаланиб, ўзингни у ёқдан бу ёққа отасен? Сабру тоқат ўрнига бошингни деворга уриб, фарёд қиласен?»

Айрим ўқувчилар, «Нега бир сўзли мард қаҳрамон бундай ўйларга боряпти? Нима учун аҳду паймонини бузишга мойиллик билдирыпти? Унинг иккиланишлари, шубҳаланишларидан хиёнат нафаси уфураётгани йўқми?» дейишлари мумкин, лекин бунга асос йўқ. Чунки, «Улуғбек хазинаси»да реалистик тасвир принципларига риоя қилинади, қаҳрамонларнинг ҳолати, ўсиш-ўзгариши объектив ҳақиқат нуқтаи назаридан танқид этилади, объектив ҳақиқат эса ҳеч қачон факт ҳодисаларни силлиқлаштиришга, чучмаллаштиришга йўл бермайди. Бинобарин, Али Қушчининг қийинчиликлар олдида бир оз эсанкираши, ҳадиксираши, ҳатто қўрқиши унинг катта жасорат кўрсатган инсон эканлигини йўққа чиқармайди, аксинча, унга нисбатан китобхонда ишонч ва ҳурмат туйғуларини уйғотади.

Қаландар Қарноқий эса дастлаб турмуш зарбалари олдида ўзини бутунлай йўқотиб қўяди, тушкунликка тушади, ҳаёт лаззатларидан воз кечиб, жонини худо йўлига тикади,

гуноҳларга ботиб қолган мажруҳдай сезади ўзини, сўнгра аста-секин ўзига келади, турмушини изга солади, «мангуликча тирик»ларнинг ҳимоячилари, тарафдорлари сафидан ўрин олади, шу билан Али Қушчига, Улуғбекка яқинлашади.

Романдаги мураккаб образлардан бири Мавлоно Муҳиддиндир. Устоз Улуғбекдан кўп яхшилик кўрган, унинг даврида шон-шўҳрат қозонган бу қобилиятли олим вазият кескинлашганда ўз эътиқодини ҳимоя қилолмайди, жонини сақлаш учун хиёнаткорликка ўтади, эзгу ишларидан, илмий топишмаларидан, ҳатто суюкли устои Улуғбекдан юз ўгиради, қўлини ювиб қўлтиққа уради.

Айтайлик, Улуғбек ва Али Қушчини «мангуликча тирик»лар деб ардоқлаймиз, Қаландар Қарноқийлар ҳам «мангуликча тирик»ларга ҳамнафас бўлганлиги учун ҳурматга сазовордир, лекин Мавлоно Муҳиддинни қандай таърифлаш мумкин?

Ёзувчи инсон ҳаётининг чигалликлари, зиддиятларини тарихий тараққиётнинг диалектик қонунларига кўра талқин этиб, гоҳида бу борада қатъий фикр, қатъий мулоҳаза айтиш, қатъий баҳо бериш, узил-кесил ҳукм-хулоса чиқариш мумкин эмаслигини кўрсатади, Мавлоно Муҳиддин характери бу фикрнинг конкрет кўриниши, конкрет мисоли сифатида гавдаланади.

Балки Мавлоно Муҳиддинларни «чала ўлик, чала тирик» деб аташ маъқулроқдир?

Менимча, шундай деб аташ мақсадга мувофиқдир. Улар ўйлаб чиқарилмаган, ҳаётдан олинган типлардир. Борди-ю, аксинча бўлганида «тиригида ўлик»лар тезда барҳам топар-

ди, эл-юртга офат келтиролмасди. Ахир, Абдулатифнинг падаркуш даражасига етишида уларнинг ҳам «хиссаси» бор-ку?! Абдулатифга ўхшаш «тиригида ўлик»лар «мангуликча тирик»лар билан курашганда Мавлоно Муҳиддин каби «чала ўлик, чала тирик»ларга суянмаса, ҳеч қачон ғолиб чиқолмаслиги турган гап-ку?!

Одил Ёқубов қаҳрамонларнинг — хоҳ салбий бўлсин, хоҳ ижобий — муайян шарт-шароитда камолга келиши, уларнинг яшаш учун кураши ижтимоий тараққиёт тақозосига мувофиқ юз беришини унутмайди. Образларга бадий бўёқни ҳаёт ҳақиқати асосида «тақсимлайди».

Бу жиҳатдан асардаги «тиригида ўлик»ларнинг энг йирик вакили Абдулатиф характери анча пухта ишланган. Ёзувчи унинг қонида мустабид бобоси янглиғ аёвсиз ҳокимлик ҳисси қайнаб турганлигини, тожу тахт учун ўз отасини ўлдиришдан ҳам тоймаслигини, айни чоқда шароитга қараб иш тутганлигини бутун тафсилотлари билан тасвирлайди. Хусусан «мангуликча тирик»ларга қарши курашда Абдулатифнинг инсонийлик қиёфасини йўқотганлиги, илм-маърифатдан хабардор бўлгани ҳолда жаҳолатга берилиб, мислсиз шафқатсизликлар қилгани ўқувчи қалбида чуқур нафрат уйғотади. Бироқ баъзан шундай таассурот туғиладики, Абдулатиф гўё фақат жонини сақлаш ниятида ҳаракат қилади, у давлатни бошқариш миқёсидаги катта муаммоларни ечишга қодир бўлмаган арзимас одамлардек мажруҳ ва нотавон туюлади, аслида эса шахзода ўзига хос йирик шахслардан биридирки, уни «майдалаштириш» ҳақиқатга хилофдир

деган шама «Улуғбек хазинаси»нинг ўзида аниқ ифодаланган.

Романда Улуғбекнинг ҳалокати, Абдулатифнинг ўлими ғоятда таъсирчан манзараларда чизилади, лекин буюк мунажжимнинг қатл этилиши юрагимиздан бир парча этни юлиб олгандай ачиштриса, падаркушнинг боши олинганда, «итга ит ўлими»деб юборгингиз келади. Зеро, асар икки хил ҳаёт, икки хил ўлим тўғрисида нақл қилади: кимки ҳаётини халқ манфаатига, эл-юрт равнақига бағишласа адолату ҳақиқат тантанасига сафарбар этса, у чинакам қаҳрамон бўлади, шон-шухрат қозонади, мардлик ва матонат тимсолига айланади, ўлими эса умумхалқ мотами бўлади, порлоқ хотира қолдиради, аксинча, фақат ўз бошининг ғамини еб, ўзгаларга, меҳнат аҳлига хиёнат қилиш билан кун кечирса, жаҳолат ҳам қабоҳат келтирса, унинг ўлими ҳатто ачиниш туйғуларини ҳам уйғотмайди, ўзи бадном бўлади.

«Улуғбек хазинаси» тўғрисида тагин нима-лар дейиш мумкин? Яна қандай илиқ сўзлар айтиб, қандай эътирозлар билдиришимиз лозим?

Роман кўпгина муҳим ижтимоий муаммоларни ўртага ташлайди, улардан бир қанчасининг бадий ечимини беради, бир қанчасини ўқувчилар диққатига ҳавола қилади. Улуғбек, Али Қушчи, Қаландар Қарноқий, Мавлоно Муҳиддин, Абдулатиф сингари аксари образлар анча таъсирчан, ёрқин бўлиб чиққан, Хилватий, Султон Жондор, шайх Низомиддин Ҳомуш каби баъзи иккинчи даражали образларнинг характерларидаги айрим нуқталар, айрим хусусиятлар етарли даражада

очилмагандай туюлади, асарнинг тилида ёзувчининг маҳорати намоиш қилинса ҳам гоҳида архаик сўзлардан меъёридан ортиқча фойдаланилгани, гоҳида муаллиф шарҳлари билан қаҳрамон нутқида фарқ сезилмай қолганини сезиш мумкин.

Эндиликда, «Улуғбек хазинаси»ни чуқурроқ тадқиқ этиб, унинг фазилатлари, айрич қусурларини кенг қўламда ёритиб берадиган илмий асарлар пайдо бўлса ажаб эмас. Зеро бу асар баркамол илмий кузатишлар, илмий хулосалар, фикрлар «жанги» учун бой материал беради.

Ижодкор доим ўсишда, ўзгаришда бўлади, унинг изланишлари узлуксиз давом этади, бироқ миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга айланиши баъзан секинлик билан рўй беради. Аниқроғи, гоҳида катта юксакликлар забт этилса, гоҳида фақат юксакликларни эгаллашга тайёргарлик кўрилади, ижодий машқлар амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда Одил Ёқубов фаолиятида бир қанча жиддий ижодий босқичларни босиб ўтди. Бу «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади», «Улуғбек хазинаси» ва ниҳоят, биз энди фикр юритмоқчи бўлган «Диёнат» асарларида яққол кўринади.

ШИДДАТГА ШИДДАТ ҚУШИЛАДИ

Ҳар кимда ўзига яраша шиддат бўлади, лекин у хилма-хил салмоқ, ранг-баранг мазмун касб этиб, турли хил йўсинда ўзлигини намоиш қилади. Зотан шиддатсиз ҳис-туйғусиз одам ҳеч қачон чинакам баркамолликка эришолмайди. Дарвоқе, ишқ — бу аланга, бу олов,

бу мавж, бу шиддат демакдир, деб онг урган шоирларимиз минг карра ҳақ! Лекин ҳаммамиз ҳам табиат ато қилган шиддатдан унумли фойдаланяпмизми? Уни меҳнатимизда, интилиш-изланишларимизда, курашларимизда кўз-кўз қилоляпмизми?

Саволларга аниқроқ, ёрқинроқ жавоблар топиш ниятида Абдулла Ориповнинг мана бу сатрларига мурожаат этамиз:

Учмоқда! Қаерга? Чўққига! Нечун?
Бургутнинг шиддатин уйғотган нима?
Бўронли даргоҳда не кутар уни,
Қудратли қанотин қўзғатган нима?

Ўйноқи шамоллар ила басма бас,
Ана, қўнди бургут энг юксак жойга!
Чўққи узра мағрур турди-ю бирпас,
Яна бўрон мисол қўзғалди, қайга?..

Ана шиддату мана шиддат! Унинг олдида ўйноқи шамоллар ҳам, даҳшатли бўронлар ҳам ҳеч гап эмас! Бироқ зўр қудрат, зўр ҳаракат ўз-ўзидан наф келтиравермайди. Шунинг учун шоир баралла хитоб қилади: «Ахир, не бўларди берсанг, табиат, шу буюк шиддатга яраша мақсад?»

Йўқ, бу шунчаки хитоб эмас, балки қалб тўридан отилиб чиққан шиддатли нидо бўлиб, янги фикрлар тўлқинини ҳосил қилади: заҳматкаш юртимизнинг асл фарзандлари бутун куч-қудрати, шиддатини эзгулик кашф этишга сарфляпти, бироқ баъзи ноқобил шахслар Абдулла Орипов шеъридаги бургутдай ўзларини гоҳ ўтга, гоҳ сувга уриб юриб, гайрати,

шижоатини халқ манфаатига йўналтиролма-
ётганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку! Ҳолбуки, ин-
сон эзгулик учун туғилган, эзгулик яратиш
учун туғилган. Шунинг учун у Максим Горь-
кий таъбири билан айтганда, «Инсон номи
мағрур жаранглайди!» Лекин ҳаёт мураккаб-
лигига диққат қилинг: ким эзгулик яратмай-
ман, мағрур жарангламайман, деб ўйлайди?
Ҳеч ким! Аммо кўпчилигимизнинг ўйларимиз,
хаёлларимиз, орзуларимиз хатти-ҳаракатлари-
мизга, фаолиятимизга, кураш-интилишлари-
мизга ҳамма вақт монанд келавермайди-да!

Коммунистик эътиқод билан қуролланган
ҳақиқий истеъдод эгалари сингари Одил Ёқу-
бов ўзининг деярли барча асарларида мана
шу номонандлик, номутаносибликнинг ижти-
мой моҳиятини ёритиш мақсадида хилма-
хил, ранг-баранг бадиий типлар, ҳаётий образ-
лар, мураккаб характерлар яратиб, социалис-
тик реализмнинг беқиёс қудратини намойиш
қилиш йўлида шиддат билан қалам тебрат-
моқдаки, бу унинг «Диёнат» романида очиқ-
ойдин кўринади.

Шунинг учун очиқ-ойдин кўринадики, маз-
кур асар кучли туйғулар, эҳтиросли фикрлар,
ўткир ғоялар шиддати билан мавжланиб,
қалблардаги шиддатни авж олдиради, ўзи ҳам,
воқеалари ҳам, қаҳрамонлари ҳам табиий
шиддат руҳига йўғрилган. Аниқроғи, «Диё-
нат»да тинимсиз изланиш-интилишлар, кураш-
лар билан нафас олаётган замондошларимиз-
ни учратамиз, уларнинг қувончлари, ғам-алам-
лари, зафарлари-ю, муваффақиятсизликларига
шерик бўламиз. Айниқса, Отақўзи билан
Нормурод Шомуродов олишуви, тўқнашув-
тортишуви бутун вужудимизни қамраб олади,

Ахир, ҳар иккаласида бургут қудрати-ю, бур-
гут шижоати жўш уриб туради-ку! Ҳар иккала-
си ҳам ҳаёт юксакликларини кўзлаб, фикрлар,
ғоялар, туйғуларнинг чексиз-чегарасиз залвор-
ли уфқларида парвоз этади-ку!

Хуллас, бир-бирига муносиб рақиблар! Ра-
қиблар! Йўқ, бу сўз қаҳрамонлар муносабати
моҳиятини очиб беролмайди. Отақўзи ва Нор-
мурод Шомуродов, авваламбор, бир-бирига
яқин қариндош, бири жиян, бири тоға. Яна
шунчаки тоға-жиянларгина эмас, балки ота-
боладай жуда яқин бўлиб кетган одамлар.
Улардан бири — тоға — машҳур олим, кекса
инқилобчи, совет ҳокимиятини ўрнатишда, мус-
таҳкамлашда бевосита иштирок этган, кураш-
ган, ёшини яшаб, ошини ошаб, гўрининг оғзи
кўриниб қолганда ҳам эътиқодида мустаҳкам
турадиган инсон, иккинчиси кучга тўлишган
истеъдодли раҳбар, колхоз раиси, уддабурро
мутахассис, жон-қолини халқ манфаати йўлига
тиккан, бироқ ишбилармонлигига маҳлиё бў-
либ кетиб, аҳён-аҳёнда диёнату виждонга қу-
лоқ солмайдиган ёки адолатга зид борадиган
мураккаб характерли бақувват, йирик шахс.

Очигини айтайлик: қаҳрамонларнинг бу
тарздаги тавсифи уларнинг асл қиёфасида, ру-
ҳи, қалби, ақлида мужассамлашган мазмунни
тўла ва мукамал кўрсатолмайди. Ёзувчи
шунга эришганки, Отақўзида ҳам, Нормурод
Шомуродовда ҳам ҳар хил ижобий хислатлар,
мураккаб туйғулар, салбий ҳолатлар бир-бир-
лари билан табиий суратда ҳаётнинг ўзидаги-
дай қоришиб, қўшилишиб, бирлашиб кетган ва
баъзан уларда мусбат ва манфий хусусиятлар-
нинг қандай қилиб туғилгани ёки барҳам то-
пиб кетганини англай олмай қолишингиз ҳеч

тап эмас. Тўғри, бу мулоҳазалар кўпроқ Отақўзига тегишли. Нормурод Шомуродов эса аксари ҳолларда заҳматкаш халқимизнинг энг яхши фазилатларини ўзига жо қилган ажойиб сиймо тарзида гавдаланади. Аммо у ёзувчи фикрларини ўқувчиларга етказиб берувчи воситачи эмас, балки ўз эътиқоди, ўз дунёқарашига мувофиқ яшовчи, ҳаракат қилувчи жонли, реал шахс сифатида намоён бўлади. Шунга қарамасдан Отақўзи образи ёрқинроқ, кўламлироқ, чуқурроқ, ҳаётийроқ бўлиб чиққанки, бу табиий ҳолдир. Ахир, романдаги эпик тафаккурни яратувчи, ҳаракатга келтирувчи барча кучлар, воситалар ҳам, ёзувчи диққат маркази ҳам — барча-барчаси Отақўзига уланган, Отақўзига боғланган-ку! Нима тўғрисида сўз очилмасин, қандай масала кўтарилмасин ҳаммаси Отақўзи билан бошланиб, Отақўзи билан якунланади, сюжет «ўқи» ҳам, композиция тузилиши, услуб ҳам ўша образ дунёсини ёритишга хизмат қилади. Зотан бадияят талаблари ҳам, ҳаёт тараққиёти ҳам шунга мос тушади, вазиятнинг бошқача бўлиши ижтимоий муаммоларни санъаткорона тадқиқ этишга қулай имкон туғдирмасди.

Бадияят талаблари деганда биз шуни назарда тутамизки, асар ғоясини чуқур ёритиш учун талаб қилинган барча воқеалар, фикрлар, туйғулар, кузатишлар, тафсилотлар бир нуқтага йиғиб берилиши керак, Отақўзи эса мана шу нуқта вазифасини ўтайди.

Ҳаёт тараққиёти тақозоси деганда шуни англаймизки, роман воқеаларининг иштирокчилари қилиб олинган шахслар ҳам, китобхонлар ҳам шиддатли, жонли, реал туйғулар, ке-

чинмалар, ҳаққоний мулоҳазалар дунёсида яшайди, курашади.

«Диёнат»да мана шу икки омил — ҳаётийлик ва бадийлик бир-бирига моҳирона қўшиб олиб борилгани туфайли Отақўзи қалбларни тўлқинлантирадиган баркамол бадий тип даражасига кўтарилган. Йўқ, шунчаки тўлқинлантирибгина қолмайди. Гоҳида инсоний савати билан дилларни хушнуд этади, гоҳида раҳбарлик истеъдоди билан, топқирлиги, удабурролиги, ишбилармонлиги билан самимий хурмату муҳаббатимизни қозонади, гоҳида ғайритабиий хатти-ҳаракатлари билан кўнглимизни ғаш қилади, ранжитади, гоҳида диёнатини йўқотган кимсалардай иш олиб бориб нафратимизни қўзғайди, гоҳида... Эҳ-ҳе, унинг шахсияти, фаолияти, интилиш-изланишлари, курашларидан келиб чиқадиган ғоятда зиддиятли, қарама-қарши, мураккаб мулоҳазалар, туйғулар, ҳислар оқимининг моҳиятини англаш осон эмас ва мана шу оқим асарнинг биринчи саҳифалариданоқ бизни ўзига жалб қилиб, тортиб олади-да, то қаҳрамон билан сўнгги бор учрашувлардан кейин ҳам қўйиб юбормайди, вужудимизни, қалбимизни гўё забт этиб, ўз мулкига, ўз оламига, ўз ҳаракат, фаолият майдонига айлантиргандай таассурот туғилади.

«Диёнат»нинг бошидаёқ мана шундай вазият пайдо бўлади: «Отақўзи миллионер раисларга хос виқор ва дабаба билан қўққисдан «бостириб» келди. Домла Шомуродов машина овозини эшитиб, кўчага чиққанида дарвоза олдида бири оқ, бири ҳаворанг иккита «Волга» қатор турарди. Кетма-кет «Газик» келиб тўхтади.»

Дастлаб қаҳрамоннинг виқори, дабдабаси бир оз оғирроқ ботади, яхши ҳазм бўла қолмайди китобхонга, бироқ кейин Отақўзи тоғаси Нормурод Шомуродовнинг чин инсон, ҳақиқий олим, принципиал ва жанговор курашчи, ҳалол сиймо эканлигини оғзидан бол томиб гапирганда, ёниб-куйиб, бутун вужуди билан ғурурланиб сўзлаганда унга меҳримиз, иззат-ҳурматимиз ошиб кетади: «Умуман тоға-жиянлар бир-бирини дилдан яхши кўришса ҳам бу меҳроқибатни ҳеч қачон ошкор қилишмас, аксинча бир-бирини сал чандиб туришга одатланган. Лекин ҳозир негадир, эҳтимол, сўнгги пайтларда мақтов ва улуғлашларга ўрганиб қолгани учундир, тоғасининг қочириқ-учириқлари Отақўзига малол келди».

Энди бир-бирларини чандиб туришмас, қочириқ-учириқлар қилишмас, балки даҳанаки жангларга киришади, жиддий тўқнашувларга боришиб, ўзларининг ким эканлигини намоён эта бошлайди.

Мана ўша жанглардан бири: «Нега энди мен... қариган чоғимда... сенинг ўғлингни деб, ўз виждоним... виждонимга қарши иш тутар эканман?»

Отақўзи қўлларини столга тираб, бутун гавдаси билан олдинга энгашди:

— Сиз... нима деяпсиз ўзи? Сизнинг виждонингиз қийналадиган нима иш қилди менинг ўғлим? Ё одамхўрликни тарғиб қиляптими ўз диссертациясида?»

Бу олишувнинг асоси жуда табиий, салмоқли ва муҳим мазмун касб этади. Гап шундаки, Отақўзи тоғасидан кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилаётган ўғлини қўллаб-қувватлашни кутяпти, Нормурод Шомуродов эса бу

диссертация билан танишиб, унинг ҳали баркамол иш даражасига кўтарилмаганини, онда нотўғри фикрлар илгари сурилиб, тузи ошиб кетган шўрли сувлардан фойдаланишни тарғиб этганини вужуди, виждони билан ҳис қилади, тушунади, тушуниб, ҳис қилиб турган адолатсизликни ёқлаш бундан ҳам даҳшатлироқ адолатсизлик бўлиб чиқишини яхши билади. Шунинг учун ёш олим ўз жигарининг фарзанди бўлишига қарамасдан унга ён босолмайди, бироқ қарши боришдан ҳам ўзини тияди, халақит бермай қўяқолай, кейин ўзи тушуниб олар, деган ўйга боради. Отақўзи эса илмий ҳақиқатнинг голиб чиқиши ёки мағлуб бўлиши билан қизиқмайди, бунда виждон, қалб, диёнат катта аҳамият касб этишини назар-писанд қилмайди. Тўғри, адолат, виждон, диёнат фанга бевосита алоқадор эканлигини билади, аммо ўғли, жигаргўшаси, фарзандининг обрўси, мавқеини ҳар қандай ҳақиқатдан, диёнатдан юқори қўяди.

Ёзувчи қаҳрамоннинг бундай кайфиятини рўйи-рост кўрсатар экан, унинг бу борада ҳақ эмаслигини алоҳида таъкидлайди, Нормурод Шомуродовга нисбатан ўқувчининг меҳри товланиб, иззат-ҳурмати ошиб кетишини таъминлайди. Ахир, у ўз жигарбанди деб ҳам диёнатига хиёнат қилмайди! Бунга чин қалбимиздан офарин деймиз, гап шундаки, ҳозир чинакам олим бўлишни эмас, балки унвон, даража олишни удумга айлантириб юборганлар кўпайиб боряпти, амалда, ҳаётда ҳам уларга йўл очиляпти, бу эса ҳақиқий истеъдодларнинг рўёбга чиқишини қийинлаштиради, ҳатто баъзан уларнинг ҳалокатини таъминлайди. Яна шуни-си даҳшатлики, ўша шахслар вазиятнинг бун-

дай йўналишга келиб тақалишини, фожиаларни келтириб чиқаришини ўйламайди, лекин ютқизмайди, ютади, ниятларини амалга оширади. Қаранг-а, қораланиши лозим бўлганлар, фош этилиши зарур бўлганлар оқибат-натига да ғолиб чиқяпти Тўғрику-я, лекин улар ҳукмрон мавқега эга эмас, жамиятимизнинг маънавий-мафкуравий йўлини белгиламайди, деб ўзимизга таскин беришимиз мумкин ва шундай бўляпти ҳам.

Ўз-ўзига таскин бериб юрганлар ёки кўриб кўрмаган, билиб билмагандай бўлиб юрганлар орасида Отақўзи ҳам бор. Нормурод Шомуродов мана шуниси билан келишолмайди, шунисига бефарқ қарай олмайди, шунисини ҳазм қилолмайди. Энг муҳими, ҳазм қилолмай, келишолмай, кўниколмай жимиб кетаверишга, четда томошабин бўлиб кузатиб туришга виждони, қалби йўл қўймайди. Пировардида тўқнашувлар тўқнашувларга, олишувлар олишувларга уланиб кетади, драматизм кучайиб таранг тортиб боради ва тўқнашувлар, олишувларда нимаики иштирок этса, барчаси бир лаҳза тўхтаб турмайдиган узлуксиз давом этувчи шиддат билан ҳаракат қилади.

Тоға-жиян ўртасидаги биринчи жиддий «жанг»да ҳар иккала томон ҳам енгилмайди, аммо ғалаба ҳам қозонмайди. Битта нуқта қўйилади, холос. Бу нуқтанинг моҳияти шундан иборатки, Отақўзи тоғасини тарк этади, ундан бутунлай юз ўгирадиган даражада хафа бўлади. Бироқ хафа бўлиши ўринлими?

Ёзувчи бу саволга жавоб беришга шошилмайди. У қаҳрамонлар дилида, онгида, ички дунёсида рўй берган ўзгаришлар, хилма-хил тўнтаришлар оқимини кузатишда давом этиб,

диққатимизнинг Нормурод Шомуродовга, унинг жуфти ҳалоли Гулсара аяга қаратади.

«Принсипал бўламан деб, ҳаммадан айрилиб, бир уйда бир ўзимиз сўппайиб қолдик-ку, домлажон?»— деб Гулсара ая Нормурод отани «чақиб» олгандан кейин мана шундай вазият вужудга келади: «Бўлди! Бас!— Нормурод Шомуродов гурзидек мушти билан столни гурсиллатиб урди. Кенг юзига қон тепиб, кўзлари ваҳимали чақчайиб кетди: камшир унинг нозик туйғуларига ниш урганди.— Гапирма дегандим сенга бу гапларни! Падарига лаънат унақа... тўғри гапга тескари бўладиган туғишганларни! Қозилашган қариндош бўлмас, деб... керак эмас менга унақа ўз жиғилдонини деб қозилашиб юрадиган... нопоклар!»

Кўринаяптики, Отақўзи нопоклар қаторига ўтказиб қўйилди, лекин Нормурод Шомуродов унинг шунчаки нопок эмаслигини яхши билади, жаҳл устида жиянига шундай таъриф беряпти, аслида тоға миллионер раис фақат нопоклиги билан ном чиқармаганидан хабардор. Йўқ, унда салбий хусусиятлар билан олижаноблик, ҳалоллик, ишбилармонлик, дадиллик, мардлик қўшилиб, қоришиб кетганлиги учун куйиб ёнади, эзилади, дард чекади: «Домла эшикни қарсиллатиб ёпди-да, боши айлангандай бўлиб, деворга суянди... домла аъзойи бадани бўшашиб, ўзини креслога ташлади».

Тоға фақат жиянига, жиянининг ўғлига қайишмагани учунгина шундай ҳолатга тушаётгани йўқ. Ҳаёт тақозосига кўра вазият жуда чигаллашиб, мураккаблашиб кетган. Ёзувчи қаҳрамонлар муносабат-муомалаларининг доимо шиддатли тўқнашувларга келиб тақалишини кучли, ҳаётий, табиий исбот-далиллар орқа-

ли кўрсатади. Мана шу исбот-далиллар ғоятда бегубор, самимий, айни чоқда жуда чигал, мураккаб воқеалардан ташкил топгани туфайли бизнинг ишончимизни қозонади, вужудимизни хилма-хил туйғулар, кечинмаларга тўлдиради, қаҳрамонлар билан ҳамдарду ҳамнафас бўлишга олиб келади.

Нормурод Шомуродов ўз виждонига қарши бориб, жиянининг ўғлини қўллаб-қувватлагани, номигагина фан кандидати бўлишни қоралагани, нотўғри илмий йўналишга қўшилгани тақдирлашга лойиқ, аммо қаҳрамонимиз тақдирлашимизни кутмайди, аксинча, ғам-аламлар қаърига тушиб қолади.

Аввало, жиянига, жиянининг ўғлига ёрдам қўлини чўзолмагани учун ўзини қўярга жой тополмайди, тинчини йўқотади. Лекин дард устига чипқон чиқди, деганларидек, бундай кўнгилсизлик бошқа кўнгилсизликлар билан улашиб кетиб, қаҳрамоннинг дил ярасини авж олдириб, кучайтириб, оғирлаштириб юборади. Ахир, кўзининг бирдан бир оқу қораси бўлган ёлғиз фарзандининг Улуғ Ватан урушида мардларча жанг қилиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлиб, ота-она бағрига қайтиб келолмагани, бевақт, шафқатсиз ажалга учрагани, сўнгра бўлғуси келини — гўзал қизни бир нокаснинг бадном этгани, пировардида мана бу бадномлик натижасида дунёга келган қизга жиянининг ўғли, жиянининг қизи ўша аёлнинг ўғлига қўшилиб, оила қураётгани Нормурод Шомуродовга, унинг хотини Гулсара аяга ҳам игнадек ботмайдими, бутун вужуди, виждонини ларзага келтирмайдими!

Яна шунисидан мамнун бўласанки, бу воқеалар ривожини ижтимоий тараққиётга, ҳаётга,

объектив ҳақиқатга монандлаштирилган ҳолда тасвирланади. Зўрма-зўракиликка, сунъийликка йўл қўйилмайди, қаҳрамонлар жонли, реал, ҳаққоний турмуш муҳитидан ажратиб олинмайди, улар муаллиф «буйруғи»га истаги, хоҳишига кўра эмас, балки ҳаётининг зарурат асосида, ижтимоий тараққиёт тақозосига мувофиқ ҳаракат қилади. Эътибор беринг: Отақўзи ўз истаги, ўз хоҳишига кўра тоғасининг ярасини янгилаш учун Фазилатхон (сўқир тақдир тақозосига кўра Шомуродовга келин бўлолмай қолган аёл) билан, уни бир пайтлари бадном қилган ўша аёлни авраб-алдаб, бошини айлантириб, норасмий турмуш қурган, ўғил ва қиз орттирган Бўрибоев билан, йигирманчи-ўттинчи йилларда Нормурод Шомуродовнинг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги илмий хулосаларига тиш-тирноғи билан қарши чиқиб, уни узлуксиз равишда татқиб қилган, кейинги пайтларда қандайдир йўллардан бориб, қандайдир воситаларни ишга солиб фан доктори бўлган, дастлабки ниқобларини юлиб олиб ташлаб, янги ниқоб кийиб юрган Миробидов билан оғиз-бурун ўпишмайди. Бунга уни ҳаёт мажбур қиляпти. Фазилат Отақўзининг колхозида яшайди, шунга кўра унинг ўғли билан раиснинг қизи, қизи билан раиснинг ўғли топишиб, бир-бирларини ёқтиришиб, севишиб қолишади. Тўғри, ёзувчи уларнинг, Ҳайдар ва Латофат, Қодир во Тоҳиранинг, бўлғуси келин-куёвларнинг муносабатларини бутун нозиклиги, назокати, латофати, мураккабликлари, қийинчиликлари билан ҳаётнинг табиий оқимидай кўрсатолган, деб барала айтолмаймиз. Негаки, баъзан улар ўз хоҳишларидан кўра муаллиф истагига мувофиқ ҳаракат қилгандай бў-

лади. Чунончи, дастлаб Латофат Ҳайдарга рўйхушлик бермайди, раиснинг ўғли бўлганинг учун мени мажбур қилиб ўзингга хотинликка олмоқчисан, деб рўйи-рост айтади, тап тортиб ўтирмайди, аммо муайян вақт ўтгандан сўнг ўзи севиб қолди, деган фикр ўртага ташланадики, мана шу фикр етарли даражада асосланмаган. Аммо ҳар иккала персонаж роман сюжети, конфликтини ҳаракатга келтирувчи куч бўлмагани туфайли улар ҳаёти тасвиридаги номутаносиблик (сунъийлик, юзакиликдан келиб чиққан) чиройли кўйлакка қўпол суратда ёпиштирилган ямоқдай хунук кўриниб турмайди. Бир оз таъбингни хира қилади-ю, сўнгра асосий воқеалар тасвиридаги табиийлик, ҳаққонийлик билан «ювиб» кетилади. Борди-ю, Отақўзининг фаолиятини ёритишга қаратилган воқеалар, фактлар ифодасида қандайдир зўрма-зўракилик, сунъийликка йўл қўйилса, «Диёнат»нинг ҳозирги ҳолатдагидек катта бадний-ғоявий куч-қудрат билан жаранглаши амримаҳол эди. Хайриятки, Одил Ёқубов қунт, сабр-чидам билан, беҳад изланиш-интилишлар билан бу борада ҳаётийликни таъминлайди, Отақўзи хатти-ҳаракатлари, кечинмаларининг ўқувчиларда заррача шубҳа, ишончсизлик туғдирмасликка эришади. Зотан у Отақўзининг раис сифатида ўнлаб ҳар хил тоифадаги одамлар билан мулоқотга, муомалага киришишини билади, бироқ ҳаммасига эмас, балки айримларигагина диққатимизни жалб этади. Жалб этганда ҳам ҳар қандай тасодифлардан қочиб, фақат ҳаётий заруратга суянади, турмуш оқимига жиддий эътибор беради.

Романдаги барча тўқнашув-тортишувлар-

нинг бир учи Отақўзига, иккинчиси Нормурод Шомуродовга боғланади-ю, бошқа қаҳрамонлар эса конфликтнинг авжини оширишга хизмат қиладиган туртки беришдан нарига ўтишмайди, тоға-жиан характерларининг у ёки бу қиррасини ёритишда муҳим восита бўлиб хизмат қилишади. Муҳим восита бўлиб хизмат қиладиганликларининг боиси шундаки, уларнинг деярли барчасида ўзимизнинг ўйларимиздан, ўзимизнинг кечинмаларимиздан нимадир мавжудлигини кўрамиз, замондошларимизга хос хусусиятлардан нималарнидир гавдалантирганига, жонлантирганига гувоҳ бўламиз. Натижада улардаги фазилатлар бизни қувонтиради, салбий ҳолатлар, нуқсонлар курашга даъват этади, қаердаки манфий хусусият бўлса, барчасини илдизи билан йўқотишга чорлайди, ўзимизнинг онгимизни ўстиришга, ақлимизни чархлашга, маънавий баркамолликни эгаллашимизга ундайди. Лекин бу кайфиятнинг туғилиши ҳам, ривожланиши ҳам, мустаҳкамланиб, ҳукмрон мавқени эгаллаши ҳам биринчи галда Отақўзига бориб тақалади. Натижада у асарда ягона, етакчи ғоявий-бадний марказ вазифасини ўтайдиган образ даражасига кўтарилиши керак эдики, ёзувчи мана шу нуқтан назардан келиб чиқиб Отақўзи характерининг хилма-хил, ранг-баранг, мураккаб қирраларини очишга алоҳида эътибор беради.

Қайси бир қаҳрамон хурсанд бўлмасин, бахт нашъасини сурмасин ёки дард чекмасин, эзилмасин, ғам-аламлар дарёсига «ғарқ» бўлмасин, оқибатда бу манфий-мусбат туйғулар, ҳислар, кечинмалар миллионер раис кайфияти, ҳолати, психологияси, интилиш-изланишларига ҳамоҳанглик, муштарақлик касб эта-

ди. Айниқса, Нормурод Шомуродовда шундай бўлади. Негаки, у моҳият-этибори билан романнинг ғоявий-бадий мавқеини белгилашда Отақўзи сингари масъулиятли ва муҳим ўрин тутати. Тоғанинг жиян билан олишуви, тортишуви бир лаҳза тўхтамайди-да, ахир! Улар хатти-ҳаракатлари, ўйлари, ишларининг шиддати-чи? Иккала яқин қариндошнинг гоҳ рақиб, гоҳ иттифоқчи, гоҳ бир-бирларини ардоқловчи, гоҳ бир-бирларига нафрату ғазабларини изҳор қилувчи шахслар сифатида гавдалантирилиши-чи?

Нормурод Шомуродов Ҳайдарнинг фан кандидати бўлишига кўмаклашишдан бош тортганда Отақўзи ундан юз ўгириб, қўлини ювиб қўлтиққа уриб кетганда қаттиқ азият чеккан эди, аммо айни замонда мамнунлик туйғуси пайдо бўлади: ахир, виждонан нотўғри деб билган ишга қўл урмади-ку!

Шунга қарамасдан Одил Ёқубов унинг диссертацияси ҳимоясига етиб борганини тасвирлайди. Бу мантиққа зид эмасми? Ахир, ҳимояга ёрдам беришдан бош тортган ва ўзининг бу қарорини одил, адолатли деб ҳисоблаган домланинг кейинги ҳаракати ғайритабиий-ку!

Вазиятга юзаки қараганда ғайритабиий бўлиб туюлиши мумкин. Аслида Нормурод Шомуродовнинг Ҳайдар ҳимоясида иштирок этиши ҳар томонлама асосланган.

Аввало шуки, жияни, жиянининг ўғлига домла фақат яқин қариндош қондош-жондош бўлганлиги туфайли меҳр қўйиши зарур эди ва бу заруратдан учаласи ҳам маҳрум этилган, лекин мазкур шахсларни бирлаштирувчи булардан муҳимроқ, салмоқлироқ омил мавжуд:

Ҳайдарда олимлик қобилияти мавжуд бўлиб, у она-Ерга самимий муҳаббат билан қарайди, тупроқ сирларини чуқур ўрганиш натижасида эл-юртга, халққа катта наф келтириш мумкинлигини англайди, ундаги бу хусусият, шубҳасизки, отасидан юққан, падари-бузрукворидан ўтган ва ҳар иккаласидаги мана шу фазилат Нормурод Шомуродовни ўзига тортади, ота-боладаги қандайдир кибру ҳаво, ўзларини бошқалардан юқори қўйиш, ўта мағрурланиш, мақсадга тўғри, ҳалол йўлдан эмас, балки номақбул, носоз воситалар орқали бориш эса унинг ғазабланиб, йўлбарсдек наъралар тортишига, тўлғанишига олиб келади, икки ўт орасида қоврилишига сабабчи бўлади.

Ёзувчи мураккаб фикрлар, қарама-қарши туйғулар оқимини тадқиқ этиб, қаҳрамон хатти-ҳаракатларининг табиий эканлигини тасдиқлайди. Ахир, жиянининг ўғли катта бир довондан ошмоқчи, олимликнинг биринчи, дастлабки босқичини эгалламоқчи-ку! Шундай пайтда тоға қўлини қовуштириб, олма пиш, оғзимга туш деб ўтираверадими?!

Хуллас, роман воқеаларининг ривожини, ҳаёт мантиғини Нормурод Шомуродовнинг Ҳайдар ҳимоясига боришини тақозо қилади, айни чоқда ҳимояда оғзига мум тишлаб, лом-лим демасдан ўтиролмаслигини ҳам кўрсатади. Бироқ гапирганда профессор нима дерди? Жиянининг ўғли деб Ҳайдарнинг хом-хатала бирёқлама фикрларини ёқлармиди? Борди-ю, ёқласа виждонига хилоф иш тутиб, диёнатига доғ туширмасмиди?

«Илмий ишнинг асосий хулосаларидан бири оқава сувлардан қайтадан фойдаланиш муаммоларига бағишланган, яъни бу сувлар...

минерал тузлар миқдори беш процентга чиққунча... уларни ишлатиш мумкин, деган якун ясалган... Бу сув, яъни беш процентгача минерал тузлари бўлган бу оқава сувлар ерга қандай таъсир этаркин? Демоқчиманки, ернинг шўрини баттар ошириб юбормасмикин? Масала шундаки... бу ерда келтирилган диаграммалар сал ноаниқ, мавҳумроқ эмасмикин?.. Халқимизда етти ўлчаб бир кес, деган гап бор! Худди шу муаммо, масалан, Америкада ҳам бор. Аммо уларда шундай қонун мавжудким, сувдаги минерал тузлар миқдори бир фоиздан ошса... бу сув ишлатилмаслиги лозим!»

Ҳайдарнинг ҳимоясида айтилган мана бу сўзлар Нормурод Шомуродовга тегишли. Қаранг: улар чертиб-чертиб кескин айтилмаяпти, аксинча, чўчиб-чўчиб, қандайдир ҳадиксираб айтиляпти, бироқ кекса олим виждонига, диёнатига хиёнат қилмаслик учун адолатли фикрини изҳор қиляпти. Мулойимлик, осойишталик, босиқлик билан изҳор қиляпти-ю, аммо бу босиқлик, осойишталик, мулойимлик тагида ғоятда жиддий, ўткир, принципаал йўсинда ифодаланаётган аччиқ ҳақиқат ётибди. Аччиқ ҳақиқатнинг моҳияти шундан иборатки, Ҳайдар илмий ишини ниҳоясига етказмаган, замонавий талаблар даражасидаги юксакликка кўтарилмаган ва пировардида унга анча-мунча олимлар қарши овоз беради. Йўқ, раиснинг ўғли ҳимояда йиқилмайди, муваффақиятсизликка учрамайди, лекин Нормурод Шомуродов нутқи унга жиндай зарба беради, дабдабали мақтовлар, «урра-урра»лардан маҳрум қилади, холос.

Тоғасининг касридан ўғлига доғ тушганини билган Отақўзи яна тўнни тескари кийиб

олади, қариндошчилик ипини бутунлай узиб, қўлини қўлтиғига ургандай бўлиб кетади, ғазаби, нафрати ортиб, Нормурод Шомуродовнигина эмас, балки ўз онасидай меҳрибон бўлиб қолган Гулсара аяни доғда қолдиради, ҳар иккаласидан юз ўгиради, Гулсара ая бу даҳшату надоматлар, ғам-аламларни кўтаролмасдан вафот этади.

Отақўзининг Гулсара аянинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитган пайтдаги ҳолати қалбимизни жунбушга келтирадиган даражада таъсирчан қилиб ифодаланган: «Мана, бу шумҳабар етиб келганига бир соатдан ошди, аммо хаёлидан ўша кунги машъум воқеалар чиқмайди, кўз олдидан ариқ бўйида райҳон чопиб ўтирган аянинг миттигина бўй-басти, ғам чўккан дардли кўзлари кетмайди. Бунга эслаши билан аянинг ўлимига гўё ўзи айбдордай бўлади-ю, юраги музлаб, бу фикрни жон-жаҳди билан ҳайдашга уринади, хаёлини бошқа нарсаларга чалғитмоқчи бўлади, лекин зум ўтмай ўйлари яна ўша сертикан сўқмоқларга бурилганини ўзиям сезмай қолади. Яхшиям ая ўша ерда, ўша дақиқада қулаб қолмабди! Балки шундай бўлгандир ҳам, балки у эшикни қарсиллатиб ёпгандаёқ йиқилиб тушгандиру, кейин касалхонада... Йўқ, йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас! Бошқа бир нарса бўлган унга. Кейинги пайтларда ая ўзи чарчаб қолган, ёлғизликдан эзилиб, ўғлини ўйлайвериб, адоий тамом бўлганди. У бўлса, Отақўзи бўлса, бутун заҳрини шу муштипар кампирга, бу бебақо дунёнинг ғам-ғуссасидан қадди дол бўп қолган шу кўнгли синиқ кампирга сочди! Ҳа, ўша куни яхши қилмади, Отақўзи! Авваламбор, тоғаси савол берганда залда йиғилган

барча илм аҳлининг юзига оёқ қўйиб, шартта туриб чиқиб кетди, кейин чолга аччиқ қилиб, одамлар орасида башарасига туфлагандан бешбаттар қилди! Рост, тоғасиям яхши қилмади. Минг тўғри, минг ҳаққўй бўлганда ҳам Ҳайдар етти ёт бегона эмас, ўз жигари-ку, ахир! Усадиган эл — бир-бирини ботирим дер, деган гап бор-ку, ахир? Аммо... лекин... падарига лаънат ўша диссертациянинг! Нима, ўғли Ҳайдар кандидат бўлмаса, осмон ағдарилиб, ерга тушармиди?»

Бир қарашда миллионер раисман, деб ўзига бино қўйган одамнинг шу тахлитда мулоҳаза юритиши, ўзининг яқин кишисининг бевақт ўлимида гуноҳи борлигини эътироф этиши, ҳар қандай илмдан, тўғрироғи, илмий даражадан инсонийликни юқори қўйиб, диёнатига даъвати-га мувофиқ иш кўриши мантиқсизлик бўлиб туюлиши мумкин, бироқ ёзувчи Отақўзидай мураккаб, кучли ва йирик, кенг миқёсли шахсда чинакам инсоф, виждон, адолат ҳам чуқур илдиз отганини ишонарли кўрсатади. Ўғлига ҳам, ўзига ҳам зарар етказган, ҳар иккаласини қўллаб-қувватламаган, ҳар қандай шароитда ҳалоллигини, адолатпарварлигини намоён қилган ва шу тариқа қариндошларини аяманган, уларга дашном берган тоғасини ая вафотидан кейин қишлоғига олиб бориб жойлаштирган, аяни ҳам иззат-икром билан дафн этган, барча маросимларини ўринлатиб ўтказган жиян тўғрисида бошқача фикр тугилиши мумкин эмас-ку, ахир!

Шу тахлитда иш қилган, одамгарчилик бурчини аъло даражада бажарган инсонга ихлосингиз ортади, унга меҳрингиз товланиб кетади, лекин Отақўзи айб-гуноҳларини адо-

латли ҳаракати билан ювиб, чинакам халқ қаҳрамонлари қаторига қўшиладими? Нормурод Шомуродов сингари ҳар қандай муҳитда ҳам виждонига қарши боролмайдиган, диёнатига хиёнат қилмайдиган ҳалол, мард, инсофли шахс даражасига кўтариладими?

Саволни бу тарзда кўндаланг қўйиш унчалик тўғри бўлмас. Негаки, асар воқеалари ривож, ҳаёт мантиғи, объектив ҳақиқат нимани тақозо қилса, ёзувчи шунга қараб қалам тебратиши керак. Айрим ижодкорларимиз эса салбий шахсларнинг тезда қайта тарбияланиб, тубдан ўзгариб, соф инсон, чинакам қаҳрамон бўлиб етишганини кўрсатишга шошиладилар. Оқибатда ҳаёт воқеаларининг ривожини ўз қонуниятларига, ўз мантиқ-эҳтиёжлари, талабларига эмас, балки ёзувчилар хоҳишига, истагига мослаштирилади, бундай мослашув эса шунчаки мослашув бўлиб қолаверади, у ҳаёт ҳақиқатга айланмайди.

Отақўзи ички дунёсида, кечинмалари, туйғулари, хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлар тасвирида сунъийликка, юзакиликка, зўрма-зўракиликка йўл қўйилмайди. Айни чоқда ёзувчи ўз қалбининг тўрида қаҳрамоннинг мантифий хусусиятлардан халос бўлиб, етук инсонлар сафидан мустаҳкам ўрин олишини хоҳлаганлигини билдириб қўяди, бироқ бу хоҳиш, бу туйғу характери ўз ҳаёт йўлидан четга чиқариб, янгича бурилишга олиб келолмайди. Олиб келганида эди, бизнинг қаҳрамонга ишончимиз йўқоларди. Ишонч йўқолгандан кейин ёзувчининг ҳар қандай ҳаракати барака келтирмайди, зафарли натижалар билан якунланмайди.

«Диёнат»нинг деярли барча персонажлари

ўз хатти-ҳаракатлари, ижтимоий ва интим фаолияти билан кишини ўзига ром қилиб олади, диққатимизни жалб этиб туради, нигоҳимиздан четда қолмайди, пиروвардида уларга гоҳ хайрихоҳ бўлишимиз, гоҳ нафратланишимиз таъминланади.

Хуллас, романда нимаки тилга олинмасин, барчаси бизни қизиқтиради, бефарқлик туйғусини пайдо қилмайди. Хусусан Отақўзи билан Нормурод Шомуродов бутун вужудимизни эгаллаб олиб, кучли драматик тебранишлар, олишув-тортишув тўлқинларини авжига чиқаради.

Тоға жуфти ҳалолидан, яккаю ягона суянчигидан, меҳрибонидан ажралиб, қишлоққа, жиянининг ҳузурига кўчиб келгандан кейин оз муддатгина «нафасни ростлаб олиш» даврини бошидан кечиради: ўзида ҳам, жиянида ҳам адолат, ҳақиқат, ҳалоллик туйғуси мавжудлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади, лекин бир оз вақт ўтгандан сўнг ўзи кўчириб олиб келинган ҳовлининг бошқа бир колхозчига тегишли эканлигини, ҳовли эгалари раисдан норози бўлиб юрганини сезади-да, ўзининг ниҳоятда бой, қимматли шахсий кутубхонаси билан Отақўзига айтмасданоқ мактабдан иккита бўш хона топиб, ўша ерга кўчиб ўтади.

Шу тариқа Отақўзи билан Нормурод Шомуродов олишув-тўқнашуви янги поғонага кўтарилади. Бу тўқнашув-олишувлар заррача силлиқлаштирилмасдан барча мураккабликлари билан рўйи рост кўрсатилади. Айниқса, уларнинг ижтимоий моҳиятини ёритишга алоҳида эътибор берилганини мамнуният билан қайд этиш керак. Зотан ёзувчининг ғоявий-бадний мақсади ҳам шундан иборатдир. Ахир,

иккала қариндош-уруғнинг, тоға-жияннинг «жанг»лари бошқаларга ибрат бўладиган маънони англатсагина муҳим салмоқ касб этади-ку! Дарвоқе, Нормурод Шомуродов ўз манфаати, ўз фойдаси учун жиянига қарши чиқмайди. Ахир, унга жияни қишлоқда яшаш учун қулай шарт-шароит яратиб берди-ку! Аммо бу илтифот кимнингдир қувончи, шодлиги, бахтини ўғирлаш ҳисобига келгани Нормурод Шомуродовни хурсанд қилолмайди. Бунинг устига Отақўзи Мингбулоқдай жуда ажиб, гўзал, антиқа жойда чорвачилик комплексини ўз ичига олган катта қурилишни бошлаб юборадик, оқибат-натигада кўпчиликнинг ғазаб-нафратини уйғотади. Ахир, Мингбулоқ беқиёс ва муқаддас табиат яратган мўъжиза-ку! Мўъжизани эса кўз қорачиғидай асраш, ҳимоя қилиш керак-ку! Отақўзи эса уни йўқотиб, ўрнига ҳар хил комбинатлар қурмоқчи ва бу юзак қарашда эзгуликдай бўлиб кўринади. Ахир, раис қишлоқ халқи учун, коллектив хўжалик учун кўп фойда келтиришини кўзлаб шундай қиялпти-ку!

Ҳа, Нормурод Шомуродов Мингбулоқда қуриладиган комплекс мўл-кўл иқтисодий наф келтиришига заррача шубҳаланмайди, аммо у табиат мўъжизаси бутун қишлоқ аҳлининг буғуни, эртаси, келажаги учун зўр аҳамият касб этишини тушунмаган, ҳис қилмаган жиянидан; тадбиркор, тажрибали колхоз раисидан хафа бўлади ва меҳнат ветеранлари билан бирга райкомга шикоятнома билан мурожаат этишдан тоймайди. Аниқроғи, ёзилган шикоятномага қўшилади, қандай қилиб имзо чекиб юборганини сезмай қолади.

Одил Ёқубов қаҳрамон руҳияти, дилида

кечган ўзгаришлар, бир-бирлари билан алма-
шиниб турган қарама-қарши туйғулар, мурак-
каб ҳислар оқимини асарнинг ғоявий асосига
монандлаштирилган ҳолда гавдалантиради,
шунга кўра биз Нормурод Шомуродовнинг
дард чекиши, эзилиши, иккиланишларини сез-
иб оламиз: тоға бир жиҳатдан жияни кўрсат-
ган илтифотлар, одамгарчилик, ҳалоллик би-
лан изоҳланадиган хатти-ҳаракатлардан мам-
нун бўлса, иккинчи жиҳатдан миллионер раис-
нинг қуюшқондан чиқиб кетиб, ҳамма жойда
фақат ўзининг айтгани, ўзининг деганини
амалга ошираётганидан газабланади. Газаб-
ланади-ю, бироқ жони ҳалқумига келади:
жигари шундай қияпти-ку, ахир?!

Бегона билан эмас, балки жигар, қон-қарин-
дош билан тўқнашув оғир кўчади, фавқулодда
кескин вазиятда ривожланади, романда мана
шу кескинлик, жиддийлик, оғирлик ижтимоий
тараққиётга бевосита боғланиб кетадиган пси-
хологик ҳолатлар тарзида талқин этилади, на-
тижада уларнинг таъсир кучи ортади, юрак-
ларни ҳам тўлқинлантиради, ҳам ларзага
солади. Тўғрироғи, қаҳрамонлар доимо тўлқин-
ланадилар, ҳаяжонланадилар, ларзага ту-
шадилар, туйғулари, фикрларини қамраб ол-
ган қаттиқ «жанг»ларни бошидан кечирадилар
ва ёзувчи шунга эришганки, булар бизга, ки-
тобхонларга «юқади», ақлу ҳушимизни забт
этиб, асир қилиб олади, вужудимизга сингиб
кетади.

Яна шуниси характерлики, романда ҳис-
ҳаяжон, эҳтирослар авжи тўқнашувлар кучай-
ган сари ошаборади, курашлар, олишувлар
шиддатига шиддат қўшилаверади. Айниқса,
Нормурод Шомуродов билан Отақўзи муноса-

батлари чигаллашиб, мураккаблашиб, таранг
тортилиб, ҳислар, туйғулар оқимида «порт-
лаш»лар ҳосил қилади, хилма-хил «ағдар-
тўнтариш»ларга олиб келади, «алғов-далғов-
лар» пайдо бўлишини таминлайди.

Оқибатда Отақўзининг кирдикорлари, қил-
мишлари, зимдан олиб борган қора ишлари
ошкор бўлиб қолганлиги ишонарли ҳўрсатил-
ган. Қолхоз ҳўжалигини кўтараман, миллио-
нер бўламан, шон-шўҳратга эришаман деб, у
бошқа ҳўжаликлар чекига тушган ўғитлар,
қурилиш материалларини эгри, носоз, адолат-
сиз йўллар орқали ўзлаштиради, Мингбулоқ-
да комплекс яратишга киришади, Нормурод
Шомуродов сингари ҳақиқатгўй одамларнинг
оғзини ёпиб қўйиш пайига тушади, ўз мавқеи-
ни мустаҳкамлаш учун ҳар хил лаганбардор-
ларга, ҳатто аблахларга ён босади, уларнинг
ёвуз, ифлос ниятларини амалга оширишга кў-
маклашади, виждони, диёнатининг нидосига
қулоқ солмайди, борни ошириб-тошириб, бир-
ни икки қилиб, йўқни йўндиришдан тоймайди,
зўравонлик билан ишини битиришдан қайт-
майди.

Романда шу нарсаса алоҳида урғу берила-
дики, Отақўзи фаолияти кўп жиҳатлари билан
қишлоқ ҳаётини, колхоз турмушини яхшилаш-
га, деҳқонларимизнинг фаровонлигини таъ-
минлашга қаратилади, ҳўжалик иқтисодининг
юксалишига йўналтирилади. Бинобарин, ҳа-
ракатдан барака унибди ва унга таҳсинлар
айтишимиз зарурмасми? Афсуски, бараканинг
илдизи ифлослик, қабиҳликка уланган бўлиб
чиқади. Ҳалол меҳнат, адолату софлик эмас,
балки виждонсизлик, диёнатсизлик, ёлғон-
яшиқ орқали юзага чиққан барака бўлиб чи-

қади. Кимларнингдир кўз ёши, кимларнингдир бахти саодати, кимларнингдир nasibаси эвазига келган барака эканлиги сезилиб қоладики, Нормурод Шомуродов яна курашга отланади. Тўғрироғи, курашишга отланганлар сафига қўшилиб, сардорлардан бирига айланади.

Яна бир сардор сифатида райком секретари Абдор Шукуров майдонга чиқади, лекин уни нима учун охирги лаҳзаларда энди эслаймиз? Ахир, бу одам асарнинг деярли барча воқеаларида иштирок этади-ку! Ҳа, иштирок этади-ю, бироқ унинг жонли қиёфаси «Диёнат»нинг сўнгги бобларида кўзга яққол ташлана бошлайди, дастлабки ҳолларда эса шунчаки кўриниб кетади, тўқнашувлар шиддатиға деярли таъсир кўрсатмайди.

Бунга бир жуҳатдан эътироз билдириш қийин. Ахир, Абдор Шукуров роман сюжетини ҳаракатга келтирувчи қўшимча куч сифатида гавдалантирилади-ку! Аммо у дастлаб фақат тўғри йўлдан кетаётган ўта ижобий қаҳрамон деб таърифлангандай бўлади, бироқ кейинчалик, айниқса, асар хотимасига яқинлашган сари Абдор Шукуров «китобий» эмас, чинакам ҳаётий образ тарзида гавдаланиб, қалбимизни тўлқинлантиради, ҳаяжонлантиради. Шунинг учун ҳаяжонлантирадики, у Нормурод Шомуродов сингари Отақўзининг фазилатлари, қусурлари, камчиликларига бефарқ қарамайди, уларнинг ижтимоий илдизларини ахтаради, миллионер раис билан гоҳ бевосита, гоҳ бавосита баҳслашади, тортишади: «Пахта бизнинг фаҳримиз» деган гап шунчаки бир шиор эмас! Еб ўтирган нонимиз, дастурхонимиз шу нарсага боғлиқ! Бироқ ким сизга фақат планни ўйла, деди?» «Деганлар бўлмаганми? Тилимни

қичитиб, ярамга туз сепиб нима қиласиз, ўртоқ Шукуров? Калламни шартта узиб ташласангиз ҳам айтаман — шу бугун ҳам бор унақа одамлар!» «Бор бўлса даври ўтпти уларнинг! Баланпарвоз гапларим учун кечирасиз, лекин улуг бойликни яратаётган одамларнинг турмуши, меҳнати, маданиятини кўпроқ ўйлайдиган пайт келмадимикин, Отақўзи ака!»

Ҳар иккала қаҳрамон ўртасидаги бу мунозара Абдор Шукуровнинг ички монологи тарзида берилади ва у райком секретарининг қандай раҳбар, қандай инсон эканлигини қисман кўрсатишга хизмат қилади. Ички монолог (у романда анча салмоқли ўринни эгаллаган) дан англашиладики, Абдор Шукуров бугунги колхоз ҳаётининг мураккабликларини тўла идрок этади, вазиятни яхшилаш фақат раҳбарликкагина боғлиқ эмаслигини бутун вужуди, ақл-заковати билан тушунади, лекин инсон эзгулик йўлида жонини фидо қилса, мавжуд имкониятлардан тўғри, оқилона фойдаланса, анча-мунча нарсани ўзгартиради, деган ақидага мувофиқ фикр юритади, меҳнат қилади, иш олиб боради. Бир кўришдаёқ Нормурод Шомуродовни ёқтириб қолганлиги бежиз эмас! Чунки, домланинг қарашлари, фикрлари билан райком секретарининг нуқтаи назари, ўйлари, туйғулари ўртасида муштараклик мавжуд, улар бир-бирларига маънавий жиҳатдан яқин, бу эса ҳар иккала қаҳрамонни бирлаштиради, ягона нуқтада учраштиради, ҳамдарду ҳамкорга, иттифоқчиларга айлантиради.

Ҳар иккала иттифоқчи, ҳамкору ҳамдард қаҳрамон бир ёқадан бош чиқариб Отақўзидаги катта истеъдод, бебаҳо қудрат, инсонийликни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилиб, унда-

ги манманлик, худбинлик, мансабпарастлик каби иллатларга қарши курашадилар. Курашадилару, бироқ узил-кесил ғалаба қозонадилар, деб бўлмайди. Аниқроғи, ўқувчи ҳақиқат улар томонда эканлигини ҳис қилиб туради, лекин ҳақиқат осонлик билан юзага чиқмайдики, «Диёнат»да бу очиқ-ойдин кўринади. Зотан адолатни байроқ қилиб қалбига, вужудига, виждонига сингдириб юборган қаҳрамонлар бир қанча чиғириқлардан ўтади, ўтиш пайтида баъзи йўқотишлар, жудоликларга учрайди. Чунончи, Нормурод Шомуродов вафоти тасодифий эмас. Наҳотки шундай бўлса, ахир, у ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган, поймонаси тўлган қария эмасмиди, дейшингиз мумкин ва бунга қисман қўшилишамиз. Аммо жиянининг қилмиш-қидирмишлари уни чексиз ғам-аламлар, қайғу-ғуссалар қаърига тикиб қўйдики, бу эса ўлимини тезлаштирди.

Роман хотимасида ҳам воқеалар ривожининг шиддати сусаймайди. Одил Ёқубов шунчаки тўқнашувларни якунлаш эмас, балки уларнинг ҳаёт ҳақиқатини ифодалаши, қаҳрамонлар характери мантиғига мос бўлиши, ижтимоий тараққиётнинг муҳим муаммоларини ёритишга йўналтирилиши тўғрисида жиддий бош қотирган. Натижада Нормурод Шомуродовнинг ҳаётдан кўз юмишини тасвирлаш билан бирга бу фожиали воқеа замирида замондошларимиз тақдирига оид маънолар яшириниб ётганлигини ишонарли кўрсатишга муваффақ бўлган.

Домланинг вафоти ҳақидаги хабар райкомда бюро бошланаётган пайтга тўғри келади ва Аброр Шукуров бюро аъзоларининг ўринларидан туриб, бир лаҳза сукут сақлашларини сўрайди.

Мана шу сукутда жуда зўр маъно ифодаланган. Гап шундаки, бюронинг ўша мажлисида Отақўзи масаласи муҳокама қилиниши керак эди, Нормурод Шомуродов вафоти муносабати билан бу муҳокама кейинга қолдирилади. Аниқроғи, қаҳрамон фаолиятига якун яшаш китобхон ҳукмига ҳавола қилинади. Ёзувчи Отақўзи раисликда қолиш-қолмаслигини очиқ айтмайди, сюжет ва конфликт ривожини бир нуқтага олиб келиб кузатишлари, мулоҳазаларидан узил-кесил хулосалар чиқармайди. Хулосалар чиқармайди-ю, бироқ хотимани ечилмайдиган жумбоққа айлантирмайди. У қаҳрамон ҳаётида жиддий ўзгариш рўй бераётганига ишора қилади, Отақўзининг тоғасига, ҳаётга, ўз ижтимоий мавқега, лавозимига бўлган муносабатини тафтиш этишга, қайтадан кўриб чиқиб, янгидан баҳолашга киришганини таъкидлайди: «Қани энди уни ўз жойида қолдиришса! Хатоларини юзига солиб бўлса ҳам, қаттиқ жазолаб бўлса ҳам ўз ишида қолдиришса! Отақўзи бу хатоларига барҳам бериб, шундай улуг ишлар қилардики, бутун олам қойил қоларди!»

Бу сўзларда хато-камчиликларини қалбан ҳис этиб табиий равишда чуқур англаб етган эмас, балки англаб олишга, тушунишга мажбур бўлган одамнинг нидоси ифодаланган, дейиш мумкин. Чунки, Отақўзи бўлажак бюро мажлисида унга кўпчилик қарши чиқишини сезиб ўзгаришга мажбур бўляпти, вазиятга мослашиш зарурлигини англаяпти. Худди шу лаҳзаларда тоғасининг ўлими ҳақидаги хабар етиб келади ва ўзининг энг яқин қадрдон кишисидан ажралганини, бунда ўзининг ҳам «ҳиссаси» мавжудлигини, ёшини яшаб, ошини

ошаб келган кекса одамнинг вафотини тезлаштиришга ўзи ҳам сабабчи эканлигини чуқур тушунгандан кейин Отақўзидаги ўзгариш ўзининг мантикий ниҳоясига бориб, ҳаётий заминга эга бўлади: «Илгарилари ўқитганинг етмагандек, умрининг энг сўнгги дақиқаларигача бетгачопарлик қилмадингми бу ҳалол ва ҳокисор одамга? Сохта обрў, юксак лавозим ва ўткинчи шон-шуҳратни деб, унинг яхши ниятларини рад этиб, яхши гапларини оёғости қилмадингми? Ҳатто пешонанг деворга бориб текканда ҳам, ҳатто шу бугун ҳам ҳаётнинг бу шафқатсиз сабоқларидан хулоса чиқариш ўрнига манманлик қилиб ҳам ўз обрў-этиборинг учун олишайтганинг йўқми? Бас! Бўлди! Лоақал энди, бу муқаддас қабр тепасида мунофиқлик қилма, лоақал энди, ҳаётнинг бу раҳмсиз ҳукми олдида ҳалолликни, диёнатни ўйла, Отақўзи!»

Мунофиқлик қилган, инсонийликни оёғости қилган одам пировардида даҳшатли фожиага йўлиқишини, ҳалокатга юз тутишини бутун вужуди билан сезиб олган қаҳрамон гавдаланяпти кўз ўнгимизда ва биз унинг энди тавбасига таянгани, пушаймон егани рост эканлигига шубҳаланмаймиз, лекин ёзувчи бу жуда кучли, улкан, қобилиятли ва ғоятда мураккаб инсон бир юмалаб фариштадек беозор, беғубор, бенуқсон, олижаноб сиймога айланиб қолди, деган хулоса чиқараётгани йўқ, аксинча, бундай фикр туғилишига имкон бермайди. Хотимага шундай маъно сингдирилганки, Отақўзи ҳаётнинг тазйиқи остида диёнат, виждонга хилоф иш қилиш ҳалолликка ҳам, адолатга ҳам, инсонийликка ҳам мутлақо ёт эканлигини тушунди ва бундан кейинги фаолиятини шунга

мувофиқ олиб боради, бироқ унинг тоғасидай хокисор, ниҳоятда олижаноб, ҳалол, гўзал инсон даражасига кўтарилиши ёки кўтарилмаслиги тўғрисида фикр билдирилмайди, қаҳрамон тақдиридаги ўзгаришга охирги нуқта қўйилмайди.

Тасвирланган воқеаларга узил-кесил яқун ясалмагани, қаҳрамонлар тақдирининг бундан кейин қандай бўлиши башорат қилиб айтилмагани; уларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар яқка-ю, ягона тўхтамга келтириб қўйилмагани «Диёнат» романига алоҳида табиийлик, ҳаётийлик бахш этади. Яна шуниси диққатга сазоворки, ундаги турмуш ҳодисалари, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, фикр-ўйлари, мулоҳазалари, кечинмалари кенг ва катта миқёсдаги, эпик тафаккур (романное мышление) талабларига мувофиқ равишда тасвирланган.

Мана шу фазилатлари билан «Диёнат Абдулла Қодирӣ, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби романнависларимизнинг анъаналарини ҳозирги замон талабларига мос ҳолда ривожлантириб уларга янги мазмун бахш этаётган пешқадам ёзувчиларимизнинг етук асарлари сафидан ўрин олганлигини кўрсатди. Ромanning бунга қўшимча тарзда таъкидладиган муҳим жиҳатлари мавжудки, уларни эътибордан соқит қилиш инсофдан эмас: Одил Ёқубов илмий-техника тараққиётидан келиб чиқиб, инсоннинг бугунги ҳаёти, тақдири, бахт-саодати, қувонч-шодликлари, ғам-аламларига бевосита боғладиган, нурли келажақ заминини ҳозирлашда жуда катта аҳамият касб этадиган долзарб ижтимоий-маънавий муаммоларни кўтариб чиқади ва уларни тўлақонли об-

разлар яратиш орқали ёритишга интиладики, бу ййтилиш, айниқса, Отақўзи билан Нормурод Шомуродов характерларида ўзининг ёрқин ифодасини топган самарали натижаларини келтирган, ижодий ғалаба билан якунланган.

Ҳап ҳозирги замон социалистик ҳўжаликларининг раҳбарлари ҳам билим, қобилият, истеъдод жиҳатидан, ҳам маънавий соғломлик, руҳий етуклик, инсоний софлик жиҳатида давримизнинг юксак талабларига жавоб берадиган даражага кўтарилиб, халқимиз эҳтиёжларини қондиришга ўзларини сафарбар қилсалар, ҳеч қачон виждон, диёнатга хиёнаткорона, мунофиқона муносабатда бўлмасалар, обрў-эътибор қозонадилар, эл-юрт муҳаббати, ҳурматига эришадилар, деган салмоқли ғоянинг асар қаҳрамонлари, хусусан Отақўзи ва Нормурод Шомуродов муносабатлари таҳлилида чуқур ва ишонарли ёритилганлиги тўғрисида кетаётир. Мазкур ғояга мантикий изчиллик билан уланиб кетадиган қатор ўткир ижтимоий муаммолар қаламга олинади ва ҳаётий манзараларда ёритилади. Улардан бири қишлоқ ҳўжалик зараркунандаларига табиий, биологик воситалар орқали курашни кенг қулоч ёздириш, таомилга киритишдан иборатдирки, ёзувчи бу борада нимаики тилга олинмасин, барчасини «Диёнат» қаҳрамонлари тақдирига «пайвандлайди».

Маълумки, бу усул ўз номи, моҳиятига мувофиқ инсонга ҳам, табиатга ҳам жиддий зарар келтирмайди, бироқ ҳали обдан синалиб, ўз қудратини, афзалликларини намойиш этмаган. Шунинг учун Отақўзи ҳадеб химикатларга зўр беради. Ахир, у қандай йўл, қандай

восита бўлишидан қатъий назар нимаки тезда мўл наф келтирса, шуни кўзлайди-да! Табиий, биологик усул Отақўзининг планларини юзикки юз фойиз бажариб, шон-шухрат қозонишига монёлик қиладики, шунинг учун раис сифатида унга қарши чиқишдан бошқа иложи қолмайди.

Роман воқеалар тасвиридан шу нарса ангилашиб турадики, Отақўзи табиий, биологик усулнинг инсон саломатлиги, бахт-саодати учун фойдали эканлигини сезади, ҳис қилади, аммо планни бажариб, обрў қозониш учун химикатлардан фойдаланишга мажбур қилади.

Асарда табиий, биологик усулнинг ҳимоячиси, раҳнамоси сифатида миллионер раиснинг бўлғуси келини ва унинг домласи Обидов гавдалантирилади ва муаллиф шунга эришганки, биз Обидов ҳамда унинг севимли талабаси Латофатни яхши кўриб қоламиз, уларнинг пахта учун, пахтакор учун сидқидилдан қайғуриши, деҳқоннинг истиқболи, ер, тупроқ, табиатнинг истиқболи тўғрисида ғамхўрлик қилишига асло бефарқ қараш мумкин эмас. Дастлаб домла ва унинг талабаси Отақўзининг кескин қаршилигига дуч келади, ҳатто Обидовни вақтинча қамаб қўйишгача бориб етадилар, бироқ Шукуровнинг аралашуви билан улар ўртасида тўқнашув тезда барҳам топади, биологик, табиий усул тарафдорлари ғалаба нашъасини сурадилар, лекин бу ғалабанинг ҳаётий замини, асослари, сабаб-оқибатлари бизни етарли даражада ишонтирмайди. Шунингдек, домла ва талаба бир-бирларига шу даражада қалбан яқин қилиб кўрсатиладики, улар бир-бирларини севиб қолган, деб ўйлаш мумкин, бироқ воқеанинг бу аснодаги ривож

негадир ўзининг мантикий ниҳоясига етмайди. Ахир, Латофатга ўйланмоқчи бўлган Ҳайдар, ўша Отақўзининг яқиндагина фан кандидати унвонини олган ўғли бўлғуси хотинига бекорга рашк қилиб, Обидовдан нафратланиши бежиз эмас-ку!

Ҳайдар ва унинг илмий раҳбари Миробидов, Нормурод Шомуродовни не-не балоларга гирифтор айлаган олимсимон одам тақдирига боғлиқ ҳолда Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш, оқава сувлардан фойдаланиш муаммоси кўтарилади-ю, аммо бу муаммо ҳам қаҳрамонлар характерларига сингдириб юборилмайди. Умуман Ҳайдар билан Латофат, Миробидов билан Нормурод Шомуродов, Обидов билан толибаси ўртасидаги муносабатлар роман конфликтининг ривожига, тўқнашувларнинг кескинлашувига жиддий таъсир ўтказадиган даражада тадқиқ этилган, дейиш қийин.

«Диёнат»да йўл қўйилган айрим нуқсонларга навбат келганда энг ёрқин, энг мукамал ва тўлақонли чиққан Отақўзи образида кўзга ташланадиган қандайдир бир мавҳумлик, ноаниқликка диққатингизни жалб этмоқчимиз: гап шундаки, ёзувчи қаҳрамоннинг раҳбар сифатидаги муҳим фазилатлари, салмоқли хусусиятлари, мавжуд етишмовчиликлари тўғрисида жуда ҳаққоний тасаввур туғдиради, таъсирчан манзаралар яратади, миллионер раисдаги мураккаб, чигал туйғулар, кечинмалар, мулоҳазалар оқимини чуқур тадқиқ этади, бироқ унинг интим дунёси, оилавий ташвишлари, деярли очилмайди. Ахир, Отақўзидай кучли, йирик ва зиддиятли, мураккаб шахснинг севгиси ҳам ғоятда кучли, беқиёс салмоқли, мисли кўрилмаган даражада му-

раккаб, чигал, зиддиятли бўлиши керакмасми?!

Тўғри, бир қанча ўринларда Отақўзининг оилада ҳам ўз ҳукмини ўтказадиган салобатли, ўжар, ҳоким эр ва ота сифатида гавдаланади, Латофатни «жиловлаш»га дадил ҳаракат қилмаган ўғлини миждовликда айблайди, хотини Олияга гоҳ меҳрибончилик кўрсатади, гоҳ кўрслик қилади, лекин аслида қаҳрамон интим туйғулари, кечинмаларидаги «портлаш»лар, «ағдар-тўнтар»лар, тўқнашувлар кенгроқ миқёсда олиниб, ижтимоий фаолиятидаги шиддатли тўқнашувларга, олишув-тортишувларга табиий равишда моҳирона «пайвандланган»да «Диёнат»нинг янада мазмунлироқ, янада баркамолроқ асар даражасига кўтарилмасмиди демоқчимиз. Бунинг устига онда-сонда, у ер бу ерда баёнчиликка, юзакиликка ўрин берилганини ҳам афсусланиб қайд этишга тўғри келади. Нимасидир ойдинлашмай, нимасидир ниҳоясига етмай қолган, нимасидир чуқур ёритилмаган персонажлар учраб туришини айтмайсизми?!

Хуллас, ҳар тўқисда бир нуқс деганларидек, «Диёнат»нинг ўзига хос етишмовчиликларини мавжуд, бироқ улар асар фазилатларини инкор этмайди. Зотан Одил Ёқубовнинг бу романи кенг миқёсли эпик тафаккур талабларига тўла жавоб беради, унда бугунги қишлоқ ҳаёти ўзининг маънавий-иқтисодий, ижтимоий, руҳий бойликлари, мураккабликлари, зиддиятлари билан гавдаланади. Энг муҳими, асарнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир жумласи, ҳар бир образи, ҳар бир персонажи ёзувчи қалб кўрига йўғрилганлиги коммунистик жамият қурувчиларининг юрак туғени, орзу-умидлари, дардаламларини ифодалашга қаратилганлиги се-

зилиб турибди. Роман бошдан-оёқ, биринчи сатрларидан то охиригى сўзларига чинакам истеъдодли ижодкорнинг кучли эҳтиросларига, ёниб-куйишлари, дил розлари, юрак тўлқинларига «едириб» юборилгандай таассурот қолдиради. Бу эҳтирослар, ёниб-куйишлар, дил розларида эса ҳозирги замонимиз — етук социализм даврининг руҳи ифодаланган ва уларда коммунистик эътиқод билан келажакнинг мустақкам заминини яратётган совет кишиларининг ижтимоий ва шахсий ҳаётидаги жасоратлари, шиддатлари, интилиш-изланишлари мавж уриб турибди. Зотан шиддатли қаҳрамонларнинг шиддатли ҳаётини рўйирост, ҳаққоний кўрсатиб, турмуш зиддиятлари, мураккабликлари чигалликларини табиийлиги билан ёритишга йўналтирилган асар шиддатли баҳслар, шиддатли мунозараларга даъват этадики, бизнинг мулоҳазаларимиз шундай фикр олишувларнинг бир кўриниши сифатида ҳукмингизга ҳавола қилинапти. Мулоҳазаларимиз кимларгадир «юқиб», кимларгадир фикр уйғотса, кимларнидир мунозараларга тортса, вазифамиз ўталди, деб ҳисоблардик, лекин улар «Диёнат» романининг барча фазилятлари, гоёвий-бадий хусусиятлари, нозик ва назокатли, шунингдек қиёмига етмаган жиҳатларини тўла қамраб олишга қодир эмас. Чунки, таҳлил учун бой, салмоқли материал берадиган бу асар ҳали қанчадан-қанча тадқиқот ишларига баркамол асос бўлишига шубҳаланмаймиз. Шиддатли туйғулар, шиддатли кечинмалар, шиддатли ўйларга йўғрилган асар ўқувчиларнинг ҳам, мунаққидларнинг ҳам шиддатли фикр-мулоҳазалари, шиддатли кечинмаларини ҳаракатга келтиради.

ХОТИМА ЎРНИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Одил Ёқубов ёзувчи сифатида кундан кунга янада етилиб, очилиб борапти, унинг ижодий парвозлари муваффақиятли давом этмоқда. Навбатда янги-янги асарлар турибди. Шундай экан, ҳали яқунга вақт эрта. Аммо биз шунни таъкидлашимиз мумкинки, Одил Ёқубов ижодий такомилли давомида хилма-хил асарлар ҳада этди, бадийят оламида ўзига хос санъаткор сифатида тажриба орттирди, машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди.

Табиийки, у яратган барча асарларни батафсил, кенг миқёсда таҳлил қилиб, узил-кесил ҳукм-хулосалар чиқармоқчимасмиз. Мақсадимиз Одил Ёқубовнинг ажойиб истеъдод соҳиби сифатида анча-мунча муваффақиятсизликларга дуч келганлиги, бу йўлда ўзига муносиб сабоқ олиб, қийинчиликларни бартараф этганлиги, бадий камолотга жиддий изланишлар, қаҳрамонона интилишлар, курашлар натижасида эришганлиги юзасидан ўз кузатишларимиз, мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишдан иборат эди.

Абдулла Қаҳҳор ёзувчининг таржимаи ҳоли уни асарларига сингиб кетади, ижодий изланишларига кўчади, деб уқдирган эди. Владимир Маяковский эса «Мен шоирман, шуниси муҳим, бошқа гапларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ», деб ҳайқирган эди.

Бундан шундай маъно келиб чиқадики, ёзувчининг таржимаи ҳоли унинг ижодида акс этади, ижодида мужассамлашади, бинобарин, биринчи навбатда ёзилган китобларни таҳлил қилиб, уларнинг ижодкори қиёфасини аниқлашимиз танқидчилик учун ҳам фарз, ҳам қарз-

дир. Одил Ёқубов асарларини таҳлил қилишга интилишимиз шу билан изоҳланади.

Бадий маҳорат деган тушунча анча кенг; мураккаб, салмоқли мазмунни қамраб олади, бироқ бу мазмун моҳиятини ёритишга энди киришиляпти. Борди-ю, бу соҳадаги ишларимиз авж олиб, кенг миқёсда давом эттирилса сўз санъатининг асл маъносини очишга, бадийлик қадр-қимматини янада оширишга эришардик, бу борадаги бракларга тўсқинлик қилардик. Таҳлилда гоё билан образнинг уйғунлигини таъминлаш жуда қийин, лекин шарафли вазифа ва бу вазифани муваффақият билан адо этган мунаққид мақсадига етади, келажак заминини яратади.

Одил Ёқубов кўпгина адабий-танқидий мақолалар ёзиб, таҳлилни манашу жиҳатига алоҳида эътибор бераётир. Айниқса, Абдулла Қодирий услуби, романларининг гоёвий-бадий хусусиятларига онд мулоҳазалари қизгин баҳсларга туртки берди.

Қизиги шуки, ёзувчи шогирд сифатида устоз номига, Абдулла Қодирий шарафига қанчалар таҳсинлар айтган бўлса, бирортаси эътироз туғдирмади, бироқ айрим танқидий мулоҳазалари эса ҳалигача тўла ҳазм қилинмаяпти.

Одил Ёқубов шундай деб мулоҳаза юритади: «Романда чуқур маънодаги реалистик адабиёт талабларига жавоб беролмайдиган, романтик услуб таъсирида ёзилган, шунинг учун ҳам бугун «ясамалиги», сунъийлиги сезилиб қолдиган айрим саҳифалар бор. Масалан, ҳаётда кўп нарсани кўриб чиниққан, тажриба орттирган Отабекдай йигитнинг худди ёш бир ўспириндай Кумушга ошиқ бўлганини ҳаммадан яшириб, кечалари тўлганиб чиқишлари, айниқ-

са, оддий хизматкор Ҳасан-али ундан яшириқча совчига боришлари, ниҳоят, бу сирлардан беҳабар Кумушнинг никоҳ кечаси: «Сиз ўшами?» деб «кутилмаган бахт»га муяссар бўлиши... бунинг ҳаммаси китобхонга асарнинг таъсир кучини ошириш учун, «эффект» учун қилинган, яъни, бошқача қилиб айтганда — «ясалган». Назаримда романнинг «Ҳукнома» боби, Кумуш жаллод қўлига топширилган Отабек билан Қутидорни хат воситаси билан дор тагидан қайтариб, қутқариб қолиши ҳам эртаклардаги воқеаларга ўхшаб кетади».

«Меҳробдан чаёнда» ҳам шунга ўхшаш айрим жузъий нуқсонлар мавжудлигини Одил Ёқубов ёзувчига бўлган ҳурмату муҳаббатига шак келтирмаган ҳолда дангал айтади.

Одил Ёқубовнинг фикрлари билан келишмаслигимиз мумкин, баҳслашимиз, ҳатто рад қилишимиз мумкин, бироқ уларда жон борлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

«Ўтган кунлар»ни ҳам, «Меҳробдан чаён»ни ҳам Одил Ёқубов юксак баҳолайди, фақат ёшлик чоғидагина эмас, балки ҳозирда ҳам уларни зўр қизиқиш, кучли ҳаяжон билан ўқиганлигини ғурурланиб, қувонч билан сўзлайди, айни чоқда баъзи жузъий етишмовчиликларидан кўз юммаслигимиз зарур, чунки, биз Абдулла Қодирий эгаллаган довлардан ўтиб, янги юксакликларга «ҳужум» қилмоғимиз зарур деб ўз фикрини билдирыпти.

Фойдали фикр, ибратли фикр! У Одил Ёқубовнинг етук адиб даражасига қўтарилганини, маҳоратнинг бундан ҳам юксак нуқталарини эгаллашга қодир эканлигини кўрсатди.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Туғилиш, ўсиш-ўзгариш сеҳри	7
Камолот заминлари	20
Парвоз давом этади	34
Етуклик мевалари	46
Дунё кенгликлари ичра	107
Шиддатга шиддат қўшилади	130
Хотима ўрнида икки оғиз сўз	164

На узбекском языке

Нарбай Худайберганов

ПОЛЕТ ПРОДОЛЖАЕТСЯ

Штрихи к портрету Адыла Якубова

Редактор *Норбоев Б.*

Рассом *Крюков А.*

Расмлар редактори *Пономарев А.*

Техн. редактор *Смирнова Т.*

Корректор *Соатова Ш.*

ИБ № 985

Босмахонага берилди 26. 11. 79. Босишга рухсат этилди 13. 5. 80. Р 09030. Формати 70×90¹/₃₂. Босмахона қогози № 3. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 6,14. Нашр л. 6,11+0,02 вкл. Тиражи 3000. Заказ № 82. Баҳоси 65 т. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси Янгийўл. Самарқанд кўчаси, 44.